

**БОЛИБЕКОВ АЛИШЕР**

**РАСУЛОВА ЗОҲИДА**

**ЮСУПОВА ҲИЛОЛА**

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**ГУЛИСТОН 2020**

**КБК: 74.10**

**уЎК: 373**

**Б - 83**

**Ушбу монография Гулистон давлат университети Илмий Кенгашининг 2019 йил 27 декабрдаги 19-йиғилишида нашрга тавсия этилган.**

Масъул муҳаррир:

Қозоқбой Йўлдошев

Педагогика фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

**М.Ў.Сарибоева**, п.ф.н. “Мактабгача таълим” кафедраси мудираси

**Б.Х.Рахимов**, п.ф.д. “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси мудираси

Болибеков А. Расулова З. Юсупова Х.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларининг ахлоқий фазилатларини шакллантириш йўллари мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари. олий ўқув юртлари педагогика факультети талабалари учун монография / А. Болибеков З. Расулова Х. Юсупова масъул муҳаррир Қ. Йўлдошев., 2020. – 186 бет

Монографияда Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланган Ҳадиси Шарифнинг таълим тизимида ўрганилиши ҳақида фикр юритилган. Унда Ҳадисларни мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактабларининг турли босқичларидаги адабиёт дарслари, синфдан ташқари ўқиш, мустақил ўқиш ва тўғарак машғулотларида ўргатиш самарадорлигини ошириш орқали мактабгача ёшидаги болалар ва мактаб ўқувчилари ахлоқий фазилатларини шакллантириш йўллари тадқиқ қилинган.

**ISBN 978-9943-382-48-0**

## **К и р и ш**

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Давлатимиз томонидан бу тизимга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”ни белгилаб берди. Ушбу стратегияга биноан “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” масаласи ҳам киритилган бўлиб, бугунги кунда давлатимизнинг асосий эътибори мактабгача таълим соҳаси масаласига қаратилгани жуда аҳамиятлидир. Бунда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шароитларни тубдан яхшилаш ҳақида сўз боради.

Шунингдек, “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3261- сонли қарори, “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3305-сонли қарори амалда ижросини топмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялаш, тарбиянинг энг муҳим қисми бўлган ахлоқий тарбияни турли йўллар билан шакллантириш ҳозирги куннинг муҳим талабидир. Илк тарбиянинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, боланинг инсонпарварлиги, тўғри сўзлилиги, адолатпарварлиги ва дунёқараши ривожланиб, баркамол бўлиб вояга етади.

Муҳтарам президентимизнинг “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” номли китобида қуйидагича фикрларини билдириб ўтганлар: Биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини жуда-жуда истардим. Мана улуғ аждодииз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Қаранг, қандай олтинга тенг сўзлар.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”. Болаларда инсон шаъни, инсонпарварлик, ватанига бўлган меҳр, одамийлик, мардлик каби олийжаноб туйғуларни шакллантириш ҳамда уларни юксак маънавиятли, маданиятли ва миллий ғурури шаклланган авлод қилиб тарбияламоқ лозим. Тарбияланувчиларда бу каби сифатларни шакллантиришда ҳадис илми беқиёс аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек халқининг маънавиятини таркиб топтиришда пайғамбаримизнинг сўзлари, одатлари, амаллари, қарашлари мажмуи бўлган ҳадислар кўп асрлардан бери асосий манба бўлиб келган. Маънавий меросимиз мазмунида мустаҳкам ўрин эгаллаган ҳадислардан нафақат оилада, балки тарбия тизимида ёш авлод тарбияси самарасини оширишда фойдаланиш, болаларнинг миллий ўзлигини англаш орқали ота-оналар ва тарбиячи мураббийларга муҳим аҳамиятли восита бўла олади. Бу ишни амалга ошириш фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган ота-онанинг шунингдек, тарбиячининг ҳам зиммасига тушади. Баркамол шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришда ота-боболаримизнинг улкан маданий-марифий меросларидан бири ҳадиси шариф саналади.

---

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент-Ўзбекистон-2017й 124-1256

Ҳадис–ўқиб ўрганиб, ўз-ўзини тарбиялаш воситасидир. Дунёда ташқи таъсирлар, ўғит-у насиҳатларга қараганда, инсон қалбининг ўзлигини англаши, ўз-ўзини поклаши ва тарбиялаши муҳимроқ ва самаралироқдир. Асрлар давомида миллатимизнинг эътиқоди бўлган ислом дини ахлоқий мезонларининг тарғиботчилари ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Мотурудийларнинг иймон-еътиқод, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия соҳасидаги беқиёс меросларини тарғиб қилиш бугунги куннинг амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади

Қадимий бой маънавий меросимиз бўлган, башарият тафаккур хазинасига улкан ҳиссаларини қўшишган бу алломаларимизнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, улардан унумли ва ўринли фойдаланмоқ зарур. Чунки уларнинг асарларида меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, поклик, дўстлик, ота-она фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари каби барча инсоний туйғулар ўз ифодасини топган.

Уларнинг улуғ хизматлари туфайли бизнинг маънавият ва одоб-ахлоқларимиз зарур руҳий озуқалар билан бойиб бормоқда.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) нинг ҳадиси шарифларида бу масала мукамал суратда ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги айтган сўзлари бу масаланинг аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди:

“... Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”. Мана қарийб ўн беш асрдан буён ислом динимизнинг кўплаб олим ва улуғ зотлари Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васалламнинг сўзларини ўз ичига олган ҳадисларни авлодларга етказмоқдалар.

Дунёни энди таниётган мурғак қалбларга инсонни улуғлайдиган хислат-у, фазилятлар бўлмиш ҳалоллик, ота-онага хурмат бажо келтириш, тўғрисўзлик, муҳтож инсонларга ёрдам бериш, қўли ва тили билан инсонларга зиён етказмаслик, тилсиз жониворларга озор бермаслик каби инсоний хулқ-атвор ва хислатларни танитмоғимиз ва бунинг мукофоти улуғ эканлигини ўргатмоғимиз лозим.

Бундай инсоний туйғулар ёш авлод қалбига етарли даражада сингдирилган тақдирдагина унинг маънавий камолотини таъминлаш мумкин.

Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни ота-боболаримиз руҳий оламининг томир- илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олийжаноб фазилятлар асосида шаклланган.

Шу ўринда маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон – муқаддас динимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Барчамизга маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар асосида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги ва одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарга аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши,

авваломбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди деб ўйлайман.

Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.

Юртимизда иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг юқори суръатларда тараққий қилиши жамият аъзоларининг ижтимоий тафаккуридаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Маклакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг онг-тафаккури соғлом бўлар экан, бундай юртда яшаётган кишиларнинг мулкка, маънавий қадриятларга, санъатга, адабиётга бўлган қарашлари ҳам ижобий томонга юз буради. Бундай ҳол юртимиз аҳлининг маънавий қадриятларга бўлган аътиборини янада орттиради. Маънавий қадриятлар устувор бўлган жамият барча табақаларда юксак натижаларга эриша олади.

Жамият аъзоларининг тафаккурида ўзгаришлар ҳосил қилмоқ, энг аввало, таълим тизимида туб бурилишлар бўлишини тақозо қилади. Маънавий қадриятларни шакллантиришда мактаб адабий таълимининг имкониятлари катта бўлганлиги учун ҳам истиқлолга эришилган кундан бошлаб асосий аътибор унинг самара берадиган усулларини ишга солишга қаратилди. Бугунги кунда бу масалага нафақат мутахассислар, балки жамият аъзоларининг катта қисми ҳам қизиқмоқда. Мамлакатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримов “Туркистон” газетаси муҳбири саволларига жавоб берар экан, ўзбек халқи маънавий қадриятлари билан жаҳондаги бошқа халқларнинг маънавий-маданий қадриятлари ўртасидаги уйғунлик ҳақида, уларни бир-бирига зид қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида яна бир бор гапириб, хусусан, шундай деган эди: “Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга тадбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур”.

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий меросини мустақил Ўзбекистоннинг эртанги куни бўлмиш ўқувчи ёшларга сингдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу ишни амалга ошириш кўпроқ адабиётнинг зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам “Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади соғлом, эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркомол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига масъул<sup>1</sup> бўла оладиган комил инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборатдир”, - деб алоҳида таъкидланади. Баркамол шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришда ота-боболаримизнинг улкан маданий-маърифий меросларидан бири ҳадиси шариф саналади. Ҳадис – ўқиб, ўрганиб, ўз-ўзини тарбиялаш воситасидир. Дунёда ташқи таъсирлар, ўгиту насихатларга караганда, инсон қалбининг ўзлигини англаши, ўз-ўзини поклаши ва тарбиялаши муҳимроқ ва самаралироқдир. Асрлар давомида миллатимизнинг эътиқоди бўлган ислом дини ахлоқий мезонларининг тарғиботчилари ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Мотуридийларнинг иймон-эътиқод, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия соҳасидаги беқиёс меросларини тарғиб қилиш бугунги куннинг амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Қадимий, бой маънавий меросимиз бўлган, башарият тафаккур хазинасига улкан ҳиссаларини қўшишган бу алломаларимиз асарларини, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, улардан унумли ва ўринли фойдаланмоқ зарур. Чунки уларнинг асарларида меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, поклик, дўстлик, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари каби барча инсоний туйғулар ўз ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> Таълим тараққиёти. 1999 йил. 1- махсус сон. Б-166.



Ўқиш, она тили, адабиёт, одобнома, давлат ва ҳуқуқ асослари, инсон ва жамият дарсларини ўтиш жараёнида ҳадислар орқали мана шу туйғуларни ўқувчилар онгига сингдириш ўқитувчи олдидаги амалга ошириш зарур бўлган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу инсоний туйғулар ёш авлод қалбига етарли даражада сингдирилган тақдирдагина унинг маънавий камолотини таъминлаш мумкин. Бу борада биринчи президентимиз Ислон Каримовнинг “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради”<sup>1</sup> - деган ибратли фикрлари ҳам инсон маънавияти масаласининг ҳар қандай даврда ҳам биринчи галдаги ҳал қилиниши лозим бўлган масала эканлигини кўрсатади. Чунки, инсон Оллоҳга, ота-онасига, оиласига, ўз она-юртига, дўстларига ва атрофидагиларга эътиқод қилса, уларга ишонса жамиятимиз тараққиётига янада кўп наф келтиради. Ўқувчиларда бундай эътиқодни юзага келтириш учун эса адабиёт дарсликларидан ўрин олган бадиий матнларни ҳадисларга боғлаб ўрганиш кўпроқ самара беради.

Ҳадисларнинг ўрганилиш, ишланганлик даражаси жуда қадимги даврларга, хусусан VIII асрга тақалади. Туркистонда қадим-қадимлардан бошлаб бошланғич мактаблар учун ёзилган қироат китоблари бевосита ҳадиси шарифни ўқитишга бағишланган. Мактабда ёш ўқувчилар илк саводини чиқариши билан, яъни алифбони тугатиши биланоқ ҳадислардан намуналар ўқишган, ёд олишган.

Турк ёзувчиси Орифбекнинг “Минг бир ҳадис” асари ҳам ёш ўқувчиларга бағишланган. Орифбек XV асрда яшаб ижод қилган араб олими Жалолуддин Суютийнинг “Жомиъу-с-сағир” китобидан минг бир ҳадисни танлаб олиб, уни турк тилига таржима қилган ҳамда унга шарҳ ёзган. Бу китоб мактаб ўқитувчилари-ўқувчилари учун дарслик вазифасини бажарган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. Ўзбекистон, 1996. Б-81.

1906 йилда Орифбекнинг “Минг бир ҳадис” китоби Шокиржон Ҳомидий томонидан татар тилига таржима қилиниб, Қозон шаҳрида нашр қилинган. 1915 йилда бу асар қайта нашр қилинди. Шу китоб асосида 1991 йили Тешобой Зиёев “Юз бир ҳадис” рисоласини яратди.<sup>1</sup> Шунингдек, турк олими Усмон Кески ўғлининг “Сияри набий”, Шайх Зоҳидхон Қодир Отахон ўғлининг “Пайғамбарлар қиссаси, Убайдулла Уватовнинг “Донолардан сабоқлар”, “Муслим ибн ал-Ҳажжож”, Саид Азим Муҳаммад Алининг “Имом Бухорий таърифи”, А.Мансуров, У.Жўраев, М.Лафасовларнинг “Ҳадис илми сабоқлари”, Нурбой Абдул Ҳакимнинг “Ҳадислардан таралган зиё”, М.Пазилованинг “Ўқувчи маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг педагогик асослари” каби тадқиқотларда қимматли фикр-мулоҳазалар юритилган.<sup>2</sup>

Умумий ўрта мактаб адабий таълимида ҳадисни ўқитиш илк бор илмий-методик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Адабий таълимда ҳадис ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва мазмунини янгича педагогик тафаккур нуқтаи назаридан талқин қилиш, ҳадисларни ўқитиш жараёнида ўқувчи-ўқитувчи муносабати характери-хусусиятини белгилаш, ҳадис матни устида ишлаш ва ҳадиси шарифни ўрганиш машғулотларининг ўқувчилар ахлоқини такомиллаштириш воситаси эканини асослашга мазкур монографияда алоҳида эътибор берилди.

---

<sup>1</sup> Зиёев Т. Юз бир ҳадис. – Т. 1991, 3-4 бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Шайх Зоҳидхон Қодир Отахон ўғли. Пайғамбарлар қиссаси. – Т. 1993; Убайдулло Уватов. Донолар сабоқлар. –Т. 1994; Муслим ибн ал-Ҳажжож. –Т. 1995; Саид Азим Муҳаммад Али. Имом Бухорий таърифи. –Т.1996; А.Мансуров, У.Жўраев, М.Лафасовлар. Ҳадис илми сабоқлари. –Т. 1999; Нурбой Абдул Ҳаким. Ҳадислардан таралган зиё.-“Ишонч”. 1997 йил; Пазилова М.Ўқувчи маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг педагогик асослари.-Т.2004

## **I БОБ.МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ВА БОШЛАНҒИЧ СИНФ БОЛАЛАРИНИ ҲАДИСЛАР ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ**

### **1.1 МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ВА БОШЛАНҒИЧ СИНФ БОЛАЛАРИНИ ҲАДИСЛАР ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ**

Мактабгача ёшдаги ва бошланғич таълим болаларини ахлоқий тарбиялашда ҳадисларнинг аҳамияти беқиёсдир. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш мазмуни боланинг маънавий дунёсини тарбиялаш ҳамда ривожлантиришни тақозо этади. Ҳадислар бола қалбида эзгулик ҳиссиётини уйғотиб, унинг хулқини ижобий томонга йўналтиради. Ҳадислар орқали талқин қилинган ғоялар болаларда ижобий фазилатларни шакллантиради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) “Фарзандларингизга ва аҳлингизга яхшилиқни таълим беринг ва уларга одобни ўргатинг” деганлар. Ушбу масъулиятни ҳис этган ҳолда барча ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясига жиддий эътибор беришлари ва ҳар қандай шароитда ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишга вақт топишлари лозим. Чунки, фарзанддаги ёмон хулқ ва унинг нохуш оқибатлари учун аввало ота-она масъулдир.

Қадимдан ота-боболаримиз болаларни умуминсоний туйғулар, фалсафий қарашлар, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида маталлар, мақоллар, ривоят ва ҳадислардан фойдаланганлар.

Ахлоқ-одобга доир ҳадислар ёш авлодни тарбиялашдек ишга катта ҳисса қўшади. Болаларга ахлоқ-одоб, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат каби фазилатларни ва ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби иллатларни билиши ва уларга нисбатан ўз мустақил муносабатларини билдира олишлари лозим.

Умумўрта таълим мактаблари бошланғич синф ва мактабгача ёшдаги болалар учун ҳадислар катта таъсир кучига эга. Ҳадислар бола қалбида эзгулик ҳиссиётини уйғотиб, унинг хулқини ижобий томонга йўналтиради. Ҳадислар орқали талқин қилинган фикрлар болаларда ижобий фазилатларни шакллантиради.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, шахсий сифатлари ва хулқини тарбиялаш ҳамда ривожлантиришни тақозо этади.

Болаларнинг ахлоқий тарбиясини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- турли ёш гуруҳлари учун содда ахлоқий тушунчалар ҳақида маълумот бериш;
- бола доимий равишда “нима яхши-ю, нима ёмон?” сўзининг маъносини англаб, ўз фикрини содда баён этишга эътибор қаратиш керак бўлади

Педагогикада “устувор мақсад” деган тушунча мавжуд. Ушбу тушунчага асосланиб, тарбиявий ишларни ривожлантиришга маънавий-ахлоқий тарбияни асосий мақсад сифатида белгиладик. Бошланғич ва мактабгача ёшдаги болаларда меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, дўстлик, масъулиятлилик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш тарбиячининг бевосита машғулотдаги фаолиятидан бошланади. Маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашда биз ўзбек миллий педагогикасига мурожаат қиламиз. Профессор Қ. Йўлдошевнинг фикрига кўра, ўзбек миллий педагогикаси учун ислом фалсафаси методологик асос вазифасини ўтайди.

Мактабга тайёрлов (6-7) ёшдаги болалар ўзининг психофизиологик жиҳатдан энг мураккаб давр ҳисобланади. Болакайлар биринчи марта ўзини онасидан ажрата бошлайди. Яъни “мен ўзим” ҳақиқий мотивацияга айланади. Бу даврда бола ўзини бутунлай мустақил шахс сифатида англайди. Бу тенгдошлари билан кечадиган эркин мулоқот давомида намоён бўлади. Эндиликда болалар ҳамкорликдаги фаолиятда шахсий қарашларини ҳимоя

қилиб, ҳаётӣй вазиятларда ахлоқий танловни амалга ошира оладилар. Жинсидан келиб чиқиб, унга мос бўлган юриш-туриш қодаларини онгли тарзда бажарадилар. Мактабгача ахлоқий-иродавӣй тайёргарликнинг қарор топишида, шунингдек, тайёрлов гуруҳидаги бола шахсий хулқ атворидаги мусақиллик, уюшганлик, интизомлилик каби хусусиятлар аҳамиятлидир.

Ахлоқий фазилатларни боланинг энг кичик ёшидан оилада, мактабгача тарбия муассасаларида шакллантириб бориш керак. Болалар шуурида энг яхши ахлоқий фазилатларни шакллантириш уларнинг жуда ёшлигидан бошланади. Дастлабки тарбиянинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, боланинг дунёқараши, диди шунчалик ривожланади, камол топади. Болаларда миллий ғурур, инсон шаъни, инсонга меҳр-муҳаббат, одамийлик, тўғрилиқ, мардлик каби инсонпарварлик ғояларини шакллантиришда ҳадисларнинг ўрни беқиёсдир. Инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни юксак маънавият, маъданият ва мустақил фикрлаш ҳамда миллий онгни шакллантиради. Одоб-ахлоқ илмини ўқиш, ёзиш, кузатиш ва насихатлар эшитиш орқали амалга ошириш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар ҳадисларни тинглашлари, келтирилган ҳадисларга мос суръатларни бўяш ва уларни ёд олиш орқали ўрганишлари мумкин.

Ушбу маънода миллий тарбиямизни ўрганиш, ундаги панд-насихатлар, дурдона сўзлар, ҳикматли ва ибратли ҳикоялардан озиқланиб, маънавий жиҳатдан юксалиш мумкин. Айниқса бу бебаҳо меросдан таълим-тарбия жараёнида тўғри фойдалана олиш катта аҳамият касб этади.

Ҳадислар ўзида ахлоқнинг асосий қирралари бўлган – бирдамлик ( шахсий манфаатларнинг умумийликнинг юқори кўриниши сифатидаги ижтимоийликка бўйсундирилиши) ва инсонпарварлик ( шахсга ўз-ўзича қадрият ва якуний мақсад сифатида муносабатда бўлиш). Ахлоқий онгнинг ўзига хос тушунчалари сифатида яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън, кадр-қиммат каби ҳислатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бизга маълумки, жамият томонидан инсонлар хулқининг бошқарилишига зарурат икки ўзаро боғлиқ вазифани шарт қилиб қўяди:

а) жамият онгида меъёрлар, тамойиллар, идеаллар, адолат, эзгулик ва ёвузлик каби тушунчалар кўринишида акс этадиган ва асосланадиган ахлоқий талабларни ишлаб чиқиш;

б) инсон ўз хатти-ҳаракатларини йўналтириши ва ҳаракатлантира олиши, шунингдек, ижтимоий хулқни бошқаришда иштирок эта олиши, яъни бошқа кишиларга талаб қўя билиши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини йўналтириши ва назорат қила олиши, шунингдек, ижтимоий хулқни бошқаришда иштирок эта олиши, яъни бошқа кишиларга талаб қўя билиши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олиши учун бу талабларни ҳамда улар билан боғлиқ тасаввурларни ҳар бир инсон онгига сингдириш. Айнан шу иккинчи вазифа инсонда шахснинг тегишли эътиқод, маънавий мойилликлар, ҳис-туйғулар, одатлар, барқарор ахлоқий сифатларни шакллантиришдан иборат бўлган ахлоқий тарбия орқали ҳал қилинади.

Ахлоқ-одобга доир пурмаъно ҳадисларни болалар учун насихат сифатида ўқиб бериш ва уларни таҳлил қилиб, ёд олиш боланинг маънавий дунёсини онгини, ахлоқий хислатларини, шахсий сифат ва хулқини тарбиялаш учун хизмат қилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ҳадислар орқали тарбиялашда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш лозим:

- ахлоқий тушунчалар ҳақида маълумот бериш;
- ҳар бир ўрганилаётган ҳадисни расмлар, кўرғазмалар ва жонли ҳаракатлар орқали тушунтириш;
- ҳадислардаги мазмун ва ғоядан тўғри хулоса чиқара олишга эришиш;

Мактабга тайёрлов гуруҳи ва мактаб таълими болаларини ҳадислар орқали тарбиялашнинг қуйидаги педагогик шароитларини самарали восита сифатида кўрсатишимиз мумкин:

- мулоқот;

- ҳамкорлик;
- тўғри психологик муҳитни яратиш;
- эмоционал кечинмаларни уйғотиш ;

“Илк қадам” давлат ўқув дастурининг 3-бобида мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув ҳақида сўз боради, бунда, ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилишга тайёргарликни кўзда тутади.

Бошланғич муҳим компетенциялар боланинг фаолият ва ахлоқ субъекти сифатидаги яхлит ривожланишни талаб этади.

Мактабгача ёшдаги боланинг умумий муҳим компетенцияси сифатида коммуникатив ва ижтимоий компетенция келтирилади.

Коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси.

Ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати.

Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга киришганда аввало, салом билан сўз бошлаш кераклигини билиши лозим.

“Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар шунда ўрталарингда меҳр-муҳаббат уйғонур”.

“Салом” – Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб, уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар яъни фаришталар алик олишади.

“Кўришганимиз билан саломлашганимизда, гуноҳларимиз дарахт барглари тўкилгани каби тўкилади”.

Салом бериб алик олишда қўлланиладиган бирикма арабча бўлиб, “Ассалому алайкум” – “Сизларга саломатлик тилайман” ва бунга жавобан қилиб, “Ваалайкум ассалом” – “Сизларга ҳам саломатлик тилайман” маъноларини билдириши ҳақида тушунчалар тарбияланувчиларга уқтирилса, саломлашиш ҳақидаги ҳадиснинг таҳлили осон кечади

Одоб барча яхши ва эзгу ҳислатларни ўз ичига олади. “Адаб” – чақирмоқ маъносида бўлиб, кишиларни яхшиликка даъват қилгани, ёмонликдан қайтаргани учун шу хислат “одоб” деб аталган.

Қуйида бошқа инсонлар билан мулоқот қилишга тайёрлаш учун ҳам ҳадислар келтирилади.

“Изн уч мартагача сўралади. Агар изн берилса, киринг, йўқса қайтаверинг”, “Барча яхшилик – хушхулқликдадир. Барча гуноҳ ва ёмонлик – дилдаги ғашлик ва уятли ишдадир”.

Абдуллоҳ ибн Соибнинг бобосидан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ (с.а.в) дан Ҳеч қайсингиз ошнасининг нарсасини ҳазил қилиб ҳам олмасин. Биттангиз биродарининг асосини олса, уни эгасига қайтариб берсин”, - деган гапларни эшитдим, дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а) айтдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) “Бир киши икки одамнинг орасини уларнинг изнисиз ёриб ўтиши ҳалол эмас”, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Ма’суд (р.а) дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.): Агар уч киши турган бўлса, икки киши учинчи олдида ўзаро шивирламасин”, дедилар.

Абу Ҳурайра (р.а.) икки кишини кўриб, улардан биттасига “Бу киши сенга ким бўлади?” – деб сўрадилар. У: “Бу – отам бўладилар”, деган эди, Абу Ҳурайра (р.а.): “Ундай бўлса отангнинг исмини айтиб чақирма, юришда ундан илгари юрма ва ундан юқори жойда ўтирма”, деб насиҳат қилдилар.

“Ҳар бир одамнинг амакиси иззат-ҳурмат ва муносабатда ўз отаси кабидир”.



Ўзбек оиласининг ўзига хослиги шарқона одоб-ахлоқ, расм-русум, урф-одат, миллий қадриятлар-у, анъаналар, таълим-тарбия, маънавий етукликка интилиш кабиларнинг барҳаётлигидадир. Болаларнинг таълим-тарбия ва билим олишига асосий замин яратувчи маскан оиладир. Фарзандларимизни камолга етишида ўзаро ҳамкорлик муҳим саналади. Мактабгача таълим ташкилоти, мактаб ва оила ҳамкорликда тарбияни йўлга қўйишса самарали бўлади.

Бизга маълумки, ҳадисларнинг мавзу доираси жуда кенг, унда инсон ахлоқининг деярли барча жабҳаси акс этган. Бу борада эса ҳадисларни болаларнинг ёш жиҳатини инобатга олиб танлашимиз жоиз ҳисобланади. Рухий тадқиқот натижаларига кўра инсон феъл – атворининг 80% 5 ёшгача бўлган даврда ота-онанинг тарбиядаги эътибори, оилавий муҳитнинг соғломлиги фарзанд камолотида катта аҳамият касб этади. Зеро, болаликнинг дастлабки босқичларида таркиб топтирилган инсонпарварлик асослари, унинг йўналганлиги болалардаги шахс белгилари, хулқ-атвор одатлари, муносабат ва тасаввурларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача таълим ёшида шаклланадиган маънавий онг, ҳис-туйғу ва ахлоқ бутун болалик фаолиятига, ўзаро ҳамда катталар билан бўладиган муносабатга у ёки бу тарзда таъсир этади. Болаларда ҳадислар орқали олиб бориладиган одоб ва ахлоққа оид дастлабки тасаввурлар бевосита фаолият жараёнида оила ҳамкорлигида берилиши ва унда эмоционал кечинмаларни уйғотиши лозим.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларини ҳадислар орқали тарбиялашнинг самарали воситаси сифатида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳадислар тўплами китоби ва ҳадислар мазмунига мос келувчи суръатларни, расмларни келтирилган ҳадисларга мос суръатларни бўйлаб орқали уларда ҳадисларга нисбатан тўғри тушунча ва улардаги маъно-мазмунини англаб, ҳис қила олиш малакасини шакллантириш мумкин.

Ҳадисларни тушунтириш, изоҳлаш орқали тарбия жараёнини самарадорлигини ошириш мумкин.

Тушунтириш катталарнинг жонли сўзи ва намунасига асосланади. Масалан, рўпарадан келаётган таниш кишига хушмуомалалик билан салом бериш учун бироз тўхтаб у кишининг юзига қараб, кулимсираб “Ассалому алайкум” дейиш, кейин йўлда давом этиш керак. Тушунтириш ва кўрсатиш табиий бўлмоғи лозим. Изоҳлаш тарбияланувчиларга оғзаки эмоционал таъсир кўрсатади. Бунда мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларга содда изоҳлаш кўринишидан фойдаланилади. “Мана бундай қилиш” ва бошқалар. Изоҳлаш янги ахлоқий сифатлар ёки хулқ-атвор шакллари шакллантириш ҳамда тарбияланувчиларда маълум бир ҳатти-ҳаракатларга тўғри муносабатни таркиб топтириш учун хизмат қилади.

Насиҳат – болани яхши йўлга солиш мақсадида айтилган гап, панд, ўғит. Айнан насихат орқали бола психикасига тизимли таъсир кўрсатилиб, унда маълум бир фаолият мотивлари ва установкалар ҳосил қилинади.

Ҳадисларга мос суратларни бўяш орқали бола руҳиятининг кўп томонларига бир бутунлигича таъсир кўрсатади. Расмларни кузатиш болаларнинг атроф-муҳитга диққатни жалб қилади, шунингдек, тасвирни тушунишга таъсир қилади.

Ҳадислар мазмунидаги воқеа-ҳодисаларни ёрқин эмоционал баён қилиниши болаларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларга ҳадис моҳиятини очиб беришгагина хизмат қилиб қолмай, балки тарбияланувчиларда маданий хулқ-атвор қоидаларига ижобий муносабатнинг юзага келишига хизмат қилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: “...Бир жойга кириш учун уч марта тақиллатиб, руҳсат сўранг, руҳсат берилмаса қайтиб кетинг...”

Изоҳ: Бир жойга киришдан олдин уч марта руҳсат сўрайлик. Ўз уйимизда ҳам оила аъзоларимиз хонасига тақиллатиб кириш керак. Айниқса ота-онасининг хонасига руҳсатсиз кириш одобдан эмас. Эшик очилаётганда

ичкари кўринмаслиги учун, эшикнинг қаршисида эмас, ўнг ёки чап томонида турайлик.

“Кимки касални зиёрат қилса, 70 минг фаришта унинг учун истиффор сўраб дуо қилишади. У учун жаннатда бир боғ тайёрланади...”

Изоҳ: Касални зиёрат қилганда, унга яхши гаплар айтилади. Аллоҳим кулингга шифо бер, деб дуо қилинади, хастанинг ҳам дуоси олинади. Чунки Аллоҳ ҳасталарнинг дуосини қабул қилади.

“Икки киши орасида адолатли бўлишинг садақадир”

Изоҳ: Инсонларнинг эҳтиёж ва ҳақларига кўра иш тутиш адолатдир. Адолат аллоҳ севган амаллардандир.

“Кишининг одамлар устидан кулгани ва берган озори ўзининг бошига келмасдан ўлмайди”.

Изоҳ: Бировнинг устидан кулмагин зинҳор, сенинг ҳам устингдан кулгучилар бор, мақоли бежиз айтилмаган.

“Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш тўғри эмас...”

Изоҳ: Аллоҳ одамларнинг бир-бирлари билан аразлашиб юришларини севмайди. Аллоҳ инсонларнинг ўзаро гўзал муомала қилишларини севади.

“Бир одам йўлда кетаётганида, бир тиканни йўлдан четга олиб қўйди. Шу сабабли Аллоҳ ундан мамнун бўлди ва уни кечирди.”

Изоҳ: Ҳеч бир қилинган яхшилик фойдасиз бўлмайди. Йўлда одамларга зарар берадиган нарсаларни олиб ташлаш Аллоҳ севган ишлардандир.

“Ким умри узун ва ризқи кенг бўлишини истаса, (силаи раҳм қилсин) қариндошларини зиёрат қилсин.”

Изоҳ: қариндошлик алоқаларини боғлаш оила ичидаги меҳр-муҳаббатга, мол-у дунёга барака ва умри узайишига сабаб бўлади. Сен билан қариндошлик алоқасини узган одам билан алоқаларни тиклашинг, ёмонлик қилганларни кечиршинг гўзал ахлоқдандир.

“Инсонларга раҳмат айтмаган, Аллоҳга шукр қилмаган бўлади”.

Изоҳ: қилинган яхшиликка жавобан инсонларга раҳмат айтиш Аллоҳнинг севимли амалларидандир. Бу инсонлар орасида меҳр-муҳаббатнинг ортишига сабаб бўлади.

“Қарияга хизмат кўрсатган кишига, кексайганида уни ҳурматлайдиган кишини Аллоҳ юборади”.

Изоҳ: Яхшилик қилган, яхшилик топади. “Нима эксанг, шуни ўрасан”, мақоли қилинган яхшилик бир куни қайтиб келишини ифодалайди.

“...Яхши мусулмон, кичикларга меҳр, кексаларга ҳурмат кўрсатади”.

Изоҳ: Кичикларга шавқат, катталарга ҳурмат кўрсатиш Аллоҳнинг севган ишларидандир. Кичкиналарга чиройли муомала қилганларга Аллоҳ ҳам раҳм қилади.

“Биродаринга табассум қилишинг садақадир”, “Инсонларга очиқ юз билан муомала қилишинг садақадир”, “Ширин сўз садақадир”.

Изоҳ: Инсонларга очиқ юзли, ширин сўзли бўлмоқ Аллоҳнинг севган ишларидандир. Садақа Аллоҳнинг марҳамати ёғилишига сабаб бўлади.

“Ҳеч бир мусулмонга бошқаларнинг нарсасини руҳсатсиз олиши ҳалол эмас”.

Изоҳ: Бошқаларнинг нарсаларини сўрамасдан олмайлик, руҳсатсиз олиш ҳалол эмас.

“Сўз бериб сўзининг устидан чиқмаган киши билан, бир ишчи ишлатиб ҳаққини тўлиқ бермаган киши қиёмат куни мени қаршисида деб билсин”.

Изоҳ: Ваъда бериб, ваъдасини бажарган кишини Аллоҳ ва Пайғамбаримиз(с.а.в.) севади.

Изоҳ: “Сиздан бирингиз сув ичган пайтда, сув идишнинг ичида нафас олмасин”.

Изоҳ: Бу суннатларнинг ҳикмаларидан бири ичимиздан чиқадиган карбонат ангидрид суюқликка қўшилиб яна ичимизга кетмаслиги учундир.

“...Овқатланишда киши ошқозонини учга бўлсин: учдан бири сув, учдан бири таом, учдан бири нафас олиш учун (бўш қолдирсин)”.

Изоҳ: Эрон подшоҳларидан бири Пайғамбар (с.а.в.)га ҳадя сифатида бир табиб юборади. Ҳеч ким у табиб олдига келмаганидан, табиб вазиятни Расулуллоҳга хабар беради. Улар (с.а.в.) эса: “Умматлари оч бўлмасдан емасликларини, тўймасдан дастурхондан туришларини, шунинг учун ҳам касал бўлмаганликларини айтадилар. Табиб буни эшитиб:”Соғлом ҳаётнинг қоидаси ҳам шудир. Шунинг учун бу ерда табибга эҳтиёж йўқ, деб Мадинадан кетади.

Ушбу келтирилган ҳадисларнинг барчасида фақат ва фақат яхшиликка даъват қилинган.

Ислом дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимот ҳисобланади. Шу сабабли Қур’онда ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб тарғиб этилган.

Юқорида келтирилганлар ҳам ҳадиси қудсий (ма’носи Аллоҳ таолоники, айтилиши Расулуллоҳ (с.а.в.) томонидан бўлган) ва саҳиҳ (ишончли) ҳадислар ҳисобланади.

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс этган бўлиб, улардан ёш авлод тарбиясида фойдалансак биз кутган натижаларга эриша оламиз.

Меҳр-оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат, фақир-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўстлик, тинч-тотув бўлиш каби инсоний сифатлар, бундан ташқари инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қур’они Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва баркамол инсонни шакллантириш воситаси саналади.

Қур’онда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаш учун Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарларнинг сафдошлари ёдда

сақлашга ҳаракат қиларди. Ма’лумки, тарихан ғоят қисқа муддатда нозил бўлган Қур’они Карим оятлари баъзи ҳолларда умумлаштирилган ҳолда келтирилган бўлганлигидан Пайғамбар ҳадислари ушбу оятни кенгрок талқин этади, уларни оддийлаштириб баён қилиб, унда келтирилган воқеа ва ҳадисларни кўпчиликка тушунарли қилиб муфассал ҳолатда шарҳлайди.

Инсон қалбан покланмагунча жамиятга фойдаси бўлмайди. Ҳадислар эса инсон руҳиятини тозаловчи халқчил, сингишимли омиллардан биридир.

Биз юқорида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга ўргатишимиз мумкин бўлган ҳадисларда “садақа” сўзига кўп бора тўхталдик.

“Йўлдан адашган кишига йўлни кўрсатиш садақадир”, Кўзи кўрмайдиган одамнинг кўзи бўлишинг (ёрдам беришинг) садақадир”, “Биродарингга табассум қилишинг садақадир”, “Инсонларга очик юз билан муомала қилиш садақадир”, “Ширин сўз садақадир”, “Кимдир дарахт ёки экин эксаю, ундан ҳайвон ёки одам еса эккан одам ундан садақа савобини олади”, “Одамлар билан муроса қилиш ҳам садақа”, “Садақа балони қайтарур” деган нақлни болалигимиздан биламиз. Садақа кўрғон бўларкан, садақа халоскор экан. Лекин, нима садақа бўлади? У ночорларга бериладиган ҳадями? - деган савол болажонларни ўйлантириши мумкин.

Яна шундай ҳадисни келтирсак: “Одамларга нисбатан ёмонлигингни тўхтат, шу ўзингга садақа ҳисобланади”.

Ушбу ҳадислар орқали инсонларга мурувват қилиш, ҳеч қандай миннатсиз бошқаларга моддий ва маънавий фойда келтирадиган яхшиликка ундайдиган амал “садақа” эканлиги болаларга тушунтирилади.

Гар бу қўлингиздан келмаса, ҳеч йўқ биров сиздан зарар кўрмасин, яъни бировнинг айбини қидирманг, дилини оғритманг, кишиларнинг обрўси Аллоҳ берган имконларига ҳасад қилманг.

“Ҳақ назар қилган кишини бандаси хор айламас” деган экан машойихлар, бировларни обрўсизлантиришга алсо уринманг, ал-қисса, ўзингиздан обрў

кетади, демакки, унга тилаган ёмонлигингиз ўзингиз томон келиб қолади. Бу Аллоҳ сиздан юз ўгирди деган гап.

## 1.2 МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ БОЛАЛАРИНИ ҲАДИСЛАР ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТИ

Фарзанд тарбиясида шундай нозик нуқталар борки, уларни инкор этиш тарбиянинг камолига путур етказди.

Боланинг улғайиши яхши бўлса, балоғатга етган вақтда сўзлар унга таъсир қилувчи, фойдали, қалбида гўё тошга нақш ўрнашгандай мустаҳкам жой олади. Агар боланинг улғайиши бунинг акси бўлиб, у ўйин, ёмонлик, беҳаёлик, таом ва либос очкўзлиги, зийнат, фахрланишга ўрганиб қолса, унинг қалби ҳақиқатни қабул қилишдан деворнинг тупроқдан узоқлигига ўхшаш узоқлашиб кетади. Ишларнинг энг муҳими тарбияга эътибор беришдир, чунки бола фикран яхшилик ва ёмонликларни баравар қабул қилувчи этиб яратилгандир. Албатта ота-оналари уни икки тарафнинг бирига мойил қилишади.

Фарзанд дунёга келар экан, уни тарбия лаш, муҳофаза қилиш аввало ота-онасининг зиммасига тушади. Пайғамбар (с.а.в.) айтадиларки: “Фарзандларингизга одоб ўргатинг ва одобларини чиройли қилинг”.

Фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган инсонлар ушбу масъулиятни ҳис этган ҳолда фарзандларининг тарбиясига жиддий эътибор беришлари ва ҳар қандай шароитда ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишга вақт топишлари лозим.

Пайғамбар (с.а.в.) “Фарзандларнинг ота-она зиммасидаги ҳақлари учтадир: туғилса яхши исм қўйиш, ақли кирса илм ўргатиш, балоғатга етса уйлантириш ёки турмушга бериш”, деганлар.

Юқоридаги ҳадислардан ҳам фарзанд тарбияси нақадар аҳамиятли иш эканлиги кўриниб турибди. Шу ўринда айтиш жоизки, бу ишларни амалга оширишда боланинг ёши ва тарбия турларини тўғри танлаб, тўғри ёндаша олишимиз зарур.



Маълумки, таълим-тарбия тарбияланувчиларга хос барча хусусиятларни ҳисобга олгандагина самара беради. Болалар психологиясининг ҳам, педагогиканинг ҳам асосий принципларидан бири ҳар қандай ўқув тарбиявий ишлар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши талаб этилади.

Миллий маънавиятимизнинг асосий манбаларидан бўлмиш ҳадисларни болаларга кичик ёшдан ўргатиш етарлича самарали натижа беради. Чунки, бу даврда болаларнинг хотира, тафаккур, тушуниш қобилиятлари ривожланаётган бўлади. Нафақат ишончли манба сифатида ўрганишлари балки, ҳадислар инсоннинг маънавий дунёсини юксак бўлишини таъминловчи ишончли восита бўлганлиги сабабли ҳам аҳамиятлидир. Чунки, бола табиатига мувофиқ келадиган нарсанигина ўзлаштириб қолмай, ўзининг характер хусусиятига айлантиради.

Тарбия ҳақида Имон Ғаззолийнинг асарларида бундай дейилади. “Бола ота-она кўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса унинг устида ўсаверади, дунё ва охирада саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш кўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади”.

Пайғамбар (с.а.в.) бундай деганлар: “Авлодларингизни биринчидан, Аллоҳни севадиган қилиб тарбияланглар. Чунки, Аллоҳ Таоло уни йўқдан бор қилиб, ота-онани унинг дунёга келишига сабабчи қилди. Ва уларнинг қалбларига фарзанд меҳру-муҳаббатини қалбга солмаганида, уни бағрига босмасди, раҳм-шафқат қилмасди, кўчага ташлаб кетган бўларди. Шунинг учун фарзанд Аллоҳ Таолони севиб, унга шукрлар қилиши лозим. Фарзанд доимо ота-онасини унга қилган яхшилигини ёдда тутиши ва уларнинг ҳол-аҳволидан боҳабар бўлиши лозим. Бу унинг фарзандлик бурчи. Иккинчидан,

Аллоҳнинг Расули ва китобини севадиган қилиб тарбияланг. Пайғамбар инсонларга ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлган, дунёдаги барча яхшиликларни ўргатган зот, бутун дунё аҳлининг устози саналади. Китоб эса инсониятни ҳидоятга чорловчидир.”

Биз бугунги кунда фарзандларимиз онгига ахлоқий тарбияни сингдиришнинг моҳияти долзарб эканлигини биламиз. Бу борада тарбиячиларимиз, ота-оналаримизнинг тарбиянинг маънавий-ахлоқий кўзгуси болаларга таъсир кўрсатувчи катта куч деб ҳисоблаймиз. Шундай экан, нафақат таълим муассасаси, балки оила ҳам, эзгу мақсадлар сари жамият тараққиётида, таълим-тарбия масканлари ҳамкорлигида ёш авлод онги, руҳида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслиги учун курашмоғи зарур.

Мустақиллик йилларидан бошлаб миллий қадриятни тиклаш, уни ривожлантириш миллатнинг ўз-ўзини англаши, миллий ғурурни шакллантириш, ватанпарварликни тарбиялаш билан узвий тарзда амалга оширилмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ҳар бир оила ўз муқаддас қадриятларини эъзозлаши, ундан ўринли фойдаланиши лозим. Шундагина бу қутлуғ даргоҳ ажойиб тарбия маскани бўла олади. Зеро, бундай оилалар фарзандлари давр талабларига биноан юртимиз келажаги порлоқ ва обод бўлишига хизмат қилувчи инсонлар бўлиб етишишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мутахассислар тавсиясига кўра, бола мактабга боргунича, унга подшоҳдек муомала қилинади, яъни рисоладаги барча илтимослари сўзсиз бажарилади, шўхлик ва эркаликларидан қайтарилмайди. Шундан сўнг унга аста-секин тушунтириш, катталарнинг ўзи ибрат бўлиши орқали тарбия берилади.

Тарбия бир неча томондан олиб борилади.

Бадан тарбияси; руҳий тарбия; ақл ва фикр тарбияси; ирода тарбияси; сўзлашув тарбияси; меҳнат тарбияси ва бошқалар;

Табиийки, мактабгача ва бошланғич синфларда боланинг хулқ-атвори ихтиёрийликнинг юқори даражаси билан ажралиб турмайди, аммо бу даврда мактабдаги янги хулқ-атвори турига ўтишни таъминлайдиган ихтиёрий хулқ-атвор механизмнинг таркиб топиши муҳимдир. Бундай жараёни амалга ошириш учун ушбу тарбия турларини тўғри йўлга қўймоқ лозим.

1. Бадан тарбияси – болани жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, тозаликка ва покликка ўргатиш, спорт ва бадантарбия машқларига кўниктириш кабилар киради. Боласининг соғлом бўлишини орзу қилган ота-оналар улар билан кўпроқ очик ҳавода сайр қилишлари, сузиш, чавандозлик, кураш ўйинлари, мерганлик каби машғулотларга сафарбар қилишлари лозим.

Ота-она бола баданининг тўғри ривожланиши, жисмининг қувватли бўлиши, баданининг соғлиғи учун масъулдир. Болани етарли миқдорда ва тўғри овқатлантириш, ухлатиш каби ишлар бадан тарбиясига тегишлидир. Худду шундай касалликларнинг олдини олиш, касал бўлса даволатиш ҳам шулар жумласидандир.

Ҳажжож (р. а) фарзандларининг мураббийига: Фарзандларимга ёзишдан олдин сузишни ўргат. Чунки улар номидан бошқа одам ёзиб бериши мумкин. Лекин, бирор киши улар номидан сузиб бера олмайди”, деган эдилар.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) Шуом аҳлига мактуб ёзиб, унга куйидагиларни айтади. Фарзандларингизга сузишни , ўқ отишни ва от минишни ўргатинг” деган эдилар.

Ислом дини инсон ҳаётининг фақат руҳий, маънавий камолотига эътибор берибгина қолмай, айна вақтда унинг жисмоний жиҳатларига ҳам жиддий эътибор қаратади. Уламолар руҳий ва моддий ҳаётни худди икки зинапоясига ўхшатади. Яъни икки тараф барабар – тенг бўлиши учун ҳаракат қилиш лозимлиги уқтирилади. Инсоннинг эътиқоди кучли бўлиши билан бирга бадани, жисми ҳам соғ, чиниққан, ҳар қандай машаққатларга бардошли бўлмоғи лозим. Бу хусусда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “Кучли мўмин

киши Аллоҳ ҳузурида кучсиз мўминдан яхшироқ ва маҳбуброқдир”, деганлар (Имом Муслим ривояти).

2. Руҳий тарбия вазифаси боланинг мақсади, эътиқоди, диёнати, имонини шакллантириш, унинг чин инсоний фазилатларини камол топтириш, ҳиссиётга берилувчан ва таъсирчан болаларда ҳақиқатни кўра билиш, жасурлик, матонат каби хислатларни шакллантириш, аксинча дийдаси қаттиқ болаларнинг қалбини юмшатадиган омиллар ёрдамида уларни майин ҳиссиётли қилиб тарбиялашдан иборат. Болани руҳий тушкунликка тушишдан, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишдан ҳимоялашда бундай тарбиянинг аҳамияти катта.

3. Ақл ва фикр тарбиясини яхшилаш учун боланинг фикрлаши, заковати, хотираси ва мушоҳада қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам берувчи машғулотлар ўтказилади, унга турли ибратли ҳикоялар сўзлаб берилади, зарур билим ва маълумотлар ёритилади. Одатда, болалар кичик ёшда ҳар бир кўрган нарсаси ҳақида сўрайдиган улак ёшда ҳар бир кўрган нарсаси ҳақида сўрайдиган уларни текшириб синаб кўрадиган, тинимсиз саволлар берадиган бўлади. Бундай пайтда уларнинг саволларига эринмай, ҳафсала билан, тушунарли қилиб жавоб қайтариш керак.

4. Ахлоқий тарбияни бериш учун энг аввало, ота-она фарзандига ахлоқ ва одоб бобида ўрнатилган кўрсатиши, одобдан мунтазам сабоқ бериб бориши керак бўлади. Чунки, одоб охираат неъматларига етказувчи асосий воситалардан ҳисобланади. Бу фикр барча динларда бирдай тасдиғини топган. Қур’они Каримда ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларида ҳам, одоб-ахлоқ масаласига алоҳида эътибор берилган.

Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадисларида “Болаларингизга одоб беринглар ва одобларини чиройли қилинглар”, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти)

Ўғил ва қизларга кичик ёшдан тарбиялаб, одоб бермоқ керак. Бола маълум ёшга етгач, унга баъзи нарсаларни қабул қилдириш қийин кечади.

Шунингдек, болаларни камситмаслик, уларнинг одоблиларини ибрат қилиб мисол келтириш, катталарнинг бола олдида ўзларини яхши, одобли тутишлари, сўкинмасликлари ва уришмасликлари жуда муҳимдир.

5. Ирода тарбияси. Бунда болага ўз нафси билан курашиш, шахсий орзу ва эҳтиёжларини жиловлаш ёки зарур бўлса, улардан воз кеча олиш, ўз манфаатларини бошқалар ва жамият манфаатларидан устун қўймаслик кабилар ўргатилади. Таомилда боланинг қайсарлик даврида (тўрт ёшдан ўн олти ёшгача) олиб бориладиган ирода тарбиясида биров қаттиққўллик, чидам керак бўлади, аммо айна дамда у севги, меҳрибонлик, самимийликни ҳам ҳис этиб турсин. Сўзлашув тарбияси ҳам бола камолотида муҳим ўрин тутади. Одатда, ўғил- қизлар бир ярим, икки ёшдан мулоқот қилишга интила бошлашади. Уларга кичиклигидан сўзларни тўғри талаффуз қилишни, аниқ гапиришни, катталарга мурожаат қилиш одобларини ўргатиш, беҳаё сўзларни ишлатишнинг ёмонлигини тушунтириш лозим. Болаларда катталарга тақлид қилиш кучли бўлганлиги учун улар олдида фахш, ҳақоратли сўзларни айтиш қўпол гапириш, маҳмадоналик каби иллатлардан тийилиш зарур. Инсон ўз фарзандини тарбия қилишда жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки, юқорида айтганимиздек, улар катталарга жуда тез тақлид қилишади. Аввало, болаларга тўғри гапиришимиз ва ёлғон сўзлашнинг оқибати ёмон эканлигини уқтиришимиз лозим.

7. Меҳнат тарбиясини бериш учун болага ҳалол касб билан кун кўриш ҳақида насиҳатлар қилинади, меҳнатга муҳаббат уйғотиш учун болалигидан унга турли майда юмушлар буюриб турилади.

Дарҳақиқат, инсон ҳалол меҳнати билан улуғ савоблар ваъда қилинган даражаларга эришиши мумкин. Расулulloҳ (с.а.в.) бир ҳадисда “”Албатта, Аллоҳ таоло ҳунарманд мўминни севади”, деганлар.

Бола қалбига ёшлигиданоқ имон, эътиқод уруғларини сепиш, унга тўғри тарбия бермоқ лозим. Чунки, имони, диёнати, виждони бўлмаган бола жоҳил, нодон, ёвуз, жамият ва эл манфаатларини назар-писанд қилмайдиган худбин

кимса бўлиб ўсади. Давлатимиз ва миллатимиз учун бундайлар эмас, балки қалби тоза, уйғоқ, илмли ва мўмин инсонлар зарурдир. Болани шу йўсинда тарбиялаш ҳамманинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Юртбошимиз “Биз фарзандларимизни Имом Бухорий ҳадислари, Яссавий ҳикматлари, Термизий ўғитлари, Нақшбанд таълимоти асосида тарбиялашимиз керак”, деганлар. Бу эса болаларимизни келажакда комил инсон бўлиб улғайишига замин бўлади.

Ҳадиси шарифларда Расулуллоҳнинг кичик ёшдаги болаларга қилган гўзал муомалалари ҳақида кўплаб ривоятлар етиб келган. Ушбу ривоятлар фарзанд тарбиясида етарлича намуна бўла олади.

Анас ибн Молик машҳур саҳобалардан оналари Умму Сулайм розияллоҳу анҳо Ана сиб Молик розияллоҳу анҳуни болалигида Набийнинг хизматларига тутдилар. Расулуллоҳни Анас ибн Моликка бўлган муомалалари хўжайинининг хизматчисига қилган муомаласидек бўлар эди. Бу зот ўзлари айтадилар:

“Расулуллоҳ (с.а.в.) га сафарда ҳам, ҳазарда ҳам ўн йил хизмат қилдим... У зот бирор қилган ишимни нимага бундай қилдинг ёки буюрган ишимни нега бундай қилмадинг, деб сўрамас эдилар. Балки, “Аллоҳ хоҳлагани бўлади, хоҳламагани бўлмайди”,- дер эдилар.

Юқоридаги ҳадис болаларга қилиниши керак бўлган муомаланинг гўзал намунасидир. Ушбу ҳадисдан куйидаги ибратларни ўрганиб, ўз оиламизда фарзандларимизни тарбиялашга тадбиқ қилишимиз мумкин:

Ёш болаларни қойиманг

Уларга ғазабланманг ёки улардан кўнглингиз қолмасин.

Улардан нега бундай қилдинг ёки нега бундай қилмадинг, деб сўраманг. (Чунки, улар бунинг сабабини билишмайди).

Ўша пайтда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ёшлари ўнда эди. Ўшандан бошлаб, у зот Расулуллоҳнинг ҳузурларида бўлдилар. Расулуллоҳ

ёш болалар хато қилсалар уларни койиб ўз холларича ташлаб қўймадилар, балки аксинча:

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Ҳасан ибн Али розияллоху анху садақанинг хурмосидан бир дона олиб оғзига солди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “қиҳ-қиҳ!” деб, уни отиб юбор дедилар.

Ҳасан розияллоху анху хурмодан емоқчи бўлганликларида, Расулуллоҳ у зотга “Хурмони ташла”, демадилар, балки, бу хатони ўз қўллари билан хурмони олиб ташлаб тўғирлаб ҳам қўйдилар.

“Марҳабо, хуш келибсиз, қизим”

Мўминнинг онаси Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Ҳадисда ва каломда Фотимачалик Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ўхшаш одамни кўрмадим. Агар, у зотнинг ҳузурларига кирса, ўринларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз ўринларига ўтказар эдилар. У набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига у зот қабз қилинган хасталикларида кирса. Бас, у зотни уни кутиб олдилар ва ўпдилар”.

Яна бир ривоятда Фотиманинг р.а юришлари оталарининг юришларидан ҳеч фарқ қилмас эди. Оталари Фотимани кўриб: “Марҳабо, хуш келибсиз, қизим!” деб пешвоз чиқдилар. Кейин ўнг томонларига ёки чап томонларига ўтказдилар. Ва қулоқларига ниманидир пичирлаб гапирдилар. Фотима р.а бундан йиғладилар. Шунда мен Фотимага р.а. “Расулуллоҳ с.а.в. шунча хотинлари ичида сизни хоҳлаб, сир айтсалар, сиз нимага йиғлайсиз?” дедим. Кейин Расулуллоҳ с.а.в. ўринларидан туриб кетганларида, мен яна Фотимадан р.а. “Оналик ҳаққи-хурмати, Расулуллоҳ ўша куни нима дедилар?” десам, Фотима р.а. “Энди майли, айтиб бераман. Аввалги гал қулоғимга пичирлаганда айтдиларки: “Жаброил алайҳиссалом ҳар йили келиб бир (ёки икки ) марта Қур’онни кўриқдан ўтказдилар. Ажалим яқинлашиб қолганини хис қиляпман”. Шу гапдан кейин сиз гувоҳи бўлган ўша йиғи содир бўлди. Мендаги бетоқатликни кўриб, иккинчи марта қулоғимга пичирлаб, “Ей,

Фотима, мўмина аёлларнинг саййидаси ёки бу уммат аёлларнинг саййидаси бўлишга рози эмасмисан? -дегандилар. Мана шу гапдан кейин сиз ўша гувоҳи бўлган кулгу зоҳир бўлди”, дедилар.

Набий доимо ўз қизларини илиқ сўзлар билан қаршилаб олар, ўрниларидан туриб, ўпиб кутиб олар ва ўз жойларига ўтказар эдилар. Фақатгина оғир хаста бўлган вақтларида ўз ўрниларидан тура олмаганларидагина ёнларига ўтказган эдилар. Биз ҳам мана шундай хулқни одат қилиб, ўз фарзандларимизга, айниқса, қизларимизга, шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қилишимиз даркор.

### “Фарзандни ўпиш”

Абу Хурайра р.а.дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳасан ибн Алини ўпдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларида шу пайт Ақбо ибн Ҳосиб бор эди. Шуунда Ақро “Менинг ўнта фарзандим бор-у улардан бирортасини ўпмайман”, -дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.) унга қарата: “Ким раҳм қилмаса, унга нисбатан ҳам раҳм қилинмайди”, дедилар. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Фарзанд ва набираларни ўпиш ҳам уларга яхши кўрганингизни билдириш ва раҳм қилишнинг бир кўринишидир.

“Йиғлаётган бола учун намозни қисқартириш”.

Абу Қатодан ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) “Мен намозни узунроқ қилиб ўқимокчи бўлганимда, чақалоқ йиғлаб қолса, онасига оғир тушмасин деб, қисқароқ ўқийдирмен”, - деган эканлар.

Расулуллоҳ намоз ўқишни жуда яхши кўрар эдилар, ёлғиз қолганларида узундан узоқ намоз ўқир эдилар, аммо аёллар ҳам кўшилган жамоат намозларида чақалоқ йиғлаб қолса, онасига оғир тушмасин деб, қисқароқ ўқийдирмен”, - деган эканлар.

Бу йиғлаётган болага ва унинг онасига бўлган жуда улкан эътибордир.



Уламолар мана шу бир ҳадисдан кўплаб ибрат ва ҳукмларни ўрганиб олишган. Расулуллоҳнинг ёш болаларга алоҳида вақт ажратганлари, болаларнинг Набий атрофларида бемалол ўйнаб юрганлари, у зотнинг болалар ва ҳатто уларнинг овунчоқларига ҳам ўзгача эътибор берганликлари, шунингдек, маҳзун бўлган болаларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганликларидир.

“Болаларни яхши кўриш ва улар учун дуо қилиш”.

Баро ибн Озиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни кўрдим. Қарасам, Ҳасан розияллоху анҳуни елкаларига кўтариб олибдилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам : “Аллоҳим! Мен буни яхши кўраман, сен ҳам яхши кўргин”- деганларини эшитдим.

“Бавл қилиб қўйган болача”

Умму Қайс бинти Михсон р.а.дан ривоят қилинади: “У киши ўзининг ҳали таом емаган жажжи ўғлини Расулуллоҳ (с.а.в.)га олиб келди. У зот с.а.в. уни қўшниларига ўтказдилар. Бола у зотнинг кийимларига бавл қилиб қўйди. Бас, у зот сув чақирдилар ва унинг устига септилар, ювмадилар ”.

Ушбу ҳадисдан, у зот аччиқланмай, аксинча сув олиб бавл теккан жойга қўйганларини билиб олишимиз мумкин. Кийимингиз устига эмас, гиламга бавл қилиб қўйган ёш болаларга нисбатан қанча қаҳр қилишингизни ўйлаб кўринг?

Пайғамбар (с.а.в.) дан бизга мерос яна бир суннат амал ўз илмий тасдиғини топди.

Бу маросимнинг асослари XX аср охирларида инглиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар орқали тасдиқланди. Уларнинг натижалари 1995-йил июн ойида “Британия Тиббиёт журнали”да нашр этилди.

Тажрибанинг моҳияти қуйидагидан иборат эди: бармоқдан қон олиш муолажаси олдидан болаларнинг тилларига 2 мл эритмалардан бири томизилган. Биринчи гуруҳга 12,5%, иккинчисига – 25%, учинчисига 50%, сахароза эритмаси ва назорат оқидаги гуруҳга 2мл дицилланган (соф) сув берилган.

Маълум бўлишича 25% ва 50% концентратсияли сахароза эритмасини қабул қилган чақалоқларнинг оғриқли ҳисобланган қон олиш муолажасидан сўнг бўладиган йиғлаш вақти қисқарган. Шунингдек, назорат остидаги гуруҳ болаларига нисбатан уларнинг юрак уриши одатдагидан меъёрга қайтган.

Сахароза эритмасининг юқори концентратсияси кучли таъсирга эга экани аниқланган – бола йиғиси эритмада шакарнинг улуши ошиши билан тезроқ тўхтаган. Олимларнинг таъкидлашича, 12,5% сахароза эритмаси ҳам ижобий таъсир кўрсатган, аммо у ташқи белгиларга камроқ акс этган.

Ушбу тадқиқотлар асосида янги туғилган чақалоқ тилига сахарозанинг томизилиши самарали экани исботланган, энг муҳими оғриқ камайтиришнинг хавфсиз усули, деган хулосага келинган. Маълумки, шакарнинг энг тоза ва энг фойдали манбаларидан бири хурмо ҳисобланади. Шуакарнинг юқори фоизидан ташқари (70 % дан ортиқ) хурмода одам организми учун зарур бўлган микроэлементлар, туғилиш ва суннат пайтида кўп қон кетишини бартараф қилишда фойдали бўлган калий ҳам бор.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотлар Расулulloҳ с.а.в.нинг суннатларидан бири бўлмиш таҳник маросимининг мақсадга мувофиқлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Пайғамбар (с.а.в) нинг нафақат ҳадислари, балки, улар амалга оширган суннат амаллар ҳам нечоғлиқ фойдали эканлигини фан исботлайди.

Ёш болаларни тарбия қилиш ва уларга эътибор қаратиш, жуда муҳим вазифадир. Абу Юсуф ўзининг “Фарзанд тарбиясида 130 маслаҳат” ида қуйидагиларни келтиради.

-Агар фарзандингиз ростгўй ва омонатнинг фазилатларини ўргатинг.

-Агар фарзандингиз ростгўй бўлишини хоҳласангиз, уни алсо кўрқитманг.

-Фарзандингизга сездирмай, омонатга вафо қилишни синаб кўринг.

-Фарзандингизга сабр-тоқат ва шошилмасликни ўргатинг.

-Фарзандингиз ўртасида ҳамма нарсада адолат қилинг. Бу эса, уларни адолат қилишга ўргатади.

-Фарзандларингизга ёлғон, ғашлик, оғирлик ва ҳиёнат натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатларни тушунтиринг.

-Агар фарзандингизда баъзи пайтларда шижоатни сезсангиз уни мақтаб кўйинг. Унга агар жоиз бўлса, тўғри ва зарур деб ўйлаган ишида шижоат қилиш кераклигини айтинг.

-Бағритош бўлманг, акс ҳолда фарзандингиз кўрқоқ, ёлғончи, қат'иятсиз бўлиб қолади.

-Фарзандингизга тавозе (камсуқумли) бўлишни ва юмшоқликни ҳамда кибр қилмасликни ўргатинг.

-Одамлар насл-насаблари, келиб чиқишлари ва мол-мулклари билан эмас, балки солиҳ амаллар билан фазилатли ва ҳурмат кибр қилмасликни ўргатинг.

-Ҳиёнат қилиш ҳалокатга олиб келишини қайта-қайта уқтиринг

-Фарзандларингизга ички қувватлар, яъни жасурлик, кўрқмаслик, ҳаё, хижолат қилиш, тавозелик, камситиш, заковатли бўлиш ва ёлғончилик ўртасидаги фарқларни тушунтиринг.

-Уларга очик кўнгил ва самимий муносабатда бўлишни ўргатинг.

-Уларга ва'да бердингизми уни бажаринг. Умуман ваъдангизга хилоф иш тутманг, яъни ва'дангизнинг уцидан чиқинг. Бу эса уларда ахдига вафо қилиш фазилатини шакллантиради.

“Ҳушмуомалалик ва одоб”

-Ўз фарзандларингизга салом беринг.

-Қўшиларингизга яхши муомалада бўлинг.

-Фарзандингизнинг олдида ота-онангизга яхшиликлар қилинг. Силаи раҳмни кучайтиринг. Болаларингизни қариндошлариникига олиб боринг.

-Фарзандингизга одамлар бировга зарари тегмайдиган, ақлли ва фаросатли ёш болаларни яхши кўришларини ўргатинг.

-Фарзандингизга одоб-ахлоқ, насиҳат ва васиятларни бир қоғозга ёзиб ўқитинг

-Баъзи ёмон одатлар ёмон оқибатларга олиб келишини уқтиринг

-Фарзандингизни пинҳона уришинг, бошқаларнинг олдида зинҳор урушманг ва жазоламанг

-Бирор ишни сиз ўзингиз қила оладиган даражада фарзандингиздан талаб қилманг.

-Фарзандингизнинг олдига кираётганда изн сўранг. Бу эса фарзандингизга изн сўраш одобини ўргатишнинг энг афзал йўлидир.

-Фарзандингиз бирон нарсани тушунмаса, унга нисбатан қаттиқ оҳангда жаҳл билан иш кўрманг. Унга секин-аца тушунтиринг. Сабр қилинг.

-Фарзандингизнинг ба'зи хатоларини билсангиз-да , билмаганда олинг. +албингизда фарзандингиз хатоларини сақлаб ўтирманг.

-Ўзингиз хато қилиб қўйсангиз фарзандингиздан узр сўранг

-У ўзини нимага қодир эканлигини исботлашида. “Сен шу ишни қилишга қодирсан” деб қўллаб-қувватланг.

-Фарзандингизнинг яхши хусусиятларини унга алоҳида айтиб беринг.

-Болаларга саломлашиш, кўришиш, кутиб олиш ва бирор яхшилик қилганларни мақташ ибораларини ўргатинг.

-Фарзандингизни бирор нарсани исбот қилишини эшитинг. Лекин ошириб юборманг.

-Бирор ишни қишда фарзандингизни мажбурламанг. Мажбурлаш натижасида болангиз кўрқоқ ва заиф бўлиб қолади.

-Ўз фарзандингизни 1-рақамли дўцингиз деб билинг.

## Тана тарбияси

- Фарзандингиз билан ўйнашга етарли даражада вақт ажратинг.
- Фарзандингизга фойдали ўйинларни олиб беринг.
- Баъзи ўйинларни ўзи танлашига имкон беринг.
- Фарзандингизга сузиш, югуриш ва баъзи куч-қувватни оширадиган ўйинларни ўргатинг.
- Фарзандингиз билан баъзи ўйинларни ўйнасангиз, фарзандингиз сизни ютсин.
- Фарзандингизнинг вазифаларини тартибга солишга ёрдам беринг.
- Фарзандингизга таом тановул қилаётганда исроф қилмасликни ва ортиқча емасликни ўргатинг
- Фарзандингиз таом тановул қилаётганида унинг хатоларини муҳокама қилманг.
- Фарзандингиз яхши кўрадиган таомларни тез-тез пишириб туринг

## Руҳий тарбия

- Фарзандингизни яхшилаб тингланг ва ҳар бир айтаётган гапига аҳамият беринг.
- Фарзандингиз ўз муаммоларини ўзи ҳал қилсин. Агар унга ёрдам бермоқчи бўлсангиз сизнинг ёрдмингизни у билмасин
- Фарзандингиз қасам ичишига олиб борманг. Балки унга: “Сен қасам ичмасанг ҳам мен, албатта, сенинг гапингга ишоманг” деб айтинг.
- қўрқитиш ва жазолаш ибораларини қўлланманг.
- фарзандингиз ўзини “ёмон бола эканман” ёки “тушунмайдиган бола экаман деб ўйлаб қолмасин
- Фарзандингизнинг кўп саволлар беришидан жаҳлингиз чиқиб кетмасин. Унинг ҳар бир саволига содда ва қониқарли жавоблар беришга ҳаракат қилинг.

-Фарзандингизни бағрингизга кўпроқ босинг. Токи у сиздаги меҳр ва оқибатни ҳис қилсин.

-Фарзандингиз билан баъзи ишларда маслаҳат қилинг ва унинг маслаҳати билан иш тутинг

-Фарзандингиз ўз қарорларини чиқара олишига имкон беринг

#### Ижтимоий тарбия

-Фарзандингизни ёзги дам олиш жойларига, вақтни унумли ўтказадиган марказларга, илмий мусобақаларга, тадқиқот лагерларига ва бошқа сермазмун жойларга олиб боринг

-Фарзандингиз олдингизга кирганида дўцларингиз билан бўсангиз ҳам уни қарши олинг

-Фарзандингизни ижтимоий ишларда фаол бўлишини ўргатинг

-Фарзандингиз бировларнинг дардларини ҳис қилишига ва уларни дардларини енгиллаштиришга ўргатинг

-Фарзандингизга дунёнинг катта машаққатларини юклаб қўйманг.

-Ижтимоий амалингизнинг самарасини фарзандингизга кўрсатинг.

-Фарзандингизга дунёнинг катта машаққатларини юклаб қўйманг.

-Ижтимоий амалингизнинг самарасини фарзандингизга кўрсатинг.

-Фарзандингизни ба'зи ишларни бажариб келишига юборинг. У мана шу ишнинг машаққатларини ҳис қилиб кўрсин.

-Фарзандингиз ўзи учун ўзи дўцлар танлашига имкон беринг.

#### Саломатлик тарбияси

-Фарзандингиз саломатлигига аҳамият беринг.

-Болаларни ўз вақтида эмлатинг.

-Унга шифокорлар белгилаган дориларни беринг. Дориларни беришни кўпайтириб юборманг.

-Эрта ухлатинг ва эрта уйғотинг.

- Танаси, тишлари ва кийимларини тоза тутишига ўргатинг.
- Уни юқумли касаликлардан эҳтиёт қилинг.
- Фарзандингиз танаси, тишлари ва кийимларини тоза тутишига ўргатинг.
- Фарзандингизнинг касали кучайиб кетишини кутиб ўтирманг.

#### Маданий тарбия:

- Фарзандингизга баъзида топишмоқлар бериб туринг.
- У билан китобларни бирга ҳарид қилинг.
- Фарзандингиз учун баъзи заковатга тегишли ўйинларни ўйнатинг.
- Фарзандингизнинг ўқишидаги ҳар бир муваффақиятлар учун совға беринг.
- Унга ўзаро суҳбат куриш машқларини ҳам ўргатинг.
- Уни ўз қобилиятларини ривожлантирадиган тўғаракларга беринг.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, Мактабгача ва бошланғич таълим болаларни ҳадислар орқали тарбиялаш унинг маънавий дунёсини, онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатлари ва хулқини тарбияловчи самарали восита десак бўлади.

Бунинг оғзаки, амалий, кўргазмали методлардан самарали фойдаланиш тавсия қилинди.

“Мактабга тайёрлов ва бошланғич синф гуруҳи болаларини ҳадислар орқали тарбиялашнинг назарий методик асослари” деб номланган бобдан куйидаги хулосаларга келинди:

1.Мактабгача ва бошланғич ёшдаги болаларга ҳадис сабоқларини сингдиришда уларнинг ёш хусусияти, психологияси, хотира, қобилиятларини ҳисобга олмоқ лозим.

2. Ҳадислардан мақсадли фойдаланиш болаларнинг “нима яхши-ю, нима ёмон?” каби саволларига жавоб топишга имкон беради.

3. Ҳадисларда келган, болаларнинг тушунишлари қийин бўлган сўзларнинг маъносини тушунтириш уларнинг луғат бойликлари ошишига сабаб бўлади.

4. “Илк қадам” давлат Мактабгача таълим муассасаси ўқув дастурида белгиланган коммуникатив ва ижтимоий компетенцияларнинг эгаллашида ҳадисларнинг ўрни катта эканлиги исботланди.

Фарзанд Аллоҳ таолонинг санаб адоғига етиб бўлмайдиган неъматлар ичидаги энг улуғидир. У дунё ҳаётининг зийнатидир. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади.

“Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир...”

Фарзанд улуғ неъмат бўлиши баробарида омонат ҳамдир. Бу буюк неъматга сазовор бўлган ота-оналар унинг қадрига етишлари, бунга шукрлар айтиб, фарзанд олдидаги бурчларини пухта адо этишлари, яъни унга чиройли исм қўйишлари, яхши таълим-тарбия беришлари ва охир оқибатда Аллоҳ розилигини топадиган, ўз миллати, Ватани ота-онасига муносиб фарзанд, тенгдошлари ҳурмати ва муҳаббатини қозонган етук бир инсон бўлиши борасидаги масъулиятли вазифаларини чин ихлос ва садоқат билан бажаришлари керак бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) бундай деганлар:

“Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақасидан яхшироқдир” (Термизий ривояти)

Тарбияни қачондан бошлаш зарурлиги ҳақида эса кўплаб манбаларда қимматли маълумотлар берилган. Эркак киши аввало уйланар экан, одобли кизни танлаши керак бўлади. Худди шундай, қиз бола ҳам турмушга чиқаётганда куёвнинг яхши фазилатларга эга эканига қаноат ҳосил қилиши лозим. Чунки танланган инсон келажакда фарзандларнинг онаси ёки отаси бўлади.



Мўтабар манбаларда қайд этилишича, бола тарбияси уч босқичда амалга оширилади:

Биринчиси, муносиб жуфти ҳалол танлаш;

Иккинчиси, ҳомила давридаги парвариш;

Учинчиси, фарзанд дунёга келган кундан бошлаб бериладиган тарбия.

Шунингдек, фарзанд тарбиясида унинг ёши ва савиясини инобатга олиш муҳим. Болани бирон-бир ютуққа эришишида натижани кўришга шошмаслик керак. Ҳар бир ишни тадрижийлик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Мактабгача таълим ва умум ўрта таълим ташкилотларида тарбиявий тадбир ёки машғулотларда ҳадислар орқали тарбиялашда етарлича аҳамият берилмаган. Ваҳоланки, ҳадисларнинг мавзу доираси жуда кенг, унда инсон ахлоқининг деярли барча жабҳаси акс этган. Шундай экан, ҳадисларни Мактабгача ва умум ўрта таълим ташкилотларида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирлар, машғулотлар ёки эркин фаолият вақтларида ўргатишимиз мумкин.

Мактабгачага таълим муассасасида одобга ўргатиш юзасидан Мактабгача таълим ташкилоти мураббийлари ва ота оналар учун мўжалланган “Одоб дурдоналари” номли услубий қўлланма мавжуд. Ушбу услубий қўлланмада бир қатор одоб ахлоқ юзасидан мавзулар ва уларга шарҳ берилган:

- 1.Ассалому алайкум ҳикмати.
- 2.Ўзбекистон-она юрт.
- 3.Юртимиз зиёратгоҳлари.
- 4.Она-юрт ҳимоячилари-миллий қаҳрамонларимиз.
- 5.Ота-онага ҳурмат.
- 6.Қиз ва ўғил болаларга хос фазилатлар.
- 7.Кийиниш одоби.
- 8.Меҳр ҳақида.
- 9.Садоқат-бу фидойилик.

10. Тежамкорлик-яхши одат.
11. Ватан ҳимоячилари.
12. Бурч ҳақида.
13. Тарбиячи уцоздир.
14. Муסיқа тинглаш одоби.
15. Табиат-бизнинг дўстимиз.
16. Сув-муқаддас неъмат.

Ушбу мавзулар болаларни одоб-ахлоқли бўлиб вояга етишлари учун хизмат қилиши мумкин. Агарда мактабга тайёрлов ва матаб ёшидаги болаларга ҳадислар ва унинг мазмунига мос ҳикоялардан ўқиб, тушунтириб берсак, болаларнинг ҳадислар мазмунини тушунишлари осон бўлади ва бу орқали болаларни маънавий-ахлоқий фазилатларни англаш, уларга нисбатан ҳиссий-эмоционал муносабатларни ҳосил қилиш, фазилат ва иллатларни ажрата олишга эришишимиз мумкин.

Шу билан бирга ҳикоя мазмунига мос суратлардан фойдалансак машғулот яна ҳам қизиқарли бўлади.

Мактабга тайёрлов гуруҳлари болалари учун 30 дақиқа давомида ҳадис ўқиб, унинг мазмунига мос ҳикояни сўзлаб бериш лозим.

Болаларнинг тасаввурларига мос бўлмаган воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинганда, уларнинг англаш жараёнида қийинчилик юзага келиши мумкин. Бунда тарқатма ва кўргазмали қуроллардан фойдаланамиз.

Ҳикоядан сўнг савол-жавоб ўтказиш, болаларнинг тушунчаларини аниқлаш керак.

Ушбу жараён орқали болаларда бир-бирини англаш, айтилганларни жоиз бўлса тўлдириш, билдирилган фикрларни самимий баҳолашга ўргатиш мумкин. Бундай усул орқали болаларда диққатни тўплашда, ҳис-туйғуларни тарбиялашга, фикр юритаётган воқеа-ҳодисага муносабатни таркиб топтирашга эришишимиз мумкин.

## Нон

Совуқ киш кунларидан бирида Ҳасан нон сотиб олиш учун новвойхонага боради. Уйига қайтиб келаётганда, озгин бир итни кўрди. У гўё унинг кўлидаги нондан бир бўлак беришини ўтиниб сўраётгандек овоз чиқарарди.

Бу бечора ҳайвоннинг ҳолига Ҳасаннинг юраги ёрилиб кетай деди. Ўзига ўзи, агар бу итга нонлардан бирини берсам онам қаттиқ ғазабланадилар деди. Аммо Ҳасан ўйлаб ўтирмасдан итга ёрдам беришга қарор қилди. Саватини қорга қўйди-да бир бўлак нонни олиб майдалаб итга ташлади. Нонвойхонадан чиқиб бу ердан ўтиб кетаётган бир киши Ҳасаннинг гапини эшитиб қолганди. Ўзидаги бир бўлак нонни секин, билдирмасдан Ҳасаннинг саватига солин қўйди.

Ҳасан уйига келганида саватидаги ноннинг камаймаганини кўриб ҳайрон бўлди.

Агар Ҳасан Пайғамбар Муҳаммад(с.а.в.) нинг ушбу ҳадиси шарифларини билганида бу воқеанинг моҳиятини яхшилаб тушуниб олган бўлар эди. У зот бизга шундай деб марҳамат қилганлар:

“Кишининг мол-у дунёси қилинган садақадан камаймайди.” (Муслим ривояти)

## Қайин дарахти

Ислом айбланаётган шахсни қўли билан кўрсатиб: “Ҳоким жаноблари мен ўтган йили сафарга кетаётиб қимматбаҳо олмос узугимни шу одамга омонат ташлаб кетган эдим. Энди уни қайтариб беришини сўрасам, у қайтариб бермаяпти”, деди. Ҳоким панжара ортида ўтирган айбланаётган шахс Фарруҳдан сўради: “Нима учун унинг узугини қайтариб бермаяпсиз?”, “У алдаяпти, у менга ҳеч қандай узук бергани ё’қ”- деди Фарруҳ. Ҳоким Исломга юзланиб сўради: “Сиз узукни бераётганингизда гувоҳ бўлган бирор кимса бормиди?” “Йўқ, мен унга узукни қайин дарахти тагида берган эдим, у вақтда бизлар билан ҳеч ким йўқ эди”, деди Ислом. Ҳоким Исломга қайин

дарахтининг бир шоҳидан синдириб олиб келишни буюрди. Бироз вақт ўтгандан сўнг Фаррухга юзланиб шундай деди: “У қаерга етди, энди қачон қайтиб келар экан? қайтиб келаётган бўлса кўриниб қолармиди?”. Фаррух жойидан қимирламасдан шундай деди: “У камида уч соатдан кейин қайтиб келади. Чунки қайин дарахти бу ердан жуда ҳам узоқда”. Шунда ҳоким Фаррухга қараб ўшқирди: “Сен нафақат ёлғончисан балки, яна ғирт аҳмоқсан! Агар сен узукни олмаган бўлганингда у дарахтнинг қаерда эканлигини ҳам билмаган бўлар эдинг. Сен Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ушбу ҳадисларини эшитмаганмисан?”. У зот шундай деганлар: “Эй инсонлар, ҳеч қачон ёлғон гапирманглар! Ёлғон ва имон асло бир жойда бўлмайди” (Имом Аҳмад ривоят қилган)

“Сиёҳ қалам”

Жамшид бир камбағал дурадгорнинг ўғли эди. Бир куни у ўзининг севимли сиёҳ қаламини йўқотиб қўйди ва кўчада бир бурчакда ўтириб олиб йиғлай бошлади. Бир пайт Жамшиднинг олдидан яхши кийинган бирор дам ўтиб қолди. У киши Жамшиднинг йиғлаётганини кўриб нима сабабдан йиғлаётганини билиш учун тўхтади. Сабабини билгач у чўнтагидан ўз сиёҳ қаламни чиқариб: “Мана шу эмасми сен йўқотган сиёҳ қалам?” деб сўради. Жамшид йиғидан тўхташга ҳаракат қилиб, жавоб берди: “Йўқ бу эмас. Менинг сиёҳ қаламим бу сиёҳ қалам каби чиройли эмас эди”, деди. Жамшиднинг ростгўй ва инсофлигини у кишини ҳайрон қолдирди ва: “Сен тўғри сўз, инсофли бола экансан, росини айтганинг учун мен сенга шу сиёҳ қаламни ҳадя қиламан, илтимос, уни ол”, деб сиёҳ қаламни Жамшидга берди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) қуйидаги ҳадислари орқали Аллоҳ Таоло ростгўй, инсофли одамни қандай мукофотлаши ҳақида шундай дейдилар: “Ростгўйлик яхшиликга етаклайди, яхшилик эса жаннатга бошлаб боради” (Бухорий ривоят қилган)

## Хушёр ўғил

Уч аёл бозордан саватларини кўтаришиб қайтишаётганди. Дам олиш учун йўл четидаги ўриндикқа ўтиришди ва ўз ўғилларини мақтаб кетишди. Биринчи аёл деди: “Ўғлим жуда ҳам бақувват бола. У ҳатто бир неча минут давомида қўлида юра олади”. Иккинчи аёл шундай деди: “Ўғлимнинг булбулдек овози ҳаммага ёқади”. Учинчи аёл бўлса гапирмасдан фақат уларнинг гапларини эшитиб ўтирарди. Ундан гапирмаётганлиги сабабини сўрашганида деди: “Ўғлимнинг сизларга мақтагулик бирорта алоҳида хусусияти йўк. Аллоҳ берган бир бола-да”. Бу аёлларнинг ортидан келаётган бир қария уларнинг гапларини беихтиёр эшитиб келаётганди. Аёллар чарчаб саватларини йўлнинг ўртасига ташлаб қўйишди. Юқларининг оғирлигидан оғриб кетган беллари ва кўлларини ишқалаб силай бошлашди. Уларнинг ўғиллари чошиб етиб келишди. Биринчи аёлнинг ўғли оёқларини осмонга кўтариб қўли билан юриб келди, иккинчи аёлнинг ўғли бўлса бир харсанг тошнинг устига ўтирволиб онаси яхши кўрган кўшиқларини куйлай бошлади. Бошқа аёллар хурсанд бўлиб уни олқишлаб чапак чалишди. Учинчи аёлнинг ўғли бўлса онасининг олдига келиб шундай деди: “Азиз онажоним! Мен сизга ёрдам бермоқчиман!” Шундай деб саватни кўтариб олиб кетди. Аёллар улар билан келаётган қария кишидан: “Қайси биримизнинг ўғлимиз яхши экан?”, деб сўрашди. Қария киши: “Онасига ёрдам беришга шошилган ўғилни яхши ўғил деса бўлади, чунки бундай ўғилнинг қилган иши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига мос келади-деди. У зот шундай деганлар: “Эр кишига онасига меҳрибон бўлишини буюраман” (Ибн Можа ривоят қилган).

## Елим товоқ

Бир кекса дурадгор бор эди. Унинг кўзлари хиралашиб қолди, билагида кучи қолмади. Қўли титрайдиган бўлиб қолганидан қошиқни ҳам ушлай олмайдиган бўлиб қолди. Натижада ейишга қўйилган овқати дастурхонга

тўкилиб кетаверди. Бундан ўғли ва келини норози бўла бошлашди. Уларнинг энг жонига теккан нарса қариянинг оғзидан овқатининг оқиб кетиши бўлди. Охири уни ўзларидан узоққа ўтқазиб қўядиган бўлишди. Чолнинг кичкина невараси Ҳасан унинг аҳволидан жуда ҳафа бўлди. Буваси овқатланганида овқати тўкилиб кетмасин деб уни аҳволидан жуда ҳафа бўлди. Буваси овқатланганида овқати тўкилиб кетмасин деб уни қўллари билан ушлаб турарди. Кунлардан бир куни буваси дастурхон устида нима борлигини кўрмоқчи бўлганида қўлидаги овқат солинган идиш тушиб кетиб, синди. Бундан ўғли билан келини баттар норози бўлишди. Қарияга аччиқ гапларни гапириб кўнглини сингдиришди. Энди унга овқатни елим идишда берадиган бўлишди. Бир куни қариянинг ўғли хотинига меваларни елим идишда қўймасликни ва бу идишларни ташлаб юборишини айтди. Ҳасан бўлса бу елим идишлардан иккитасини олиб қолди. Онасига: “Онажон, бу идишларни ташлаб юборманг, улар келгусида менга керак бўлади”, деди. Отаси хайратланиб: “Уни нима қилмоқчисан?”, деб сўради. Ҳасан уларга: “Ёшингиз улғайганида сизларга мана шу идишларда овқат бераман”, деди. Шунда Ҳасаннинг ота-онаси кекса оталарига нисбатан қилган бундай ишларидан каттиқ хижолат бўлишди. Шуу кундан бошлаб бу кишини ўзлари билан дастурхонга ўтқазиб қўядиган бўлишди. Агар дурадгорнинг ўғли билан келини ота-онага яхшилик қилиш дунёда инсонни жаннатга эриштирадиган энг яхши иш эканлигини билганларида эди, бундай муомала йўлини алсо танламаган бўлардилар. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ўз ҳадисларида шундай деб буюрганлар: “Аллоҳнинг розилиги отанинг розилигидадир ва Аллоҳнинг ғазаби отанинг ғазабидадир”. (Термизий ривоят қилган).

#### Ёлғончи

Бир замонлар бир чўпон бола бўлган экан. У қишлоқда подачилик қилар экан. Бир куни ўз ишидан зерикиб, ўзича бир қилиқ қилмоқчи бўлибди.

Ҳамқишлоқларига ёлғондан: “Ёрдам беринглар, қўйларимга бўри хужум қилипти” – деб овози борича бақирибди. Одамлар буни эшитиб тезда югуриб, ёрдамга келишибди, қараслар ҳеч нима ё’қ эмиш. Шуунда улар: “Бўрилар қани?”, деб сўрашибди. Чўпон бла эса: “Бошлаб лақиллаттима сизларни” – деб, қаҳ-қаҳ отиб кулибди. Бир неча кун ўтгач чўпон бола яна шундай қилиқ қилибди. Яна ҳамқишлоқлари келишса бўрилар йўқ эмиш. Улар унинг бу найрангидан қаттиқ ранжиб орқаларига қайтиб кетишибди. Бир куни ростдан ҳам бир тўда бўри қўйларга хужум қилиб қолибди. Буни кўрган чўпон бола қишлоққа югуриб бориб: “Гапим рост, олдин алдаган бўлсам ҳозир рост гапиряпман, ростдан ҳам бўрилар қўйларимга хужум қилишяпти”, деб додлабди. Ҳамқишлоқлари келиб қарашса, энди улар кечикишган, ҳақиқатдан ҳам бўрилар қўйларга хужум қилиб, бир қанча қўйни нобуд қилишган экан. Уларнинг ёрдами энди керак эмас экан. Бу воқеа бизга Пайғамбар (с.а.в.) нинг ушбу ҳадиси ша’рифларини эслатади. У зот шундай деб марҳамат қилганлар: “Ёлғон сўзлашдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки ёлғон ёмонлика етаклайди.” (Муслим ривояти)

### Заҳар

Уста Мўмин амаки шаҳардан қишлоққа қувониб қайтаётган эди. Чунки у бозорга ўзи билан олиб борган ҳамма молларини сотиб улгурган эди. Бир булоқ бошида дам олмоқчи бўлди. Эшагим ўтлаб тургунча шу дарахт остида бироз мизғиб оламан, деди у. Хуррак отиб чуқур уйқуга кетай деганида бирдан пуллари эсига тушиб қолди ва деди: “Пулларни ишочли жойга беркитиб қўйишим керак!”-деб ўйлади. Халтасини очиб қараса пуллари жойида турибди. Халтани қўйлаги ичига солиб яна уйқуга кетди. Аммо, афсуски, дарахтда беркиниб ўтирган бир йўлтўсар ўғри буларнинг ҳаммасини кўриб турганди. Бу пуллар бутун ҳаётини доимо бошқаларга озор бериш билан ўтказиб келган бу одамнинг кўзларини ўйнатиб юборди. Секин-аста дарахтнинг тагига келиб чўнтагидан қамиш найча ва ичига заҳар солинган қутичани чиқарди. Заҳарни қамиш найнинг ичига жойлади ва

қаттиқ ухлаб ётган Мўмин амакига яқинлаша бошлади. Ўғри заҳарни унинг оғзига пуфлаб, уни осонгина ўлдириб, пуллари олимоқчи эди. Ўғри энди заҳарни пуфлайман деганида Мўмин амаки тўсатдан аксириб юборди. Ўғрининг оғзига ўзининг найга жойлаган заҳари кириб кетиб у ўша заҳоти тил тортмай ўлди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифларида шундай деб марҳамат қилганлар: “Кимки (одамларга) ёмонлик қиламан деса Аллоҳ таоло унинг ўзига ёмонликни қилиб қўяди” (Термизий ривоят қилган).

Мактаб ёшдаги болалар ҳаётида машғулотлар ва уларнинг мунтазам ўтиб борилиши ушбу ёшдаги болаларнинг одоб-ахлоқи, қизиқиши ва қобилиятлари ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу эса тарбиячиларга Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қизиқиш ва қобилиятларини, уларнинг онгини ўстириш, комил инсон қилиб етиштириш учун масъулият юклайди.

Машғулотлар тарбияланувчиларга турли қизиқиш ва қобилиятларини ёритиб беради. Қуйида “Ҳадисларда ота-онага ҳурмат ҳисси” мавзусида машғулот ишланма келтирилган ва бу машғулот болаларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда кўмакчи бўлади.

Мактабга тайёрлов гуруҳи (6-7 ёш) учун машғулот ишланмаси

Мавзу: Ҳадисларда ота – онага ҳурмат ҳисси

Машғулот мақсади: Мактабгача таълимёшида болаларнинг Қур’они Карим ва ҳадис ҳақидаги билимларини бойитиш, уларни инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, ота-онага ҳурматда бўлиш каби эзгу фазилатлар руҳида қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш, виждонига ҳилоф иш тутмасликни уқтириш.

Машғулотнинг жиҳозланиши: Ҳадис китоблари, ахлоқ ҳақида Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қизиқиш ва қобилиятига оид манбалар.

Машғулот баёни:



Ҳадис нима? Имом ал-Бухорий ким? Унинг номи нима учун дунёга машҳур? Тарбиячи мавзунинг баённомасида аввало мана шу саволларга жавоб бериши керак.

Ҳадис сўзи – арабчада “хабар”, “ривоят” каби маъноларини ифодалайди. Ҳадислар ислом динида +ур’они Каримдан кейин турадиган иккинчи манба ҳисобланади.

Кибр-ҳаво, ҳасад-адоват, бахиллик, ғийбат, манманлик, ёлғон-хиёнат, фитна-фасод, зулм, дилозорлик каби иллатлар ҳадисларда кескин қораланади.

Ҳадислар Пайғанбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг турли шароитларида, турли воқеаларга нисбатан айтган сўзлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, ўғитларидан иборатдир.

Ҳадисларни йиғиб китоб қилиш Пайғанбаримизнинг вафотларидан сўнг амалга оширила бошлади. Айниқса бу ҳаракат хижрий 5 асрда кенг қулоч ёйди, ҳаётга тадбиқ этилди.

Буюк муҳандис Имом ал-Бухорий ҳадисларни тўплашда улкан хизмат кўрсатган. У милодий 810- йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Ўткир зеҳнли, иродали ҳадис илмига, инсонларни тўғри йўлга солишга меҳри туфайли ёшлигиданоқ Ислом оламида машҳур бўлди ва чуқур из қолдирди.

Мадина, Ҳижоз, Басра шаҳарларида таҳсил олади. Бир неча йил Нишопур ва Ироқда яшади. Узоқ йиллар мусофирликдан сўнг она юртига қайтиб Хўжа Исмоил ал-Бухорий 62 ёшида Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этади. Исмоил Бухорий кўплаб ҳадис тўпламлари яратди, лекин уларнинг энг машҳур асари “Ал Жоме ас-саҳиҳ”, (ишонарли тўплам) китобидир. Бу китобга муҳаддис барча ҳадислар ичида энг ишонарлиларини киритган. “Ал-Жоме ас-саҳиҳ” китобидаги жуда кўп ҳадисларида инсонлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаш, меҳр-оқибатлилиқ улуғланади.

Ҳадислардан намуналар келтирамиз:

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а) ривоят қилади. У киши: “Оллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир,”-дедилар.

Муовия ибн Ҳайида (р.а.) айтадиларки, Расулуллоҳдан: “Эй Расулуллоҳ, мен кимга яхшилик қилсам бўлади?” деб сўрадим. “Онангга,”- дедилар. Мен яна шу саволни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: “Онангга”, деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: “Отангга ва яна яқин бўлган қариндошларингга,” -дедилар.

Абдулло ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ Таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини ҳафа қилса, уни рози қилмагунча Оллоҳ Таоло ундан рози бўлмайди”,- дедилар. Шунда бир киши: “Агар ота -оналар болаларга зулм қилса бола нима қилиши керак?”- деб сўради. Абдуллоҳ, “Агар улар болаларга зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак”,- дедилар.

Абу Ҳурайра (р.а) айтадилар: Расулуллоҳ “Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!” деб уч маротаба такрор қилдилар. Шуунда саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ кимни айтаяпсиз?” - деб сўрашди.

Расулуллоҳ: “Ота-онасининг иккаласини, ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишига мубтало қилган кишини”, - дедилар.

Тарбиячи бу ҳадислардан намуналар келтиргандан сўнг унинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беради.

Тарбияланувчилар билан ушбу ҳадислар ҳақида савол-жавоблар қилинади. Улар мана шу мавзуга доир сахна кўринишларини ҳам ижро этишлари мумкин.

Машғулотни муцаҳкамлаш мақсадида болаларга мавзуга мос саволлар берилиши мумкин.

Муқаддас Қур’они Карим ва ҳадисларда таълим олиш ва тарбия хусусида қимматбаҳо ҳаётӣ ғоялар баён қилинган.

Қур’онда “илм” сўзи 750 марта учрайди. Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларига илм ва уни эгаллаш ҳақида қуйидаги ҳадисларни ёд олдиришимиз мумкин.

Бешиқдан то қабргача илм изла.

Илм нажот ва саодат калитидир.

Илм-ҳазина, унинг калити –савол. Сўранглар, сўрашда тўрт киши савобга эга бўлади: сўровчи, олим, эшитувчи, уларни дўст тутувчи.

Илмни ёзиш билан маҳкамланглар.

Илмни офати уни унитишдир.

Ким инсонларга та’лим бериш мақсадида бир бор илм ўрганса, унга етмиш сиддиқнинг савоби берилади.

Ким илм ўрганиб, унга амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса, бутун осмон фаришталари орасида “Буюк” деб чақирилади.

Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ Таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди.

Одам фарзанди вафот этса, ундан барча амаллари кесилади. Фақат уч нарсадан унга тўхтовсиз ажр етиб турилади. Бу уч нарсадан бири илмдир.

Талаба илм қилиши фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам.

Ҳеч бир киши илмига амал қилмагунча олим бўла олмайди.

Илм излашда икки киши бордир, бири шогирд, бири устоз. Ажр иккисига баробардир.

Ўзбек халқи тарбияшунослигида экологик тарбияга алоҳида эътибор берилиб келинган. Ота-боболаримиз зилол сувни, булоқларни, сўлим дарахтларни, ўт-ўланларни, гулларни асрашга, топтамасликка ва увол қилмасликка алоҳида э’тибор бериб келганлар.

Ҳадисларда ҳам экологик тарбия хусусида қимматбаҳо ҳаётий ғоялар баён қилинган.

“Дехқончилик билан шуғулланинглари, деҳқончилик мураккаб касб деб билганлар. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглари” дейиш билан ҳалол меҳнат самарасини кўриш зарурлиги уқтирилади.

“Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади” – дейилган ҳадис мисолида бағрикенглик, жонзотларни асраш зарурлиги, инсонларни меҳнат қилишга, меҳнат қилиш орқали ўз турмушлари тўқ, фаровон, мазмунли, файзли бўлишлари э’тироф этилса, иккинчи томондан ерлардан беҳуда фойдаланмаслик, ерни асрайдиган, муҳофаза қилиб қадрига етадиган, меҳнат қиладиган инсонларни кўпайтириш ғояси мақсад қилиниб, уларнинг мукофотланиши айтилган.

“Мақтабга тайёрлов гуруҳи болаларини ҳадислар орқали қуйидаги ҳулосаларга келиши мумкин.

1. Мақтабга ва мактаб таълимига тайёрловда ҳадислар орқали тарбиялаш тарбиявий тадбир, машғулотлар, эркин фаолиятларида амалга оширилса бу уларнинг нафақат тарбиясида балки умумривожланиши учун хизмат қилади.

2. Ушбу жараён фақатгина ўқув муассасасида эмас балки, ота-она, бобо-бувилар билан оила ҳамкорлигида олиб борилиши керак.

3. Болаларга иллатлар, ёмон хатти-ҳаракатлар “гуноҳ,” инсон фаровонлиги, жамият равнақи, эзгу амаллар “савоб” экани ва бунинг мукофоти улуғ бўлиши тушунтирилса, уларни бу борада тушунчалари ривожланади. Уларда эзгу фазилатлар таркиб топиши тезлашади.

4. Ҳадислар болаларда нафақат ақлий, ахлоқий, иқтисодий-экологик, жисмоний, маданий тарбияни ривожлантиришда, бир сўз билан айтганда баркамол авлодни тарбиялашда муҳим манба бола олади.

Ўзбекистонда чуқур ўйланган, самарали узлуксиз таълим тизими барпо этилганлиги барчамизга маълум. Бунинг шароитда замонавий, теран фикрлайдиган интеллектуал билимдон, баркамол авлодни тарбиялашни бош мақсадимиз деб биламиз.

Мактаб ва мактабгача ёшдаги болани ҳар томонлама ривожланган, баркамол қилиб тарбиялашимизда ахлоқий тарбиянинг ўрни беқиёс.

Мактаб таълими ёшидаги болаларни ҳадислар орқали тарбиялашнинг ҳозирги ҳолатини ўрганган ҳолда қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Таълим ва тарбия самарадорлигига эришиш учун мактабгача ёшдаги болаларни ҳадислар орқали тарбиялашни ташкил этишда уларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос келган ҳолда машғулотларни ташкил этиш.

2. Ҳар бир ўрганилаётган ҳадиснинг мазмунини англаб етиш учун энг мақбул дея топилган ҳикоя асосида тушунтириш ва ҳадислар мазмунига мос суратлар келтириш тавсия этилди.

3. Ҳадисларнинг мазмунидан тўғри хулоса чиқаришга эришишни лозим.

Ҳадисларни ўқитишни йўлга қўйишда бугунги кун талабларига жавоб берадиган усуллар ва қўшимча адабиётлардан унумли фойдаланилган ҳолда амалиётга жорий этиш болаларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришни орттиради. Чунки, бунда бола муцақил таҳлил қилиш, ҳодисаки, бунда бола мустақил таҳлил қилиш, ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ва тўғри хулоса чиқара олиш каби хусусиятлар шаклланади.

Ҳадис сабоқлари болаларнинг қалбига, ҳис-туйғуларига таъсир қилганлиги сабабли ҳам болаларнинг ҳаётга бўлган муносабатларини ижобий томонга юз тутишига ундайди. Яхшиликдан қалби қувончга тўлган болаларда етук маънавий фазилатлар юзага келади.

Маънавий меросимиз мазмунидан мукамал ўрин эгаллаган ҳадислардан ёш авлод тарбияси самарасини оширишда фойдаланиш, болаларимизнинг миллий ўзлигини англаш орқали оиласига, ватанига содиқ, фидоий фарзандлар бўлиб етишишида муҳим восита бўла олади.

Қалб-шуури эзгу ишларга тўла бўлган, ёмонликка нафрат билан қараб, яхшиликдан қалби қувончга тўладиган болаларда етук маънавий фазилатлар тез юзага келади. Англаб етилган ҳодисалар болаларни руҳан соғлом бўлишига ундайди. Руҳан, қалбан покланаётган ёш авлод ўзини яхшилик қилишга, ҳалоллик сари боришга, савоб амалларни адо қилишга сафарбар эта олади.

## **II-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **2.1.ЎҚУВЧИЛАРГА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БЕРИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини шакллантиришда ҳадис илмини ўқитишнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки ўзбек халқининг маънавиятини таркиб топдиришда пайғамбаримизнинг сўзлари, одатлари, қилиқлари, амаллари, қарашлари мажмуи бўлган ҳадислар кўп асрлардан бери асосий манба бўлиб келган. Дунёдаги энг машҳур муҳаддислар биздан чиққанлиги ҳам тасодифий бўлмаган ва бу ҳол миллий ахлоқимизда ўз изини қолдирган ҳам. Бу ҳол педагогика фани ва амалиёти томонидан тўла англаб етилди. Бас, шундай экан, ўрта мактабларда ҳадис илмининг ўқитилиши қай аҳволда? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошланғич таълим мактабининг "Ўқиш китоби"да ҳадисларнинг ўқитилишига маълум даражада эътибор қаратилган, аммо умумий ўрта таълим мактабининг "Адабиёт" дастури ва дарслигининг 6-9-синфларида ҳадисларга лоақал бир соат ҳам вақт ажратилмаган. Фақат 5-синфдагина ҳадисларни ўтишга 3 соат вақт берилган, холос. Кўриниб турибдики, педагогика фанида мавжуд бўлган узвийлик принципига бу борада етарлича амал қилинмаган. Натижада, ўрта умумий таълим ва ўрта махсус таълим ўқувчиларининг ҳадис илмини ўрганишларига салбий таъсир қилувчи бўшлиқ ҳосил бўлган. Хўш, шу бўшлиқни адабиёт фанидан дарс берувчи ўқитувчилар қандай тўлдирмоғи керак? Адабиёт бўйича такрорлаш учун берилган соатлардан фойдаланиб, ҳар бир синфда йилига икки соат "Ҳадис сабоқлари" мавзусида машғулотлар ташкил қилинмоғи мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, факультатив машғулотларда ва адабиёт тўғрақларда ҳадис ўргатилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Айниқса, адабиёт дарсларида турли жанрлардаги бадиий матнларни ҳадислар билан қиёсий ўрганиш ўқувчилар маънавиятининг юксалишига олиб келади.

Ўрта мактаб ўқувчилари "Адабиёт" дарслик-мажмуасидан жой олган турли жанрлардаги асарлар билан танишадилар. Бу асарлар ичида топишмоқ, мақол, ҳикматли сўзлар каби ҳажм жиҳатдан энг кичиги ҳадислардир. Ихчамлигига қарамай, ҳадисларнинг мазмунини тўғри шарҳлаш ҳамма ўқувчиларнинг ҳам кўлидан келавермайди. Ўқувчилар турли мавзуга оид кўплаб ҳадисларни билишлари мумкин. Бироқ, барча ўқувчилар ҳам уларнинг маънолари устида чуқур ўйлаб кўришмайди. Ўрта мактабда ҳадислар матни устида жиддий ишланмайди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-9-синфлар "Адабиёт" дарслигида ҳадислар алоҳида матн сифатида берилмаган. Бинобарин, ҳадисларнинг асар сифатидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида илмий-назарий маълумотлар ҳам берилмаган. Айтилганидек, фақат 5-синфдагина бир қанча ҳадис матнлари ҳамда улар юзасидан қисқагина адабий-назарий маълумот берилган, холос. Шунини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар 6-синфдан бошлаб ўқувчиларга уларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ҳадисларни ўргатиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бешинчи синф дарслик-мажмуасида берилган маълумотга кўра, "ҳадис" арабча сўз бўлиб, содир бўлган, ривоят қилинган деган маъноларни билдиради. Ҳадис пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом томонидан айтилган панд-насиҳатлар, ислом динининг энг муҳим ахлоқий масалалари бўйича кўрсатмалар, шунингдек, Расулуллоҳнинг сафдошлари, саҳобалари (суҳбатдошлари) томонидан айтилган Пайғамбаримизнинг ўзи ҳақидаги ривоятлардан иборат кичик ҳажмдаги насрий асар ҳисобланади.<sup>1</sup>

Адабий жанр сифатида ҳадис дейилганда расулуллоҳнинг эзгу ахлоқи ҳамда олижаноб сиймоси акс этган бадий матн тушунилади. Ҳадисларда ахлоқий масалаларнинг ифодаланиши ахлоқнинг бадий адабиётдан ажралмаганлигини кўрсатади.

Ислом оламида Қуръондан кейинги ўринда турувчи ҳадислар ишончли ахлоқий манба ҳисобланади. Ҳақиқийлиги пухта ўрганиб чиқилган ишончли



ҳадислар саҳиҳ дейилади. Саҳиҳ сўзининг маъноси соғлом, тўғри, хатосиз дегани. Ҳадисни ривоят қилувчи киши иснод, ҳадисларни тўплаган муаллиф эса муҳаддис деб юритилади.

Муҳаддислар ҳадис тўплашда уни айтиб берган кишининг ҳаётини чуқур ўрганишган. Токи айтиб берган кишининг ёлғонсиз, рост айтганлигига ишонч ҳосил қилишгач, у айтган ҳадис кўчириб олган. Борди-ю, у шахс унчалик ишончли одам бўлмаса, айтган ҳадиси шубҳали саналган. Баъзи ҳадисларнинг айтилганидан ёзиб олинганига қадар орадан кўп вақт ўтиб кетганлиги сабабли ҳақиқийлиги шубҳали ҳисобланган. Ўқувчиларда шундай савол туғилиши мумкин. Нима учун ҳадислар ўз вақтида ёзиб олинмаган? Бунга сабаб шуки, Пайғамбаримиз Аллоҳнинг сўзи турганда, бандасининг сўзини ёзиб олишни ўринсиз ҳисоблаб ман қилганлар. Бу ҳақда Имом Бухорий ўзининг "Ал Жомеъ ас-саҳиҳ" асарида қуйидаги маълумотларни келтиради:

"Абу Ҳурайро айтади: "Биз ҳадис ёзар эканмиз, Пайғамбар алайҳиссалом ёнимизга келди ва: "Сизлар нимани ёзаяпсизлар?" - деб сўради. Бизлар: "Сендан эшитган ҳадисларни",- деб жавоб бердик. Шунда Пайғамбар: "Оллоҳнинг китоби - Қуръондан бошқа яна қандай китоб истайсиз?"- деди "<sup>1</sup> Шу сабаб саҳоблар ҳадисларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Маълумотларга қараганда, Пайғамбар билан суҳбатда бўлган ва ҳадис ривоят этганлар сони 1300 га яқин кишини ташкил қилган. Шулардан Абу Ҳурайро энг кўп ҳадисни ёдда сақлай олган. Бироқ, вақт ўтгани сари ҳадисларни ёдда сақловчилар сони камая борган. Натижада, ҳадисларни келгуси авлодга етказиш муаммоли масалага айланган. Бундан жиддий ташвишга тушган машойихлар ҳадисларни ёд биладиганлардан ёзиб ола бошлаган.

---

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 2- жилд.-Т.: 1991. 4-бет.

Ҳадисларни тўплаш ишлари VIII асрдан бошланган. Пайғамбар алайҳиссаломни кўрган ва билганлардан ёзиб олинган маълумотларга қараганда, дастлабки ҳадис тўпловчилар ибн Шаҳоб аз-Зухрий, Яҳё ибн Саъд ал-Ансорий, Ибн Журайж кабилар бўлган. Дунёга машҳур муҳаддислар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн Ҳажжож, имом Нисоий, имом ибн Мажжъ Казвиний, Абу Исо Муҳаммад ас-Самарқандий, имом ат-Термизийлардир. Юқорида номлари зикр қилинган муҳаддисларнинг ҳадис тўплашдаги хизматлари жуда катта. Жумладан, имом ал-Бухорийнинг "Ат Тарих ас-сағир", "Ат Тарих ал-Авсад", "Ат тарих ал-Кабир", "Ат Тафсир ал-Кабир" каби илмий асарлари мусулмон дунёсида машҳур. Бу улуғ аллома биргина "Ал Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли мажмуа") асари устида ўн олти йил иш олиб борган. Ва олти юз минг ҳадисни тўплаб, 7275 тасини танлаб олган. Шунингдек, "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асаридан одоб-ахлоқ мавзуйига бағишланган ҳадисларни танлаб олиб, алоҳида китоб ҳолига келтирган. Бу китоб Ал-адаб ал-муфрад ("Адаб дурдоналари") деб номланган бўлиб, бу асар 1322 та ҳадисни ўз ичига олган.<sup>1</sup> Бу ҳадислар мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлиб, ўқувчилар маънавиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Ислом оламида номи машҳур ҳадис тўпловчи ва шарҳловчилардан бири имом ат-Термизийдир. Термизий Термиз шаҳри яқинидаги Буғ қишлоғида дунёга келган. Ҳадис тўплаш мақсадида Ироқ, Ҳижоз каби шаҳарларда бўлган. Имом ат-Термизий ўзининг "Китоб ал-Шал", "Китоб ат-тарих", "Китоб аз-Зухд", "Китоб Асмо ва Куна", "Китоб ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"<sup>2</sup> каби асарларини яратди.

Кишиларни иймон-эътиқодли, диёнатли, ҳалол, пок, адолатли, яхши хулқли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашда ҳадисларнинг ўрни беқиёсдир. Ҳадис мусулмон халқларининг ҳаётига, турмуш тарзига ва адабиётига сингиб кетган. Шарқ адабиётида шоирлар ҳадисларга қайта-қайта мурожаат

---

<sup>1</sup> Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.:1994. 10-бет.

<sup>2</sup> Уватов У. Донолардан сабоқлар. –Т.: 994. 18-бет.

қилишган. Ҳадислардан ўз асарларида ижодий фойдаланган. Ҳадисларнинг ижобий таъсири остида Абдурахмон Жомий ўзининг "Чил ҳадис", Алишер Навоий эса "Арбаин ҳадис" асарларини яратган. Ҳадисларга мурожаат қилиш ҳозирги замон ўзбек адабиётида ҳам ўз аксини топган. Бу борада Абдулла Орипов, Шукур Қурбон, Сирожиддин Сайид сингари шоирларнинг асарлари диққатга сазовордир.

Ҳадисларнинг мавзу доираси жуда кенг бўлиб, унда инсон ахлоқининг деярли барча жабҳаси акс этган. Муҳаддислар одам ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олган ҳаққоний ҳадисларни тўплаб, бизгача етказиш-ган ва шу орқали ҳадисларнинг абадий яшовчанлигини таъминлаганлар. Ҳадислар нафақат тўпланганлиги, балки мусулмон аҳлининг маънавият сифатларига айланиб кетганлиги учун ҳам йўқолмайди.

Ҳадислардан ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, юртга муҳаббат, илмга чорлаш, самимийлик, инсоф, адолат, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик мавзулари етакчи ўрин эгаллади.

Инсонларда учрайдиган яхшилик ва ёмонлик сифатларига ҳадисларда жуда кенг ўрин берилган. Инсон ҳаёти бошдан охиригача яхшилик ва ёмонликдан иборат. Яхшилик дейилган тансиқ туйғунинг моҳияти қанчалик зарурлиги ҳадисларда ўзининг тўла аксини топган: **"Яхшилик - нафсингиз таскин топиб, дилингиз ором оладиган ишдир. Ёмонлик ёки гуноҳ эса унинг аксидир, гарчи муфтийлар фатво берсалар ҳам, ўз қалбингизга қараб иш тутинг"**.<sup>1</sup> Бу ҳадисдаги "яхшилик", "ёмонлик", "ишдир", "аксидир" сўзлари қофияланган насрни, яъни сажъланишни бир қадар таъмин қилган. Ижобий ва салбий маънони англагани учун қарама-қарши маъноли бу сўзлар тазод антонимлардир. "Ишдир" "аксидир" сўзлар маъносининг қарама-қаршилиги ўқувчиларга у қадар сезилмаса, матн қуйидаги тартибда, яъни аниқ мазмун ифодаладиган бирикмалар тарзида таҳлил қилиниши

---

<sup>1</sup>Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990. 66-бет, 226-ҳадис.

мумкин: дилингиз ором оладиган ишдир - унинг аксидир (дилингиз ором олмайдиган ишдир). Ўқувчилар матннинг таҳлиliga жиддий киришсалар, дил оромининг тан оромидан завқли эканлигини ҳис қила бошлайдилар. Ёмонлик ёки гуноҳ сўзлари салбий маъно касб қилса-да, бу сўзлар маъно жиҳатдан фарқланади. Ёмонликни киши билиб қилади, гуноҳни эса билиб-билмай қилади. Ҳадиснинг сўнги "ўз қалбингизга қараб иш тутинг" жумласида эса кишининг кўнгли тусаганини қилиши эмас, қалбига қулоқ солиши кераклиги уқтирилмоқда.

Баъзан битта ҳадиснинг заминига бир неча мазмун сингдирилган: **"Гуноҳнинг каттаси: Тангрига ширк келтирмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик"**. Ушбу ҳадиснинг тарбиявий аҳамияти жуда катта бўлиб, худонинг ягоналигини тан олишга, тинч-тотув яшашга, ота-онани эъзозлашга ундайди. Ўқитувчи ҳадисни таҳлил қилишда ўқувчилар эътиборини "Гуноҳнинг каттаси" сўз бирикмасига қаратади. Натижада, ўқувчилар гуноҳларнинг кўплигини, аммо уларнинг ичида кечириб бўлмас гуноҳлар ҳам бор эканлигини англаб етадилар. Ҳадисда илгари сурилган ғояга яқин матнни Навоийнинг Бадиуззамонга ёзган номасида ҳам учратиш мумкин: "Пайғамбар буюрубтурки, тенгри таоло ризоси ота ризосига вобаста (тенг)дур ва тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастадур. Бас, киши ота ризосини ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабига учраса, тенгри таоло ғазабига учрамиш бўлғай. Мундай бўлгондин сўнгра киши нечук ота ризосин айру дам урғай ё кадам қўйғай. Ва машойих сўзидирким: "Отанг парвардигорингдур", бу жиҳатдинким, тангри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила (воситачи) улдур ва туфулият (болалик)дан шабоб синни (балоғат ёши)ғача парвариш бергувчи ул...".<sup>1</sup> Тарихдан шу нарса аёнки, ота-бола ўртасидаги низонинг бартараф қилиниб, юрт тинчлиги сақлаб қолинишида ушбу ҳадиснинг таъсири катта бўлган. Бундан ташқари, ҳадиснинг келтирилиши номанинг бадий таъсир кучини оширган ҳам.

---

<sup>1</sup>Қосимов Б, ЖумаҳўжаН 10-синфучун "Ўзбек адабиёти" дарслиги.-Т.: Ўқитувчи, 2000. 30-бет.

Халқимиз орасида "Тилга эътибор - элга эътибор" дейилган ибратли ҳикмат кенг тарқалган. Мусулмон олами тилга азалдан катта эътибор билан қараб келган. Бу мавзу ҳадисларда ҳам ўз аксини топган: **"Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади"**, **"Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни кўп бўлур"**, **"Ҳақиқий мўминнинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар"**. Бу ҳадислар **"Аввал ўйла, кейин сўйла"**, **"Етти ўлчаб, бир кес"** каби халқ мақолларига мазмунан яқин бўлиб, қўлланилган ташбиҳлар, яратилган тимсоллар нуқтаи назаридан ҳам ўзаро бир-бирига яқиндир.

Ватанпарварлик бадиий адабиётнинг азалий, туганмас мавзуларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг тўла маънода шаклланиши, камол топиши, энг аввал, она юрт деб аталган муқаддас тушунча боғида шаклланади. "Ватандан ташқарида, - дейди Иброҳим Ҳаққул, - Ватан йўқ. Мана шунинг учун инсон фақат жонажон юртида ўзини мағрур, хотиржам ҳис қилади. Ватан севгисидан ёруғ эътиқод ва иймон уйғоқ. Жамики инсоний жасоратларнинг онаси - Ватан... Ватанни севиш - бурч, кураш, зарур чоғда ҳеч иккиланмасдан жонини қурбон қилишдир."<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис китобларини варақлаган ўқувчи ватанпарварлик мавзусида яратилган ҳадисларга ҳам дуч келишади: **"Ватанни севоқ иймондандир"**.

Жуда кўп ҳадисларда ростгўйлик, сахийлик, инсоф, ҳалоллик, дўстлик, покизалик, гўзаллик каби инсоний фазилатлар тарғиб қилинади: **"Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради"**, **"Либосларингизни чиройли қилинглр, от-уловларингизни яроқли тутинглр! Юздаги холдек одамларга намуна бўлинглр!"**, **"Ҳаққингни хоҳ мукамал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол!"**, **"Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглр ҳам рост сўзланглр. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланинглр"**.<sup>2</sup> Бу ҳадислар

---

1Иброҳим Ҳаққулов. Занжирбанд шер қошида.-Т.:Юлдузча, 1989. 212-бет.

2Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари.-Т.: 1990. 68-бет, 230-ҳадис

ёшларни ҳалолликка, ростгўйликка, ҳушёрликка, тadbиркорликка, эл-юрти учун ҳалол меҳнат қилишга даъват қилади.

Ўқувчилар ҳадис маъноларини эгаллаб бўлишгач, қуйидаги савол ва топшириқлар асосида олган билимларини мустаҳкамласалар фойдали бўлади:

1. Ҳадисларнинг бошқа жанрдаги асарлардан фарқланадиган энг муҳим хусусиятлари нималардан иборат?

2. Ҳадислардан қандай ибрат оладиган жиҳатларни сездингиз?

3. Ҳаётингизда ҳадислардан фойдаланиш йўллари изланг.

4. Ҳалолликка, ростгўйликка даъват қилувчи ҳадислардан ёд олинг ва ундан мустақил хулоса чиқаринг.

5. Қайси мавзулардаги ҳадислар билан таниш эканингизни айтинг.

6. Ўзингизга маъқул келган ҳадисларни ифодали ўқиб, мазмунини айтиб беринг.

7. Ҳадислар сизда қандай таассуротлар қолдирди?

8. Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?

9. Ҳадисларда қўлланган бадий тасвир воситаларини аниқланг.

10. Гўзаллик ҳақидаги ҳадисда инсондаги қайси жиҳат назарда тутилган?

11. "Юздаги ҳолдек одамларга намуна бўлинглар" матнида одамнинг ҳолга менгзалиш сабабларини изоҳланг.

12. Юқоридаги ҳадисларда қўлланган "қилинглари, тутинглари, бўлинглари: мукаммал, ҳалол, ол; кўрсанглари, сўзланглари, топасизлари, сақланинглари" оҳангдош сўзлари ифодали ўқишингизга қандай таъсир қилди деб ўйлайсиз?

Ўқувчилар берилган савол-топшириқларни бажаришлари асносида олдиларидаги бир қатор муаммолар ойдинлашиб, уларда қуйидаги кўникмалар ҳосил бўлади:

- болалар бадий адабиётнинг масал, мақол, топишмоқ жанрлари каби ҳадиснинг ҳам назарий томонларини тушуна билади;

- ҳадис талабларига амал қилиш туфайли, уларнинг юриш-туришида ижобий сифатлар намоён бўла бошлайди;

- ўқувчилар ўзлари ўзлаштирган ҳадис талабларига риоя қила бошлайдилар;

- болалар ўз дунёқарашига яқин бўлган ҳадисларни ёд олиб, унга амал қила бошлайди;

- ҳадис мавзуларини бир-биридан фарқлай бошлашади;

- ҳадисларни ифодали ўқийдиган, мазмунини ҳикоя қиладиган, маъносини англайдиган бўлишади;

- ҳадислардаги бадий тасвир воситаларини аниқлай биладилар;

- ҳадисларнинг бадий жилосини таъмин этган сажъларни илғаб оладилар.

Хуллас, болаларда билим, кўникма ҳосил бўлиб, улар эзгу ишларга қўл урадиган, умум манфаатига зид бўладиган қусурлардан тийиладиган комиллик сари одимлайдиган шахс сифатида шакллана борадилар. Ўқувчиларда бундай хусусиятларни таркиб топтиришда ўқитувчига кўмак берувчи асосий восита ҳадисларни пухта таҳлил қилишдир.

## 1.2. ҲАДИСЛАРНИ ЎРГАТИШДА КИЧИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Болаликнинг етти-ўн бир ёшлик даври, баъзилар ўйлагандек, ҳаётдаги беғам-беташвиш босқич эмас. Катталарнинг назарида болалар ҳеч қандай ғам-ташвишсиз, фақат ўйин-кулгинигина биладигандай кўринади. Болалар ҳаётида ҳам, катталар ҳаётидагидек, ҳал қилиниши қийин, баъзан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар бўлиб, улар болаларни ташвиш тортишга мажбур этади. Баъзан катталарга арзимасдек кўринган нарсалар болалар учун ҳаётнинг мазмуни ҳисобланади. Шундай қилиб, болалик сира ҳам ҳаётга тайёргарлик кўриш вақти бўлмай, балки болалик чинакам ҳаётнинг ўзи, олдинга интилиш, узлуксиз вояга етиш жараёнидир.

Маълумки, педагогика тарбияланувчиларга хос барча хусусиятларни ҳисобга олгандагина самара беради. Шу боис ёш психологияси педагогика назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Болалар психологияси анатомия, физиология фанлари билан ҳам алоқадор. Кейинги вақтларда болаларнинг психик тараққиёти фақат ижтимоий омиллар билангина белгиланмасдан, биологик қонуниятларга ҳам боғлиқ эканлиги тан олинаётир. Болалар психологиясининг ҳам, педагогиканинг ҳам асосий принципларидан бири ҳар қандай ўқув-тарбиявий ишлар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда борилишини талаб этади.

Ҳамма замонларнинг мутафаккирлари таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ёши ва руҳиятига доир белгиларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлашган. Ўрта асрларда машҳур чех педагоги Ян Амос Коменский болалар билан ишлашда уларнинг ёш хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш кераклигини илмий асослаб берган эди. Коменский инсон табиатини синчиклаб ўрганиб, шаклланиш босқичларидаги ўзига хосликларни ҳисобга олиб, ёшларнинг умрини ҳар қайсиси олти ёшдан иборат бўлган тўрт даврга бўлади:



1. Гўдаклик даври - бола дунёга келгандан бошлаб 6 ёшга қадар бўлган давр.

2. Болалик даври - 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр.

3. Ўсмирлик даври - 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган давр.

4. Етуклик даври - 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган давр.<sup>1</sup>

А. Коменский бола ёшини бундай даврларга бўлишда, биринчи галда, унинг ҳар бир ёшдаги хусусиятларга таянади. Болалик даврида одамнинг эслаш қобилияти, хаёл ҳамда буларнинг ижрочи органи ҳисобланган тил ривожланади. Ўсмирлик даврида эса шу кўрсатиб ўтилган сифатлардан ташқари тафаккур-тушунча ва муҳокама юритиш ўсади. Шу сабабли ўқувчиларда эзгу маънавий сифатларни болаликда сингдириш лозим бўлади. Миллий маънавиятимизнинг асосий манбаларидан бўлмиш ҳадисларни ҳам ўқувчиларга кичик мактаб ёшидан ўргатиш кутилган педагогик самарани беради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳадислар ўқувчиларга муқаддас теологик ёдгорлик бўлгани учун эмас, балки унинг инсон сифатидаги маънавий дунёси юксак бўлишини таъминлашнинг ишончли воситаси экани сабабли ўргатилади. Шунинг учун ҳам бошланғич синфлардаги она тили, ўқиш, одобнома, табиатшунослик сингари ўқув предметларини ўргатишда ҳадислардан фойдаланиш катта тарбиявий фойда келтиради. Бунда ўқувчиларнинг ёшини тўғри ҳисобга олиш лозим. Чунки бола табиатига мувофиқ келадиган нарсанигина ўзлаштирибгина қолмай, ўзининг характер хусусиятига айлантиради.

Ҳадислар орқали ўқувчилар маънавиятини шакллантиришга тутинган педагог ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларини аниқ ҳисобга олиши керак. Маълумки, ўзбек оилаларида болалардан нонга эҳтиромли муносабат талаб этилади. Лекин уларга нима учун шундай қилиниши кераклиги ҳамиша ҳам тушунтирилавермайди. Шунинг учун ҳам кўпинча болалар нонга катталар

---

<sup>1</sup> Константинов Н.А. ва бошқалар. Педагогика тарихи.- Т.: “Ўқитувчи”, 1976. 56-бет.

<sup>2</sup> Анвар Ҳожиаҳмад. Жаннат калити. – Т.: 1994. 7-бет.

хоҳлаганидай муносабатда бўлмайдилар. Агар биринчи синфда Пайғамбаримизнинг куйидаги ҳадислари ўргатилса, болаларда нонни эъзозлаш туйғуси эртароқ шаклланади:

**Ҳадис - Нонни ҳурмат қилингиз!**<sup>1</sup>

Шарҳ: нон турмушда зарур бўлган неъматларнинг биринчиси бўлганлигидан, Расулulloҳ кўп ўринда буғдой экиш, унинг баракасини сақлаб, ҳурмат қилишни буюрган.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга қандай кишини яхши дейиш кераклиги ҳақида йўриқ берадиган **"Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир"** ҳадисини тўғри тушунтириш ҳам салмоқли тарбиявий натижа беради.

Шарҳ: ўзгалар фойдасига меҳнат қилишдан оғринмайдиган киши халқ орасида ҳурматли кишилардан саналади. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз халққа фойда келтирадиган, унга хизмат қиладиган одамларни кишиларнинг яхшиси санаганлар.

**Ҳадис - Таомнинг баракаси - овқатдан олдин ва кейин қўлни ювмоқдадир.**<sup>2</sup>

Шарҳ: собиқ шўролар даврида ҳам болалар тозалигига эътибор берилар эди. Аммо унда тозалikka фақат гигиеник талаб сифатида қаралган. Етти сўздан иборат бу ҳадисда эса тозалик киши томонидан бутун умр давомида амал қилиниши зарур бўлган маънавий қадрият экани айтилган. Бу ҳадисни ўрганган бошланғич синф ўқувчиси қўлни ювиш шунчаки тана тозалиги учун эмас, балки одам ризқининг баракали бўлишига олиб келадиган кўнгил тозалигини таъминлайдиган омил эканлигини англайди.

Болалик даврида ўқувчиларнинг тафаккури ривожланиб, ўрганилган ҳадисларнинг ҳаётий ва маънавий асослари ҳақида мулоҳаза юритиш қобилиятлари таркиб топа бошлайди. Педагогика бола тафаккурининг ана шу

---

<sup>1</sup>Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: 1990. 66 – бет, 221 – ҳадис.

<sup>2</sup>Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: 1990. 66 – бет, 221 – ҳадис.

хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш фаолиятини йўлга қўяди. Шу маънода болалар психологияси хусусий методика билан ҳам узвий боғлиқдир. Болалар тарихий воқеаларга, афсоналарга, ривоятларга, асотириларга жуда қизиқишади. Адабиёт, одобнома, она тили дарсликларидан жой олган ҳадисларни ўргатишда бу ҳолат ҳисобга олинади.

Ўтмишдаги буюк педагогларнинг фикрича, тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш уларда озодалиқ, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, катта-ларни ҳурмат қилиш, мўмин-қобиллилик, ростгўйлик, одиллик, илмсеварлик ва, энг муҳими, одамларга муҳаббат фазилатларини шакллантиришдан иборатдир. Кичик ўқувчиларда шу фазилатларни таркиб топтиришда қуйидаги ҳадислардан фойдаланиш мумкин:

**Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқлари орасини ишқалаб ювувчи ва таомдан кейин эса тишларини тозаловчи умматларим қандай яхшидирлар.<sup>1</sup>**

**Эй, Тангрининг бандалари, оғир ва ювош бўлинглар.<sup>2</sup>**

**Илм ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.<sup>3</sup>**

**Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир.<sup>4</sup>**

**Мен ҳам ҳазил-мутойиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман.<sup>5</sup>**

**Тангри наздида энг яхши гап рост гапдир.<sup>6</sup>**

**Эшикни тақиллаётган киши ўзининг кимлигини ҳам билдирсин. "Кимсиз?"- деса, отини айтмай, "Мен",- деб жавоб беришликни Расулulloҳ ёқтирмас эдилар.<sup>7</sup>**

**Ҳаё доимо яхшилик келтиради.<sup>8</sup>**

---

1 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 80 – бет, 265 – ҳадис.

2 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 98 – бет, 344 – ҳадис.

3 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 136 – бет, 504 – ҳадис.

4 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 104 – бет, 372 – ҳадис.

5 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 18 – бет, 23 – ҳадис.

6 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 84 – бет, 282 – ҳадис.

7 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 110 – бет, 393 – ҳадис.

8 Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990, 110-бет, 394-ҳадис.

Бошланғич мактаб ўқувчиларига ҳадисларни ўргатиш ифодали ёд олиш асосига курилмоғи катта самара беради. Бунда ўқитувчи догматик усулдан, яъни маъносини тушунмай, оғзаки ёдлатишдан йироқ турмоғи ва онглилик принципига амал қилмоғи лозим. Бу ҳақда Я. А. Коменский шундай деб ёзган эди: "Ақл-идрок билан яхши тушуниб олинган нарсдан бошқа ҳеч бир нарсани зўрлаб ёдлатмаслик керак".<sup>1</sup> Ўқувчилар ўрганилаётган ҳадисларнинг кундалик ҳаётда қандай фойда келтиришини ўқитувчи ёрдамида аниқ-равшан англаб олишлари зарур. Ҳадисларни ўрганиш чоғида уларнинг ҳар бирининг туб моҳияти ва мазмунини ўқувчиларга тўла тушунтирмақ лозим.

Ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларига ҳадисларни ўргатиш жараёнида таълимнинг системалилик принципига қатъий амал қилмоғи керак. Бунда ўқувчиларга ҳадислар билан кундалик ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар орасидаги боғланишларни тушунтириб ўтади. Ўқитилаётган ахлоқ-одобга оид ҳадисларни шундай баён қилмоқ керакки, улар ўқувчиларга мавҳум бир нарса бўлиб кўринмасин, балки бир неча асосий йўналишлар асосида лўнда ифода этилган бўлсин. Шунингдек, ўргатила-ётган ҳадислар бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилиши кўзда тутилган ўзга ахлоқий сифатларга мувофиқ бўлишига эришилиши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларига ҳадисларни ўқитишда таълимдаги изчиллик принципига амал қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг яхши ўзлаштиришлари учун уларга ҳадисларни ичил, мунтазам равишда баён қилиш керак. Ўқувчилар янги материални ўрганишга олдинги машғулотларда тайёрланган бўлсин. Ҳадис ўғитларини бошланғич синф ўқувчилари онгига сингдиришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш билан бирга ўқувчиларнинг сезгиларини, ҳисларини уйғотиш, сўнгра уларнинг хотираси, кейин тафаккури ва ниҳоят, нутқини ўстиришга жиддий

---

<sup>1</sup> Константинов А. ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: "Ўқитувчи", 1976. 59-бет.

аҳамият бериш лозим. Чунки ўқувчи ўқиб билиб олган ҳадисларини тўғри айтиб беришдан ташқари, амалда унга риоя қилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга уларнинг кучи етадиган ҳадисларни ўқитиши керак. Дарс беришдаги аниқлик, ўрганилаётган материалларнинг ортиқча бўлмаслиги ва унинг асосий моҳиятини тушуниб олишга болаларни сафарбар этиш орқали бунга эришилади.

Ўтилган ҳадисларни машқ қилдириш ва такрорлаш бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитилаётган ҳадисларни мустақил ўзлаштириб олишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчи ўқувчиларга дарсда янги материални тушунтириб беради, сўнг бир ўқувчидан ўзи айтиб ўтган нарсаларни такрорлаб айтиб беришни талаб қилади. Сўнгра бошқа ўқувчидан ҳам худди шу тартибда бошқа ҳадисларни айтиб беришни сўрайди. Мана шундай машқ қилиш ва такрорлаш натижасида ўқитувчи ўқувчиларнинг нималарни тушунмай қолганликларини аниқ кўради. Бир неча марта такрорланган ҳадислар ўқувчиларнинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади.

Ҳадисларни ўзлаштиришда уларни овоз чиқариб ўқиш, ёд олиш ва изоҳлашнинг ҳам ўрни жуда катта. Чунки бундай усул ўқувчининг ўзлаштириб олган ҳадисларни ўз сўзи билан айтиб бериш, яъни шарҳлаб бериш қобилиятини оширади ва у кўзда тутилган бошқа ҳадисларни ҳам тез, аниқ ва мустаҳкам ўзлаштириб олади. Натижада, ўқувчилар бир неча ҳадисларни ўзлари ўзлаштириб олганларидан кейин, уларни бошқа тенгдошлари ва укаларига ҳам ўргатишлари мумкин.

Хулоса тариқасида шунни айтиш мумкинки, инсон ўзининг гўдаклик, болалик, ўсмирлик ва етуклик даврларида оламнинг сир-синоатларига турлича муносабатда бўлади. Бошланғич мактабда таълим олаётган 7-11 ёшли болаларга ҳам бир хилда ёндашиб бўлмайди. Биринчи синф ўқувчилари оламни 4-синф ўқувчиларидан тамомила ўзгача идрок этишади. Уларнинг ўқишга, ўйинга, атроф-муҳитга, кишиларга бўлган муносабатларида ҳам маълум тафовутлар мавжуд. Шундай экан, бошланғич синф ўқитувчилари

Ўқиш, она тили, одобнома дарслари ва турли тарбиявий тадбирлар орқали ўқувчиларга ҳадисларни сингдиришда ана шу фарқлар ҳисобга олинмоғи лозим. Шунда болаларнинг ҳадиси шарифга бўлган қизиқишлари ортиб боради. Натижада, ўқувчилар бадиий адабиётнинг ўз ёшларига мос келадиган турли жанрлари: эртак, шеър, мақол, топишмоқ каби турларини қанчалик севиб ўқишса, ҳадисларни ҳам худди шундай севиб ўқийдиган бўлишади. Шунингдек, ўқувчиларнинг оиладагиларга, ўзидан катта-кичикларга, тенгдошларига, атроф-муҳитга, ўзларини ўраб турган ноз-неъматларга бўлган муносабатлари яхшиланиб, ижобий фазилатлари камол топа бошлайди.

## 2.3. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ АХЛОҚИЙ ДУНЁСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Амалий йўналиш она тили, ўқиш дарсларининг зарурий белгиси ҳисобланади. Ахлоқ–одобга оид ҳадисларни ўрганиш ўқувчиларда ақлий фаоллик, мустақил фикр ва интеллектни ривожлантириш, уларда умумий ўқув кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, навбатдаги синфларда муваффақиятли ўзлаштиришга тайёрлашнинг муҳим шартларидандир.

“Бошланғич синф болаларининг умумий ўқув малакалари а) ўқув-ташкилий малакалар; б) ўқув-ахборот малакалари; в) ўқув-интеллектуал малакалар сингари турларга бўлинади.

Умумий ўқув-ташкилий малакалари ҳам ўз навбатида қуйидагича турларга бўлинади:

1. Мақсад ва вазифани аниқ белгилаш, уни рационал режалаштириш малакалари; режалаштирилган ишларни муваффақиятли бажариш учун шароит яратиш малакалари.

2. Китоб ва дарслик билан ишлаш малакалари.

3. Ахборотларни диққат билан қабул қилиш ва уни эслаб қолиш малакалари”.

4. Ўқув фаолиятида ўз-ўзини назорат қилиш малакалари.

5. Ўрганилаётган билимларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, таққослаш, таснифлаш малакалари.”<sup>1</sup>

Умумий ўқув малакаларининг барча турлари назарий билимларни амалда қўллаш имконини беради. Аммо ақлий фаолликни ва мустақил фикрлашни таркиб топтиришда интеллектуал кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ўрни жуда муҳим.

---

<sup>1</sup>Бабанский Ю.К. Райональная организация учебной деятельности. – М.: “Знания”, 1981. С.9

Интеллектуал кўникма ва малакаларни шакллантириш, яъни энг оддий ақлий фаолият усулларини: ҳадисларни ўрганиш, кузатиш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган жиҳатларни кўрсатиш, бошқа ахлоқ-одобга оид ҳикматлар, мақоллар, шеърий ва насрий матнлар билан таққослаш ва ҳоказоларни таркиб топтириш демакдир.

Бу турдаги ақлий фаолиятларни ривожлантириш бошланғич синф болаларига ақлий тарбия бериш вазифаларини енгиллаштиради ҳамда бу турдаги кўникма ва малакалар билиш фаолиятининг таркибий қисмла-ридан бўлиб, ўқувчиларнинг ҳадисга оид билимларини муваффақиятли эгаллаб олишларига яқиндан ёрдам беради.

Ҳадиснинг дастлабки намуналарини иккинчи синф ўқувчиларига куйидаги тартибда тавсия қилиш мумкин.

### **Яхшилик ва ёмонлик ҳақида**

Ёмонлик қилган кишига яхшилик қил.

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўзи азобланади.

### **Дўстлик ҳақида**

Дўстлик ҳам мерос қолади, душманлик ҳам.

Мусулмончиликда уч кундан ортиқ аразлаш йўқдир.

Оллоҳ таоло дўстларига ҳўмрайдиган, қовоқ солиб қарайдиган кишини ёмон кўради.<sup>1</sup>

Бир-бирларингизни кавламанглар, тортишманглар, ёмон кўришманглар, юз ўгиришманглар. Оллоҳнинг дўст-биродар бандалари бўлинглар.

### **Яхшилик ҳақида**

Ҳар бир яхшилик садақадир. Ўзингга яхши кўрган нарсангни ўзгаларга ҳам яхши кўр.

Агар бирор ёмонлик қилсанг, кетидан яхшилик қил.

---

<sup>1</sup>Мансуров А.ва бошқалар. Ҳадис илми сабоқлари. –Т.: 1999



## Илм олиш ҳақида

Ҳар бир мусулмонга илм олиш фарздир.

Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглар.

Бешиқдан қабргача илм изла.

Юқоридаги ҳадисларнинг ўқувчилар томонидан ёд олиншини ўқитувчи таъминламоғи зарур. Бу ёд олинган ҳадисларни ва бошқа мавзуларга мазмунан мос келадиган ҳадисларни ўқувчилар "Ўқиш китоби"дан ўрин олган Э.Воҳидовнинг "Ўлка", Қуддус Муҳаммадийнинг "Ўқувчига эсдалик", "Билим ол ҳунар танла", Толиб Йўлдошнинг "Ассалом" шеърини, Шорасул Зунуннинг "Дўстликнинг ҳосияти" ҳикоясини, "Яхшиликка ёмонлик" эртагини, "Дўст тутмоқ ҳақида" ("Қобуснома"дан) "Ур тўқмоқ" эртақларини таққослаш, ўқиш-ўрганиш орқали янада мустаҳкамлайдилар. Бу асарларни ҳадисларга қуйидаги тартибда таққослаб ўрганиш мумкин. Масалан, 54-бетда Толиб Йўлдошнинг "Салом " шеъри берилган:

Салом билан бошланар

Билсанг одоб ва ахлоқ.

Салом билан бегона

Бўлар тезда дўст-иноқ.

Салом чиққан оғиздан

Чиқмас сира ёмон сўз.

Салом, ассалом минг-минг

Сўзлар ичра дурдона.

Салом ҳар бир боланинг

Одобидан нишона.<sup>1</sup>

Ўқувчилар бу шеърни ўқиб бўлгач, қуйидаги савол ва топшириқлар асосида шеърни мустаҳкамлайдилар:

1. Сиз кимларга салом берасиз ва нима учун?

---

<sup>1</sup> Қумри Абдуллаева. ва бошқалар. "Ўқиш китоби" 2-синф учун дарслик. Т.: "Ўқитувчи" 2004, 54-бет

2. Қандай болаларни одобли болалар деса бўлади?

Саломлашиш одобининг туб моҳиятини сингдириш мақсадида ўқувчилардан қуйидаги топшириққа жавоб бериш талаб қилинади:

1. Саломлашиш одоби ҳақида ҳадислардан намуналар келтиринг.

Бу топшириққа ўқувчилар қуйидаги ҳадисларни келтириш билан жавоб берадилар.

**Ораларингизда салом беришни кенг тарқатинглар, бир-бирларингга муҳаббатларинг зиёда бўлади.**

**Саломлашишнинг мукамалроғи қўл бериб кўришишдир.**

**Отдаги киши пиёдага салом берсин, тик турган одам - ўтирганга, оз одам кўпчиликка салом берсин. Кимки саломга алик қайтарса, унга савоб бўлади. Ким алик олмаса, савоб йўқ.<sup>1</sup>**

2004 йил “Ижод дунёси” нашриёти томонидан М.Умарова, Ш.Ҳақимоваларнинг 3-синф учун “Ўқиш китоби” ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу синф болалари йил давомида она-юртга муҳаббат, меҳнатсеварлик, илм ва ҳунар, дўстлик ва аҳиллик, яхшилик, ҳалоллик, ростгўйлик, табиатга меҳр, саҳийликнинг фойдаси, бахилликнинг зарари ҳақида қуйидаги ҳадисларни ўқишлари лозим:

**Одамларнинг орасини бузадиган чақимчиликдан сақланинглар.**

**Қўл бериб кўришинглар, диллардан ғам, гина кетади.**

**Ҳар бир яхшилик садақадир.**

**Агар яхшилигинг сени хурсанд қилиб, ёмонлигинг хафа қилса, демак, сен мўмин экансан.**

**Яхшиликнинг кичкинасини ҳам кичик демай қилавер...**

**Биродарингга очик чехра билан юзланишинг билан бўлса ҳам яхшилик қил.**

**Илмнинг яхшиси - фойдалиси.**

---

1Абу Исо Термизий. Саҳий Термизий. Танланган ҳадислар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993, 75 – б

**Илмни аввал ўзи ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатишлик садақаларнинг афзалидир.**

**Кимки бирор кишини ёмон лақаб билан чақирса, фаришталар унга лаънат ўқийди.**

**Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади.**

**Ёлғон гапирманглар, чунки ёлғон гап иймонга зиддир.**

**Албатта, мен ҳам ҳазил қиламан, фақат рост сўзни айтаман.**

**Дехқончилик билан шуғулланинглар. Дехқончилик муборак касбдир.**

**Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Оллоҳ яхши кўради.<sup>1</sup>**

Ўқитувчи ҳамма ҳадисларни Ўзбек халқ эртақларидан: Н.Мақсудийнинг “Илмли минг яшар”, Ф.Мусаждоновнинг “Яхшилик”, Т.Ҳолматовнинг “Она табиат”, М.Муродовнинг “Ер севарни – эл севар”, П.Мўминнинг “Ким синдирди бу ниолни?”, А.Авлонийнинг “Яхшилик ерда қолмас” каби асарларни ўтишда ўқувчиларга сингдириб боради.

Амалдаги 3-синф “Ўқиш” дарслигининг диққатга сазовор жойи шундаки, бу синфнинг ўқув режасида “Ҳадислардан нақллар” мавзуси учун 1 соат вақт ажратилган. Бумашғулотда имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар берилган бўлиб, Биринчи ҳадис “Энг яхши иш” деб номланган.

Пайғамбардан:

- Исломда қайси иш энг яхши саналади? – деб сўрашибди.

- Очларга таом, таниш – нотанишларга салом, - деб жавоб берибдилар-

Пайғамбаримиз.

Ҳадис диолог тарзида берилган бўлиб, унга исломдаги энг яхши иш очларга таом бериш ҳамда таниган, танимаганга салом бериш кераклиги уқтирилган. Ҳадисда шеърый асарларга хос оҳангдош сўзлар катнашган бўлиб, булар очларга-нотанишларга, таом-салом кабилардир.

---

<sup>1</sup> Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари -Т.: 1990 й. 72-бет.

Дарсликда келтирилган иккинчи ҳадис “Энг ёмон иш” деб номланган.

-Дунёда энг ёмон ҳамда кутилиб кетишнинг иложи йўқ иш нима?-деб сўрашибди.

-Ноҳақ қон тўкилиши, - деб жавоб берибдилар Пайғамбаримиз.

Бу ҳадисни таҳлил қилиш учун уч-тўртта савол-топшириқ тузилади ва бу топшириқларга ўқувчилардан жавоб талаб қилинади. Ўқувчилар бир неча ёмон ишларни санаб ўтишади.

Ўқувчилар энг ёмон ишнинг исломда гуноҳ, қонунда жиноят эканлигини шу ҳадис воситасида англаб етадилар. Бундай англаш уларни ёмон иш қилишдан қайтаради, эзгу ишларга йўллайди.

Навбатдаги ҳадис “Маъқул иш” деб номланган

-Одамлар бир-бирлари билан айтишиб, сан-манга бориб қолса нима бўлади?- деб сўрашибди.

-Мусулмонлар бир-бирлари билан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай юриши мумкин эмас. Шундай пайтда уларнинг қайси бири аввал саломлашган бўлса, ўшанинг иши маъқулроқ саналади,- деб жавоб берибдилар Пайғамбаримиз.

Бу ҳадисни таҳлил қилишда ўқитувчи ўқувчи диққатиниматндаги синоним сўзларга қаратмоғи лозим. Матнда бир-бирлари билан айтишиб, Сан-манга бориб, аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай юриши каби бешта маънодош сўз ва сўз бирикмаларининг қўлланганлиги ҳадиснинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Матндаги “-мусулмонлар бир-бирлари билан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай юриши мумкин эмас”,-дегани уч кун аразлашиб юрса бўлади деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Бундан ташқари ҳадисдаги “саломлашган” сўзи шунчаки кўришиш, салом-алик қилиш маъноларини билдирмаган. Бу сўз бутунлай ўзга маънони, яъни ярашиш, гина қилмаслик маъноларини ўзида мужассам қилган.

Китобдан ўрин олган тўртинчи ҳадис “Тилни тийиб юрсин” деб номланади.

Пайғамбар дебдилар:

- Кимки яхши инсон бўлишни ўйласа, қўшнисига асло озор бермасин, меҳмонни ҳурматласин, ҳаётида фақат яхши сўзлардан гапирсин. Борди-ю яхши сўзларга тили айланмаса, у ҳолда жимгина тилини тийиб юрсин.<sup>1</sup>

Ўқитувчи ҳадисни таҳлил қилишда ўқувчилар эътиборини қуйидагиларга қаратмоғи лозим:

Ҳадисда яхши одам бўлишнинг шарти қўшнисига озор бермаслик, меҳмонни ҳурмат қилиш, барчага яхши сўзларни гапириш кераклиги уқтирилган. Ён қўшнисига озор бермайдиган одам бир неча нарида яшовчи қўшниларига ҳам озор бермайди. Меҳмонни ҳурмат қиладиган одам барчага ҳурмат кўрсата олади. 3-синф ёшидаги болалар дуёнинг турли сир-синоатини ҳали тўла англаб етмаган. Улар болаликни узоқ давом этадиган давр деб тасаввур қилишади. Ўқувчилар таҳлил жараёнида дунёнинг мажозий маънодаги меҳмонхона эканлигини, унда яшаётган одамларнинг барчаси ҳам меҳмон эканлигини англаб етсин. Шунда барчага ҳурмат билан қарайдиган бўлишади. Умрнинг жуда қисқа эканлигини англаб етишади. Ўрганилган учала ҳадислардаги бадийликкасб этган маънодош, оҳангдош сўзларни ўқитувчининг ёрдами билан англаб етишган бўлса, бу ҳадисдаги ўйласа, айланмаса, озор бермасин, ҳурматласин, гапирсин, юрсин каби сажъланган сўзларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда топа олади.

Дарсликнинг 30-31-бетларида “Ботир мерган ва чақимчи” эртаги берилган. Эртақдан сўнг “Одамлар орасини бузадиган чақимчиликдан сақланинглари” ҳадиси келтирилган бўлиб, бу ҳадис эртақ билан мазмунан боғлиқ.

---

1 М.Умарова, Ш. Ҳакимова “Ўқиш китоби” 3-синф учун дарслик. Т.: Ижод дунёси, 2004. 121-бет.

Китобнинг 180-181-бетларидан Ҳамза Ҳакимзоданинг “Отамиз”, “Онамиз” шеърлари ўрин олган. Шеърдан сўнг “Онани рози қилиш ҳақида”ги қуйидаги ҳадис келтирилган:

Бир киши Расулуллоҳдан: “Мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?”- деб сўрабди. “Онангга”, - дедилар Расулуллоҳ. У киши бу саволни уч маротаба қайтарибди. Расулуллоҳ “Оангга”, деяверибдилар. Тўртинчи маротаба яна сўрабди. Шунда “Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга!”- дебдилар.

Ўқувчилар дарсликнинг 200-бетидан ўрин олган Яна бир ҳадис билан танишиб чиқдилар.

Бир киши йўлда кетаётиб, қаттиқ ташна бўлди. Йўлида бир қудук кўришиб қолди-да, унинг ичига тушиб сувидан ичди. Қудуқдан қайтиб чиққан вақтида бир ит ташналигидан ҳансираб ҳўл тупроқни ялаётганини кўрди. Бу бечора менга ўхшаб ташна экан, деди-да, қайта қудуққа тушди. Оёғидаги маҳсини ечиб, унга сув тўлдириб чиқиб итга ичирди. Кишининг қилган иши Оллоҳ таолога маъқул бўлиб, гуноҳидан кечибди, - дедилар Расулуллоҳ.

Бу воқеани эшитган саҳобалар:

Хайвонларга қилган яхшилигимиз учун ҳам бизларга савоб бўладими?- деб сўрашди Расулуллоҳдан. Расулуллоҳ: “Ҳар бир юмшоқ жигарга (тирик жониворга) қилинган яхшилик учун савоб бўлади”,- дедилар.

Ҳадиснинг таҳлили учун учта савол-топшириқ берилган.

1. Ушбу ҳадисдан қандай ибрат олиш мумкин?
2. Ҳадисга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?
3. Ҳадисни ўқимаган ўртоқларингиз бўлса, ўқиб беринг.

Таҳлилга хизмат қилувчи қуйидаги савол-топшириқлар ўқитувчи томонидан тузилади.

4. Итга яхшилик қилган одам савоб олиш илинжида шу ишни қилдимиз?
5. Уйда ҳадиснинг мазмунига мос расм чизишга ҳаракат қилиб кўринг.

Таҳлил жараёнида ўқувчилар шунга амин бўдиларки, ночор аҳволдаги хайвонга қандай одам яхшилик қилади, қачонки хайвоннинг аянчли ҳолатини ўзида ҳис қила оладиган бўлса. Бундан ташқари раҳмдил, меҳрибон одам бўлса бу ҳолга лоқайдлик билан қараб тура олмайди. Хайвонга шу тариқа яхшиликни раво кўрган киши ночор ҳолатдаги одамга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Ҳадисда ифода этилган нотаниш одам ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўзининг ташқи қиёфасини намоён этмасда, ўзининг итга қилган биргина яхшилиги билан болаларда илиқ таассурот қолдиради. Бу одам гуноҳларини камайтириш, савобларни эса кўпайтириш илинжида яхшилик қилган эмас.

Бу ҳадис шу жиҳатлари билан 3-синф болалари учун ката тарбиявий аҳамият касб этади.

1996 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан бошланғич мактабларнинг 4-синф ўқувчилари учун яратилган "Ўқиш китоби" дарслиги (Тузувчилар: А. Шожалилов, Г. Тошматова, С. Матжонов) ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Буни шу китобнинг "Ўзбекистон - Ватаним маним", "Халқ оғзаки ижоди", "Яшасин тинчлик", "Бор бўлсин дўстлик", "Жаҳон болалар адабиёти"<sup>1</sup> бўлимларида яққол кўриш мумкин. Аммо буюк алломалар имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, ат-Термизийларнинг инсонларча ҳалол, покиза яшашга, иймон ва диёнатли бўлишга, илму урфонли, меҳр-оқибатли бўлишга ундовчи диний-ахлоқий қарашларга шоир Жамол Камол таржимаси асосидаги Балкиз Аладдиннинг "Орангизда энг кучли ким?" ҳикоятини ҳисобга олмаганда, у қадар аҳамият берилмаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, 4-синфда дарс берувчи ўқитувчи ўқувчилар маънавиятини шакллантирувчи энг муҳим воситалардан бири саналган ҳадиси шарифни ўқувчиларга қуйидаги тартибда етказса, педагогик мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Оллоҳ таоло ғайратли одамларни севади.<sup>1</sup>**

Шарҳ: Оллоҳ таоло кишиларнинг ўз ишларига тиришқоқлик ва ғайрат билан ҳаракат қилишларини истайди. Шунинг учун ўқувчи билим олишга, бошқа катта ёшдаги кишилар ўз ишларига катта ғайрат ва куч билан астойдил киришмоқлари лозим.

**Бир соат илм ўрганмоқ, бир тун уйғониб ибодат қилмоқдан хайрлироқдир. Бир кун илм ўрганмоқ, уч ой рўза тутмоқдан хайрлироқдир.<sup>2</sup>**

Шарҳ: Дунё ва миллат фойдасига ярайдиган илмни озгина бўлса ҳам ўрганиш лозим. Ҳаммага фойда келтирувчи илмнинг бир неча ой рўза тутишдан афзал эканлиги ушбу ҳадисда ифодаланган.

**Садақанинг афзали бир мусулмоннинг илм ўрганиб, шу илмни бошқа биродарларига ўргатишидир.<sup>3</sup>**

Шарҳ: Илм Оллоҳни таниш воситасидир. Бу ҳадисда илмни кенг ёйиш, Тангрини яхшироқ таниш кераклиги уқтирилган. Бунинг учун ҳар ким ўзи билган илмларни бошқаларга қизғанмасдан ўргатиши зарур. Муҳаммад пайғамбаримиз ҳам билган илмларини ўзларида сақлаб турмасдан, бошқаларга ўргатишни топширганлар.

**Одамлар юрадиган йўлдан зиён келтирувчи нарсаларни олиб ташлангиз.<sup>4</sup>**

Шарҳ: Кўприк солмоқ, ёмон йўлларга тош ётқизмоқ, кўчадаги чўп-хашакларни, юришга ҳалакит берувчи нарсаларни олиб ташламоқ лозимлиги юқоридаги ҳадисида ўқтирилган.

**Ҳар бир ишингизда юмшоқ кўнгилли бўлиб, қаттиқ кўнгиллилик, уятсиз сўз айтмоқдан сақлангиз.<sup>5</sup>**

---

1 Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик. А.Шожалилов ва бошқалар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996

2 Анвар Хожааҳмад Жаннат калити. – Т.: 1994 88-бет

3 Юз бир ҳадис.- Т.:Меҳнат, 1991. 23-бет.

4 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990. 36-бет, 98-ҳадис.

5 Юз бир ҳадис.- Т.:Меҳнат, 1991. 6-бет.



Шарҳ: Ҳар доим ўқишда, ишда барчага юшмоқ кўнгил, раҳм-шафқатли, ширин сўз бўлиб, қўполлик, кўрслик қилишдан сақланиш, кишиларни ранжитувчи ва уятсиз сўзларни ишлатмаслик лозим.

**Экин экингиз, чунки экин эқмоқ баракали касбдир. Экинларингизнинг баракасини сақламоқ учун кўриқчилар қўйингиз.<sup>1</sup>**

Шарҳ: Ушбу ҳадисда деҳқончилик касби улуғланган. Экин ва ундан олинадиган ҳосил кишилар ҳаётининг яхши бўлишини таъминлайди. Экиннинг кут-баракасини сақлаш учун экинга кўриқчилар қўйилиши лозимлиги ҳам бу муборак ҳадисда айтилган.

Бошланғич синф болаларини ақлий ривожлантириш, умумий ўқув кўникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида ўқитувчи юқоридаги тартибда ва унга ижодий ёндашган ҳолда дарсларни ташкил қилиши мумкин.

Ҳадиси шарифни ўқитиш жараёнида ўқитувчи хилма-хил метод ва усуллардан фойдаланади. Ўқитиш методлари ўқитувчининг иш усуллари бўлиб, булар ёрдамида болаларнинг билим олишларига, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, шунингдек, уларнинг билиш қобилиятини шакллантиришга эришилади. Бошланғич синф болаларига ҳадис ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўқитишнинг кўрсатмали, оғзаки, амалий ва мусобақа шаклларидадан ўринли фойдаланмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг инсоний сифатларини юксалтиришда ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналарини мустақил ва синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ҳам ўқиб ўрганишга катта эътибор берилиши лозим. Шундагина синфда ўрганилган ҳадис намуналари ўқувчилар онгида мазмунан янада бойийди. Бошланғич мактабда мустақил ва синфдан ташқари ўқиш машғулотларини ташкил қилишда ҳам ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган материалнинг ҳаддан ташқари кўп ва мураккаблигига ёки аксинча, жуда соддалаштирилишига йўл қўймаслик

---

<sup>1</sup> Юз бир ҳадис.- Т.:Меҳнат, 1991. 6-бет.

керак. Чунки ўрганилаётган материалнинг мураккаб бўлиши ўқувчиларни толиқтиради, материалнинг ўта даражада содда бўлиши эса ўқувчилар онгининг ривожланишини сустрлаштириб қўяди.

Мустақил ва синфдан ташқари ўқиш машғулотларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини, шу билан бирга уларнинг муайян ўзига хосликлари борлигини нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам билиши керак. Уларнинг ўзига хослиги ҳисобга олинмаса, ўқитувчи ўз ўқувчиларини мустақил фикр юрита оладиган даражага кўтара олмайди. Бу ҳақда 1996 йилда эълон қилинган "Умумтаълим мактабларининг V-XI синфлари учун "Ўзбек адабиёти" ўқув предметидан тахминий режалаштириш ва тавсиялар"да шундай дейилади: "Кўпинча "мустақил ўқиш" ҳамда "синфдан ташқари ўқиш" тушунчалари фарқланмай, истифода этилар, бирининг ўрнига иккинчиси ишлатилиш ҳоллари кўп учрар, баъзан ҳар икки тушунчага бир нарса сифатида қараш ҳолатларига ҳам дуч келиш мумкин ҳам эди. Дастурда "мустақил ўқиш" тушунчаси синфда ўқувчилар томонидан ўқитувчи кўрсатмасига ва дастур ҳамда дарслик тавсиясига мувофиқ ўқитиладиган, сўнг адабиёт муаллими раҳбарлигида ўша ҳақда суҳбатлашадиган асарлар юзасидан бажарила-диган ишларга татбиқан қўлланилиши очик-ойдин айтиб қўйилади. "Синфдан ташқари ўқиш" эса номидан ҳам кўриниб турганидек, ўқувчининг бўш вақти ҳисобига мутлақо эркин танишиши кўзда тутилган асарлар бўйича амалга ошириладиган ишларга нисбатан қўлланилиши"<sup>1</sup> ўқувчи ва ўқитувчиларга англашиларли йўсинда белгилаб берилган.

Синфдан ташқари ўқиш ўқитувчи томонидан ташкил қилинади ва назорат қилинади. Бошланғич синфларда уюштириладиган синфдан ташқари ўқиш юқори синфлардагидан жиддий фарқ қилади. V-IX синфларда синфдан ташқари ўқиш учун бадий асарлар рўйхати берилган бўлса, бошланғич синфларда бундай рўйхат берилмайди. Синфдан ташқари ўқилган асарлар

---

<sup>1</sup> Умумтаълим мактабларининг V-XI синфлари учун «Адабиёт» предметидан 1996-97 ўқув йилига тахминий режалаштириш. – Т.: "Ўқитувчи", 1996. 9-бет

бўйича суҳбат уюштириш учун бошланғич мактабнинг 2-синфларида ҳафтада бир соат, 2-4-синфларида икки ҳафтада бир соат вақт ажратилган. Синфдан ташқари ўқиш учун ажратилган соатларда Алишер Навоий, А. Авлоний, Ҳамза, Қ. Муҳаммадий, П. Мўмин, З. Диёр, Ш. Саъдулла каби адибларнинг асарлари, шунингдек, турли жанрлардаги (мақол, тез айтиш, шеър, эртак, масал, ривоят, ҳикоя, топишмоқ ва бошқа) асарлар ўрганилади. Аммо синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ҳадис ўғитлари учун алоҳида суҳбатлар уюштириш кўпинча ўқитувчининг эътиборидан четда қолади. Бизнингча, 2-синфда ҳар чоракда бир марта, 3-4-синфларда ҳар ярим йилликда бир марта "Ҳадис ўғитлари" мавзусида суҳбат ташкил қилинмоғи, бу суҳбатларда юртга, илм-ҳунарга, она-табиатга, ҳайвонот оламига, ўсимликлар дунёсига, турли жониворларга муҳаббат, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ҳақидаги ҳадислар ўрин олмоғи лозим. Бу ўринда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва уларнинг қизиқишлари ҳам ҳисобга олинади. Ўқувчилар ҳадисларни ўқиш орқали ифодали ўқиш кўникмасини ўзлаштиради, сўз бойлиги ортади, мустақил фикрлаш қобилияти юксалади, энг муҳими, уларда маънавий фазилатлар шакллана боради.

Ҳадислар асосида ташкил қилинадиган синфдан ташқари машғулотлар ҳам ўқув топшириғи, ўқув-изланув фаолият, назорат-текширув босқичи, ўқувчилар билимини ҳисобга олиш сингари доимий тизим асосида амалга оширилади. Синфдан ташқари машғулотларда ҳам бу босқичларга катта эътибор берилади, акс ҳолда ўргатилаётган билим ўз самарасини бермайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, синфдан ташқари ўқилган ҳадислар бўйича ўтказиладиган суҳбатда ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга, уларнинг мустақил фикр юритишларига имконият яратиш лозим. Шундагина синфдан ташқари ўқиш машғулотлари уларга ишонч ва завқ бағишлайди.

Бошланғич мактаб ўқувчиларини теварак атрофимиздаги хилма-хил воқеа-ҳодисалар ниҳоятда қизиқтиради. Ўқувчилар бизни қуршаган олам ҳақидаги жумбоқларга турли табиий фанлар билан бирга бадиий асарлардан

жавоб топсалар, кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги саволларга энг тўғри ва мукамал жавобни ҳадислардан олади.

"Бошланғич синфларда,- деб ёзади Сафо Матжонов, - ўқувчилар дарсда ва дарсдан ташқари мустақил китоб мутолааси орқали ўқиш техникасини ўзлаштирадilar, айти чокда уларнинг нутқ бойлиги ҳам ўсади. Лекин синфдан ташқари ўқиш олдиға кўйиладиған ўқув-методик талаб фақат шунинг билангина чегараланмайди, балки ҳар хил жанрдаги болалар китоблари билан изчил таништира бориш воситасида ўзлари ўқиши лозим бўлған асарларни мустақил танлаш малакасини шаклланти-ришни ҳам кўзда тутади. Чунки ҳар қандай китоб ўз қизиқиши, билими ва тушунчаларига мос асар танлай билған ўқувчигагина бағрини очади"<sup>1</sup>.

Шундай экан, бошланғич мактаб ўқувчилари синфдан ташқари ўқиш машғулотларида барча жанрлардаги асарлар каби ҳадисларни ҳам ўз хоҳиш-истакларига кўра танлаб ўқиб-ўрганиш имкониятиға эға бўлиши керак. Шунда улар ҳадисларни мутолаа қиладилар ва табиатларига сингдирадilar. Бошланғич мактаб ўқитувчилари шунға эришишлари керакки, бошланғич синфни тугатған ўқувчи камида 15 та ҳадисни ёддан билсин, уларни бошқа жанрдаги ўқиган асарларига таққослай олсин, шу билан бирға ўз фаолиятида намоён этсин. Шундагина ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиган ҳадислари ўз самарасини бериб, болаларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари кенгайишиға кўмаклашади.

Бошланғич мактабнинг 4 - синф ўқувчилари "Ўқиш" дарсларида бадий адабиётнинг бир қатор тур ва жанрларига кирувчи асарлардан намуналарни ўқиб ўрганадилар. Айти вақтда, миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири саналған ҳадиси шариф билан танишишда давом этади. Бошланғич мактаб ўқувчилари дастлаб 2-3-синфларнинг "Одобнома" дарсларида илк бор ҳадислар билан танишишған. Албатта, ҳадисларнинг

---

<sup>1</sup>Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар.- Т.: "Ўқитувчи", 1996. 164-бет.

ўқитилиши "Одобнома" ва "Ўқиш" дарсларида бир хил мақсадда амалга оширилмайди. 1-4-синф ўқувчилари учун "Одобнома" фанидан тузилган дастурда шундай дейилади: "'Одобнома" фанининг мақсад ва вазифаси ёш авлод қалбига одоб-ахлоқ меъёрларини сингдиришдан иборат"<sup>1</sup>. "Адабиёт" дастурида эса қуйидаги фикр илгари сурилади: "...адабиёт ўқитишда фақат тафаккурни ўстиришга, амалий кўникмаларни ривожлантиришга эмас, балки қалбни шакллантиришга, эстетик дидни таркиб топтиришга кўпроқ эътибор қаратилади".<sup>2</sup> Демак, "Ўқиш" дарсларида ҳадисларни ўрганишга ҳам қалбни шакллантириш, эстетик дидни таркиб топтириш нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак.

Ҳадислардан намуналарни 4-синф ўқувчилари "Ўқиш" китобининг "Маънавият - қалб қуёши" рукнида ўрганишади. Ҳадисларни ўрганишга 1 соат вақт ажратилган. Ўқитувчи белгиланган вақт ичида ҳадиси шарифга хос хусусиятлар ҳақида тўлиқ маълумот бериши, дарсликдаги ҳадислар билан ўқувчиларни тўлиқ таништириши, айтилган вақтда мазкур ҳадисларни атрафлича таҳлил қилиши лозим. Бу тадбирларни амалга ошириш учун вақтдан самарали фойдаланиш керак.

Бизнингча, ўқитувчи машғулотнинг кириш қисмида ҳадис ҳақида назарий маълумот ҳамда муҳаддис боболаримиз ҳақида қисқача маълумот бериши керак. Чунончи, тенгсиз муҳаддис олим Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ёшлигиданоқ ниҳоятда зеҳдли, идрокли бола бўлганлигини, 10 ёшида онаси ва акаси билан ҳаж сафарига борганлигини, олти йил Хижозда қолиб, ҳадис илмидан сабоқ олганлигини, ўша вақтдаги илм-фаннинг йирик марказлари бўлган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа ва Боғдод каби шаҳарларда бўлиб, машҳур кишилардан таълим олганлигини айтиб ўтиш дарсни қизиқарли ташкил қилиш учун жуда зарурдир. Имом Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани, ҳар қандай китобни қўлга олиб бир

<sup>1</sup> Таълим тараққиёти. 1999 йил, 7-маҳсус сон. 374-бет

<sup>2</sup> Таълим тараққиёти. 1999 йил, 1-маҳсус сон. 146-бет

маротаба ўқиса, Ҳазратга ёд бўлиб қолавериши ҳақидаги маълумотлар дарсинг қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ўқитувчи имом Бухорийнинг фавқулодда кучли хотирага эга муҳаддис эканлигига ўқувчилар диққатини алоҳида қаратиши зарур. Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Хошид ибн Исмоил айтади: "Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини тингларди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олардик. Бухорий эса фақатгина тинглаб ўтирарди. Шу тарзда орадан қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шундай кунларнинг бирида Бухорийга: "Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?"- деб таъна қилган вақтимизда: "Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман",- деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни беҳато айтиб берди".<sup>1</sup>

Ўқитувчи муҳаддис олим ҳақидаги маълумотлар билан ўқувчиларни таништиришга 7-8 дақиқа вақт сарфлайди. Шундан кейин ўқувчилар ўқиш китобидаги матн билан танишадилар. Китобда ўн та ҳадис ва Шайх Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг ўғлига насихати берилган ҳикоятни ўқитувчининг ўзи ўқигани маъқул. Борди-ю, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ўқувчиларнинг ўзлари ўқишлари керак деб билса, бир неча кун олдин қироат билан ўқийдиган болалардан бирига ўқиб келиш топшириқ сифатида берилиши керак.

Ўқувчиларни ҳадислар билан таништиришга 8-9 дақиқа вақт кетади. Демак, ўқитувчи 27-28 дақиқа вақт мобайнида ҳадисларни таҳлил қилиши мумкин. Матнни таҳлил қилишда дарсликдаги савол-топшириқлар билан чекланиб қолмай, муаллимнинг ўзи 10-15 та савол-топшириқ тузиб, таҳлил қилишга киришиши зарур. Чунки китобда ҳаммаси бўлиб 4 та савол-топшириқ берилган. Бу савол-топшириқлар ҳадисларни таҳлил қилишга у қадар ёрдам бермайди. Китобдан ўрин олган биринчи ва иккинчи ҳадис илм ҳақида бўлиб, қуйидаги матндан иборат:

---

<sup>1</sup> Ҳикматуллаев Ҳ., А.Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т., 1990. 7 - бет

**"Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб Оллоҳга истиғфор айтади".**

**"Илмнинг офати - уни эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир".<sup>1</sup>**

Ҳадиси шарифни ўқувчиларга сингдириш шунчаки ўқиш, мазмунини қайта ҳикоя қилиш асосига қурилмай, балки чинакам, пухта таҳлил асосига қурилиши лозим. Методист олим Қ. Йўлдошев матн таҳлиliga алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрни олдинга суради: "Таҳлилда эстетик асослар устувор бўлсагина ўқувчиларнинг қалб кўзи очилади ва улар туйғусизликдан, ҳиссий қарликдан қутуладилар. Бадий асарни ўрганиш асносида шу хилдаги қусурлардан қутулиш, юракдаги бепарволик илллати туфайли пайдо бўлган кўтирлардан тозалаш ўқувчи маънавиятини юксалтирувчи омилдир".<sup>2</sup> Ўқиш дарсларида юзлаб бадий матнлар ўқилиши мумкин. Улар юқоридаги талаб асосида таҳлил қилинмас экан, ўқувчиларнинг қалб кўзи очилмайди, уларда ҳиссий қарлик давом этаверади.

Биринчи ҳадисни таҳлил қилишда ўқитувчи Иброҳим Ҳаққулнинг айнан шу ҳадис ҳақидаги фикридан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Жаноб пайғамбаримизнинг "Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир", деган ўғитларига биноан бошқа илм соҳа вакиллари қатори тасаввуф олимлари ҳам кашфу каромат илми ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди, деган даъвонинг исботи учун курашганлар... Инсонни ғафлат, разолат, нодонлик ва ақидапарастликдан озод айлайдиган бош асос нафсни таниш, нафсни билиш - ҳақни таниш демак, деган қараш устунликка эришган ва қўллаб-қувватланган".<sup>3</sup> Демак, ҳадисда илгари сурилган илм инсонни ғафлатдан, разолатдан, нопокликдан озод қиладиган Ҳақни билишдир. Шунингдек, ҳам диний, ҳам дунёвий илмни эгаллаш ҳар биримиз учун фарздир.

---

1 Шожалилов А. ва бошқалар. Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик.-Т.: "Ўқитувчи", 2002. 48-бет.

2 Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма.- Т.: "Ўқитувчи", 1997. 23-бет.

3 Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. -Т:Маънавият, 1998. 15-бет.

Инсон фаолиятида маънавият биринчи даражали аҳамият касб этади. Аммо уни илмсиз шакллантириб бўлмайди. Илм инсон учун муқаддас фазилатлардан биридир. Илм туфайли инсон она юртининг тараққиётига кўмак беради. Илм ёмон хулқ-атвордан, жаҳолат қоронғулигидан сақлаб, яхши хулқ соҳиби қилади, инсоний фазилатларни камол топтиради. Маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний ўз даврида илмсиз кишиларнинг кўплигидан изтиробга тушиб, шундай деган эди: "Қуръонимиз, пайғамбаримиз ўқингиз, деб амр қилгон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, кундуз демай, ёз демай илм йўлида жонларини фидо қилуб, қувушуб, югурушуб, кўзларимизни қамаштируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбаримиз: "Олим бўл, илм талаб қилувчи бўл, ёки илмни эшитгувчи бўл, ҳеч бўлмаса шуларга муҳаббат қилувчи бўл, бешинчиси бўлма, халок бўлурсан, демадиларму?"

4-синф "Ўқиш китоби"да берилган навбатдаги ҳадисда **"Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳр-муҳаббат уйғонур"**,<sup>1</sup> дейилади.

Учинчи ҳадис таҳлилида алоҳида эътибор "саломлашиб" сўзига қаратилади. Саломлашиш эсон-омон бўлмоқ, безарар юрмоқ, тинчлик, саломатлик, хотиржамлик, яхшилик каби маъноларни англатиши, салом бериб алик олишда қўлланиладиган бирикма арабча бўлиб, "Ассалому алайкум" - "Сизларга саломатлик тилайман" ва бунга жавобан "Ваалайкум ассалом" - "Сизларга ҳам саломатлик тилайман" маъноларини билдириши ҳақидаги тушунчалар ўқувчиларга уқтирилса, бу ҳадсининг таҳлили осон кечади. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг "Адаб дурдоналари" китобининг 402 - ҳадиси ҳам саломлашиш билан боғлиқ бўлиб, унда шундай дейилади: **"...Қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса, салом**

---

1 Шожалилов А ва бошбалар. "Ўқиш" китоби. 4-синф учун дарслик. – Т.: "Ўқитувчи". 2002. 49-бет.



**берганга фаришта, жавоб қайтармаганга эса шайтон жавоб қайтаради".<sup>1</sup>** Ўқувчилар шу икки ҳадис мазмунидан салом беришнинг қарз эканлигини, шунингдек, салом бериш ўқувчиларнинг одамийлигини, фаҳм-фаросатини, бошқаларга бўлган ҳурматини, меҳр-оқибатлилигини белгилайдиган омил эканлигини англаб етадилар.

**"Тангри сахийдир, сахийларни дўст тутати. Ахлоқи олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди".** Ўқитувчи бу ҳадисни таҳлил қилар экан, одамлар учун Тангри энг яқин дўст, ҳар қандай дардларга малҳам берувчи, барча чорасизликларга йўл топувчи олий қудрат эканини уқтиради. Халқимиз орасида "Худо тиш берибдими, ризқини ҳам беради, унинг дастурхони шоҳу гадо учун очик" нақли юради. Бу нақл ҳам Тангрининг сахийлигидан далолатдир.

Юқоридаги ҳадисни ривоят қилган Муҳаммад ахайҳиссаломнинг ўзлари ҳам сахийлик борасида тенгсиздир. 278-ҳадис: **Анас ибн Молик айтадилар: Расулulloҳ марҳаматлик киши эдилар. У зотдан ким нима сўраб келса, дарҳол берар эдилар, у нарса қўлларида бўлмаса (фалон куни бераман деб) ваъда қилар эдилар...**

**Саховат бобида Биби Ойша онамиз ҳам кўпларга ибрат бўлган. 280-ҳадис: Абдуллоҳ ибн Зубайр айтадилар: Мен Абу Бакр Сиддиқнинг иккала қизлари: Ҳазрати Ойша ва Ҳазрати Асмодан кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди. Ҳазрати Ойша эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардиларда, улар кўпайгандан кейин бир йўла ҳаммасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Аммо Асмо эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар."**<sup>2</sup> Демак, ҳар бир киши қўлидан келганича саховатли, мурувватли бўлиши, меҳр-оқибат кўрсатиши, одамларга яхшилик қилишдан тўхтамаслиги керак.

---

1 Имом Исмоил ал-Бухорий. «Адаб дурдоналари», -Т.: 1992. 402-ҳадис.

2 Имом Исмоил ал-Бухорий. «Адаб дурдоналари», -Т.: 1992. 278-ҳадис.

Тўртинчи ҳадисни таҳлил қилишда ўқувчиларнинг эътибори ҳадисдаги "Ахлоқи олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди" жумласига қаратилади. Матндаги "Ахлоқи олий кишилар" бирикмаси билан "ахлоқсизлар" сўзи ўзаро антонимдир. Ҳадисдаги ўзига хослик шундаки, уларда ахлоқи олийларга "киши" - инсон дейиш мумкин-у, ахлоқсизлар "киши" ҳам дейилмайди. Агар киши дейиш мумкин бўлганда, "ахлоқсизлар" сўзи ўрнида "ахлоқсиз кишилар" бирикмаси ишлатилган бўлар эди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёлғончилик, бевафолик, иккиюзламачилик, ғийбатчилик каби қусурлар ахлоқсизларга хос хусусият эканлигини таъкидлаб ўтади.

Китобдан ўрин олган еттинчи ҳадиси шариф қуйидагича: **"Уч хил ибодат бор: бири - Худодан бир нималардир сўраб сиғиниш; иккинчиси - дўзахга тушишдан қўрқиб сиғиниш; учинчиси - Худога муҳаббат туфайли сиғиниш. Қўлингиздан келса, Худога муҳаббат туфайли сиғиниш"**. Бу ҳадисни шунчаки ўқиш ёки ёд олиш ўқитувчини кўзлаган мақсадига олиб бормади. Шунинг учун ўқитувчи бу ҳадиснинг таҳлиliga ҳам жиддий киришмоғи зарур. Адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг "Тасаввуф" китобида шу ҳадис таҳлиliga хизмат қилувчи матн мавжуд. Ўқитувчи ўқувчилар диққатини шу матнга қаратса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Машхур суфий аёл Робия Адвия Тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: "Эй, Парвардигорим, эй, Ёри азиз, агар жаннатинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида қуйдир – минг-минг розиман. Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма".<sup>1</sup> Демак, сўфийлар назарида жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам тамаънинг ўзидир. Сўфийларнинг қалбида на дунёдан, на охиратдан тамаъ бўлмаслиги лозим.

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. -Т.: Ёзувчи, 1996. 6-бет.

"Тангри таолога курук, кўр-кўрона мутеъликнинг хожати йўқ. Худо ғазабидан кўрқибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар: Оллоҳни жон дилдан севиш, унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу хирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қиладилар",- деб таъкидлайди Нажмиддин Комилов.<sup>1</sup>

Таҳлил жараёнида ўқитувчи ўқувчилар диққатини ҳадиснинг охириги "Қўлингиздан келса, Худога муҳаббат туфайли сиғининг" матнига қаратмоғи лозим. Ўқувчи худога муҳаббат туфайли сиғиниш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермаслигини англаб етсин. Бунинг учун худонинг борлигига ҳар бир ўқувчи иймон келтириб, амалга ошираётган яхши-ёмон ишларимизни кўриб турувчи деб билиши керак. Бундан салкам тўққиз юз йил аввал Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида ҳақ дийдорига эришмоқликнинг бирдан бир йўли ҳақиқий ошиқлик, муҳаббат билан сиғиниш эканлигини бежиз таъкидламаган эди:

Кул Хожа Аҳмад зоҳид бўлма, ошиқ бўлгил,  
Бу йўлларда бебош юрма, содиқ бўлгил.  
Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Вомиқ бўлгил,  
Ошиқ бўлмай, Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас...<sup>2</sup>

Навбатдаги ҳадиси шариф **"Ғийбатчи бўлманг, бўҳтон сўзламанг, бировларни ёмон отлиқ қилманг, кишиларнинг ортидан иғво гаплар тарқатиб, маломат этманг. Ғийбатчилик - киши ўз биродарининг этини ўзи ейиш билан баробар"**<sup>3</sup>,– дейилган матндан иборат. 4-синф болаларига бу ҳадиснинг тарбиявий таъсири жуда катта. Катта ёшдаги кишилар ўртасида ҳам ғийбатчиликнинг турли кўринишларини учратамиз. Ҳар доим ҳам бу курсурнинг кишиларда болалиқдан бошланганлигини англаб етавермаймиз.

---

1 Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. -Т.:Ўзувчи, 1996. 6-бет.

2 Аҳмад яссавий. Ҳикматлар.- Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 171-бет.

3Шожалилов А. ва бошқалар. Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик.- Т.: "Ўқитувчи", 2002. 49-бет.

Аслида бу иллатнинг у ёки бу кўринишлари болалик даврида ниш ура бошлайди. Ғийбатчиликнинг болалар қалбида куртак ёзмаслиги учун ушбу ҳадиснинг таҳлилига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда ғийбатчилар ўз қадрини баланд кўтариб, ўзгаларнинг қадрини ерга уриши, ҳасад, кўра олмаслик, ғаразгўйлик, маккорлик каби иллатларнинг уларда мужассамлиги айтиб ўтилади. Шунингдек, кишилар орасидаги аҳилликни, ҳурматни, дўстликни емириши ҳаётий мисоллар орқали келтирилса, ҳадисда илгари сурилган фикр ўқувчилар қалбига тезроқ таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини ҳадиснинг сўнги "Ғийбатчилик - киши ўз биродарининг этини ўзи ейиш билан баробар" жумласига қаратса, уларда бу салбий қусурга нисбатан нафрат уйғониб, эзгу сифатлар янада таркиб топа бошлайди.

Ўқитувчи бу ҳадисни ўзи тузган бир неча савол-топшириқлар асосида таҳлил қилишга киришса, машғулотда ўқувчиларнинг фаоллиги янада ортади. Ҳадисни юзаки ўқиб-ўрганишдан холи бўлиб, ҳадисда яширинган асл маънони излаб топишга ундамоқ зарур. Изланаётган нарсанинг ўзга томонидан топилганидан кўра, ўзи томонидан топилгани кишига жуда катта завқ бағишлаши ҳаммага аён. Шундай экан, ҳадисда илгари сурилган энг асосий фикрни ўқувчиларнинг ўзлари топишсин. Бунинг учун ўқитувчи матнда олдинга сурилган ғояни ўқувчиларга тайёр ҳолда беришдан сақланиб, қуйидаги савол-топшириқларни ҳавола қилгани маъқул:


1. Ҳадисда икки марта такрорланган сўзни топинг ва шу сўзнинг такрорланиш сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг.

2. Матнда оҳангдош бўлган сўз бирикмалари мавжуд. Шу оҳангдош сўз бирикмаларини топиб, ифодали ўқинг.

3. "Ғийбатчи", "ғийбатчилик" сўзларининг матн бошида ва охирида келиш сабаблари ҳақида ўйланг.

Ўқувчилар юқоридаги савол-топшириқларга ўзларининг мустақил фикр-мулоҳазаларини баён қила билса, матндаги ҳар бир сўз ва сўз бирикмаларини эътибордан четда қолдирмайдиган бўлишади.

Ҳар бир синфда истеъдодли, қобилиятли, аини пайтда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар бўлишади. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни эътибордан четда қолдирмаслик мақсадида қуйидаги жадвалдан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади:



Ғийбатчи кишида тўртта иллат мужассам эканлигини ўқувчилар юқоридаги жадвалдан билиб олишади.

Ўқитувчи ўқувчиларда якуний хулоса ҳосил қилиш мақсадида уларнинг диққатини матндаги охириги гапга қаратади: "Ғийбатчилик - киши ўз биродарининг этини ўзи ейиш билан баробар". Бу гапдаги "биродарининг", "этини" сўзларининг синоним - маънодошлари ҳамкор-ликда аниқланади. Натижада, ўқувчилар ғийбатчилик биродарининг этини истеъмом қилиш эмас, балки биродарини маънан ўлдириш эканлигини тушуниб етишади.

Ўқитувчи ҳадисдаги фикрни янада ойдинлаштириш мақсадида Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" асаридан қуйидаги матнни келтириши мумкин: " Шер оч қолмаслик учун кийикни ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Кийик оч қолмаслик учун кўкат ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Одам кўкатни ҳам ейди, кийикни ҳам ейди, кўнгил хуши учун шерни ҳам ўлдиради. Кейин... бир-бирининг бошини ейди"<sup>1</sup>. Қолган сўнгги икки ҳадис ҳам шу тариқа таҳлил қилинган, ҳадисларнинг бир нечтаси

1 Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар.-Т.: 1994. 332-бет.

ўқувчиларга ёд олиш учун берилади. Ёд олишга алоҳида эътибор бериш ҳадисларни ўқувчилар хотирасигагина эмас, балки қалбига ҳам бир умр миҳлаб қўяди.

Хуллас, бошланғич синф ўқувчиларига ҳадис сабоқларини сингдиришда уларнинг ёш психологияси, хотираси, қобилияти, умумий ўқув малакалари ҳисобга олинмоғи керак. Бундан ташқари дарсликдаги ҳадислар юқорида баён этилган дарс таҳлили асосида ташкил қилинса, мактаб адабий таълимида ўқувчиларнинг ҳадисларга бўлган қизиқиши ортиб, уларда эзгу ахлоқий фазилатлар таркиб топа бошлайди.

“Бошланғич синф ўқувчилари маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда ҳадислардан фойдаланиш” деб номланган боб юзасидан қуйидагича хулосаларга келинди:

1. Мактаб ўқувчиларига ҳадисларни ўрганишга доир дастлабки назарий билимлар сингдирилса, уларда ҳадисларни бошқа асарлардан фарқлаш кўникмаси юзага келади.

2. Ҳадисларни бошланғич синф ўқувчиларига ўргатишни ташкил қилишда уларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, руҳиятини ҳисобга олиб иш тутиш болалар ахлоқининг такомиллашишига олиб келади.

3. Ўқилган, ёд олинган ҳадисларнинг ўқувчилар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини аниқлашда анкета саволларидан фойдаланиб иш кўриш ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдиришда қўл келади.

4. Бошланғич синф болаларига ҳадислар эртак, масал, мақол, ҳикмат каби жанрларга қиёслаб ўрганилса, уларда ахлоқий сифатларнинг шаклланиши тезлашади.

5. Ҳадисларнинг ички маъноларини ўқувчилар онгига сингдиришда ҳадисларни ҳаётга яқинлаштириш болаларда яхши фазилатларнинг қатъий шаклланишига олиб келади.

## **III БОБ. УМУМИЙ ЎРТА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ**

### **3.1. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

Маънавиятимизнинг ёрқин юлдузларидан бири сифатида тан олинган муҳаддислар султони имом Исмоил ал-Бухорий ижоди ва фаолияти собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даврида кенг китобхонлар оммасидан бекитиб келинди. Асарлари жуда кўплаб мусулмон мамлакатларида машҳур бўлган бу алломани ўз юртида кўпчилик танимаган. Юртимиз мустақилликка эришгачгина буюк алломаларга бўлган эътибор кучайди. Бугунги мактаб ўқувчилари улуғ алломаларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўла бошлади.

Юртимиз истиқлолга эришгач, машҳур муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорийнинг ислом илм-фанига кўшган улкан ҳиссаси юксак баҳоланиб, олим дафн қилинган жой обод этилди. У ерда улкан мажмуа қад кўтариб, мусулмон дунёсининг йирик зиёратгоҳларидан бирига айланди. Алломанинг "Ал-жомий ас-саҳиҳ" ("Ишонарли тўплам") асари ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхада нашр қилинди.

"Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури"ида имом Исмоил ал-Бухорий ижоди умумтаълим мактабларининг "Ўқиш", "Одобнома", ҳамда "Адабиёт" дарсларида ўқитилиши кўзда тутилган. 3-синф "Одобнома" фани дастурининг X бўлими "Муҳаддис боболар" деб номланиб, унда Муҳаммад Пайғамбар, имом Исмоил ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийлар фаолиятини ўрганишга 3 соат вақт берилган. 3-синфнинг "Ўқиш китоби"да "Ҳадислардан нақллар" мавзуси берилган бўлиб, унга бир соат белгиланган. 4-синф учун мўлжалланган "Ўқиш китоби"нинг "Маънавият - қалб қуёши" бўлимида "Ҳадислардан намуналар" мавзуси

берилган бўлиб, унга 1 соат вақт ажратилган. 5-синф "Адабиёти" дарслик-мажмуасида имом ал-Бухорий ва унинг "Ал-жомий ас-саҳиҳ" асарини ўрганиш учун 3 соат вақт ажратилган. Бу вақт ичида турли ҳажмдаги ўн учта ҳадисни ўқиб ўрганиб, таҳлил қилиш керак бўлади.

Муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорий фаолияти бошланғич мактабнинг "Ўқиш", "Одобнома" дарсларидан маълум эканлиги сабабли ҳам 5-синф ўқувчилари аллома ижодининг ўзига хос томонларидан маълум даражада хабардор бўлганлар. Ўқитувчи шу танишликни ҳисобга олган ҳолда машғулоти олиб борса, ал-Бухорий ижодини ўрганишга бағишланган дарсинг самарадорлиги янада ортади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, муҳаддиснинг фаолияти юқори синфларда алоҳида ўрганилмайди. Шу сабаб бошланғич синфларда олинган маълумотларни 5-синфда яна такрорламаслик зарур. Такрорлаш ўрнида дарслик - мажмуада бўлмаган маълумотларни шу синфда болаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлган ҳолда сингдирмоқ лозим. Китобдаги маълумотларни эса, болалар уйда ўқиб олишади.

Ал-Бухорийнинг ҳаёти болалар учун илм олишга ундовчи, ҳақиқат, ростгўйлик, ҳалоллик каби сифатларини сингдирувчи ибрат мактаби ҳамдир. Адиб ўқувчиларни фақат тўплаган ҳадислари билангина эмас, балки жасорат ва мураккабликларга тўла ҳаёт йўли билан ҳам тарбиялайди.

Биринчи соатда 5-6 дақиқа мобайнида алломанинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот берилади. Шундан сўнг дарслик-мажмуада берилган ўн учта ҳадис билан танишишга киришилади. Ўқитувчи бу ҳадисларнинг барчасини бўлмаса-да, баъзиларини ёд олган бўлиши керак. Ҳадислар қироат билан ифодали ёд айтилгандагина ўқувчиларнинг қалбига етиб боради, болаларни ўзининг таъсир кучи билан ром қилади.

Ўқитувчининг ифодали ўқишидан кўра ёддан айтиши ўқувчига бир неча хисса кучли таъсир қилишини методист олим Қ. Йўлдошев шундай таъкидлайди: "Шеърни ўқитувчи аввал обдон тайёргарлик кўриб, сўнг синфда ўқиб бериши керак. Агар ёддан айтиб бера олса, ўқитувчи овозининг



бадий кудрати ўқувчи руҳиятига шундай таъсир қиладики, натижада уларнинг асарни ҳис қилиш даражалари бир неча марта ортади"<sup>1</sup>. Бундай усул нафақат шеърятнинг, балки насрнинг, хусусан, ҳадиси шарифнинг ўқувчиларга таъсир кучини оширишга ҳам ёрдам беради. Биринчи соатда китобдаги барча ҳадислар билан танишиб чиқишга улгуриш керак. Борди-ю, ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштириш мақсадида қироати яхши ўқувчиларнинг ўқиганини маъқул деб ҳисобласа, уларнинг бир неча кун аввал ҳадислар билан танишишларига эришиши лозим.

Давлат таълим стандартининг "Адабий таълимнинг умумий тавсифи" бўлимида шундай деб уқтирилади: "Адабий таълим учун тарбияланувчининг нутқ бойлиги, фасоҳат билан сўзлай олиши, фикрни равон ифодалаш малакасини эгалланганлиги, бадий асарни ёд билиши, ўрганган асарларни таҳлил қилиш салоҳияти, ўз ҳолича мақсад эмас, балки асосий мақсадга эришиш йўлидаги воситадир, холос".<sup>2</sup> Адабий таълимнинг асосий мақсади эса, маънавияти баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир. Шундай экан, ўқувчи баркамол шахс сифатида тарбияланишнинг муҳим воситаларидан бири саналган нутқ бойлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Ўқувчилар нутқининг кўнгилдагидек бўлишида имло ва тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Шундай матнлар борки, битта тиниш белгисининг ёзма нутқда қўйилиши ёки оғзаки нутқда мантиқий паузанинг бўлиши матндаги маънони бутунлай ўзгартириб юборади.

Сўзловчи оғзаки нутқ жараёнида ўрни билан қисқача тўхтаб, нафас олади ва ўпкаларини қайта ҳавога тўлдириб, нутқини давом эттиради. Нутқдаги бундай тўхташ ёзма нутқда бир қанча тиниш белгилари билан белгиланади. Муборак ҳадисларда икки нукта, вергул, қўштирноқ, ундов белгиси, тире, сўроқ белгилари бошқа жанрлардаги асарларга нисбатан кўп қўлланилган. Чунки ҳадислар муҳаддисга бир неча авлод орқали етиб келган

---

1 Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма.- Т.: "Ўқитувчи", 1997. 131-бет.

2 Таълим тараққиёти. 1999 йил.1- маҳсул сон. 144-бет.

ва қоидага кўра, унинг биринчи айтувчиси, кейин кимлар туфайли бизгача етиб келгани тўлиқ билдирилиши лозим. Бу ҳол уларда тиниш белгиларининг кўпроқ қўлланилишини тақозо этади.

Ҳадисларда юзага келадиган паузалар тиниш белгиларининг турига қараб қисқа ёки чўзиқ бўлиши ҳамда сўроқ, таъкид маъноларининг тиниш белгилари орқали ифодаланиши ўқитувчи томонидан ўқтирилса, уларни ўзлаштириш осонроқ кечади.

5-синфда ҳадисларларни ўргатишга бағишланган машғулотнинг иккинчи соати тўлиғича уларнинг таҳлилига бағишланади. Таҳлил фақат дарслик-мажмуадаги савол-топшириқлар асосидагина бўлиб қолмай, балки матннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитувчи кўшимча саволлар тузиши ва дарсни ўшалар асосида олиб бориши ҳам мумкин.

Дарслик-мажмуада келтирилган ҳадислар ҳажм ҳамда мавзу жиҳатидан хилма-хил. Дарслик-мажмуа муаллифлари бу ҳадисларнинг ҳар бирига унинг руҳини очиб беришга хизмат қилувчи сарлавҳалар қўйишган. Ҳадисларга **"Салом бериш ислом амалларидандир"**, **"Илму ҳикматни орзу қилмоқ"**, **"Яхши муомала қилинмоғига ким ҳақлидир?"**, **"Одам ота-онасини ҳақорат қилмайди"** каби ихчам сарлавҳалар қўйилганки, бу усул ўқувчиларга ўзлари ёқтирган ҳадисларни тезда топиш ва танлаш имкониятини беради.

Дарслик-мажмуадаги ҳадисларнинг барчасини бир хил усулда ўқиб-ўрганиш ҳар доим ҳам наф беравермайди. Шу боис олтинчи - **"Ота-онасига итоат қилган одамнинг дуоסי мустожаб бўлмоғи хусусида"** дейилган ҳадис олдиндан тўрт ўқувчи томонидан алоҳида тайёргарлик кўриш асосида ўқилиши ушбу ҳадиснинг таъсирчанлигини таъминлайди. Биринчи ўқувчи **"Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар"**; иккинчи ўқувчи **"Улардан бири"**; учинчи ўқувчи **"...уларнинг иккинчиси"**; тўртинчи ўқувчи **"...уларнинг учинчиси"** дейилган матнлардан бошлаб ўқимоғи мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар бу ҳадиснинг ғоясини очишга хизмат қилувчи савол-топшириққа

жавоб беришгач, уларнинг диққати "Салом бериш ислом амалларидандир" ҳадисига қаратилади.

**Саҳоба Аммор айтганлар: "Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукамал бўлғайдир:**

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ.<sup>1</sup>

Ушбу ҳадисдаги "иймон" сўзига ўқувчиларнинг эътибори қаратилиб, "иймон (арабча: ишонч, эътиқод) - ислом динида Яратганнинг ақидаларига: Оллоҳга, Муҳаммадга ва илоҳий ҳисобланган китобларга, тақдирга, охиратга ишониш"<sup>2</sup> маъноларини билдириши уқтирилади. Ўқувчилар "Ватанни севмоқ иймондандир" ҳадисини ўқиганларида ҳам бу сўзга дуч келишади.

Биринчи ҳадиснинг кейинги ҳадислардан оҳангдорлиги, сажъланиши билан ҳам фарқланишига ўқувчилар диққатини жалб қилиб "бўлмоқ", "бермоқ", "турмоқ" сўзларининг қофияланганлиги уқтирилади. Шунингдек, ушбу ҳадисдаги "барчага салом бермоқ" гапининг "таниган ва танимаганга салом бермоқлик" билан мазмунан бирлиги ҳам таъкидлаб ўтилади.

Юқоридаги ҳадисдаги "сарфлаётган бўлса - ўрганаётган бўлса" сўз бирикмаларида учратиш мумкинлигини, шеърлардаги каби такрор радифланиш тўртинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн иккинчи ҳадисларда мавжудлигини ва бу такрор сўз, сўз бирикмаси ҳамда гапларнинг маълум маънода бадийлик касб қилганлигини ўқувчиларнинг ўзлари аниқламоқлари керак. Ҳадислардаги сажъланган ва такрорланган ибораларнинг ўқувчилар томонидан аниқлаш осон кўчиши учун қуйидаги савол-топшириқлар ўқувчиларга ҳавола қилинади:

1. "Барчага салом бермоқ" гапига мазмунан ҳамоҳанг бўлиб кетган бирикмани аниқланг.

---

1 Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа.-Т.: "Ўқитувчи", 2000. 26-бет.

2 Усмонов М.А. Ислам. Справочник. -Тошкент, 1989. 133-бет.

2. Ҳадисларда такрор қўлланган сўзларни аниқланг ва нима учун такрорланганлиги сабабини айтинг.

3. Яхши муомала қилинмоғига уч бора ҳақли ким?

4. Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бир нечасини айтинг ва бу ҳақда фикр юритинг.

5. Ҳадислардан бирида уч бора такрорланган сўз бор, уни аниқлаб, бу такрор сўзларнинг қўлланиш сабабларини айтинг.

6. "Ё Расулуллоҳ, бизга ҳайвонлардан савоб тегадими?" - сўроғига жавоб топинг ва бу ҳақдаги фикрингизни баён қилинг.

Ўқитувчи бошқа ҳадислардан шакл ва мазмун жиҳатидан бир мунча мураккаб "Ота-онасига итоат қилган одамнинг дуоси мустожаб бўлмоғи хусусида" ҳадисига ўқувчилар диққатини қаратади. Бу ҳадис уч кишининг Оллоҳ таоло йўлида қилган уч хил солиҳ амали хусусида. Гарчи, уларнинг солиҳ амаллари турлича бўлса-да, бир мақсадга қаратилган. Буни уларнинг охирги гаплари "Эй парвардигор, агар билсанг, бу ишни сени юз хотир қилиб эрдим",<sup>1</sup> деб такрорлаганликларидан билиш мумкин. Ўқувчилар шу такрорларнинг қўйилиш сабаблари ҳақида ўйга толишсин. Таҳлил жараёнида ўқувчилар олдига яна шундай муаммолар қўйилсин: Оллоҳ таоло нима учун аввалига ғорнинг оғзини бироз, кейин каттароқ, сўнгра бутунлай очди? Бу саволга ўқувчилар жавоб беришгач, яна шундай савол қўйилади: Уч кишининг Оллоҳга илтижоси самимий эдими ёки ғор тутқунлигидан кутилиши учун шунчаки ўйлаб топилганмиди? Ўқувчиларнинг бу саволларга берган жавобларида иккиланишлар, нотўғри фикр юритишлар бўлса, ўқитувчи тўғрилашга шошилмай, тўғри жавобни болаларнинг ўзлари айтишларига йўл кўрсатсин, холос. Чунки бугунги педагогика адабиёт ўқитувчисининг билим берувчи эмас, балки билим олиш йўлларини кўрсатувчи бўлишини талаб этади.

---

1 Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа.-Т.: "Ўқитувчи", 2000.30-бет.

Ўқитувчи савол-топшириқлар асосида таҳлил қилишни давом этиб, ўқувчиларнинг диққатини "Инсонларнинг ҳайвонларга раҳмдиллик қилмоғи ҳақида" ги ҳадисга қаратади. Бешинчи синф болалари турли ҳайвонларга катта қизиқиш билан қарашади ва турлича муносабатда бўлишади. Бу ҳадис орқали ўқувчиларда фақат итга раҳмдиллик қилиш керак экан-да, деган тасаввурни ҳосил қилмай, балки барча ҳайвонларга яхшилик қилиш кераклиги уқтирилиши керак. Бунга эришмоқ учун ҳадисдаги: "Ҳар бир тирик жондан сизларга савоб теккусидир" жумласига урғу берилади.

Ҳадисда итнинг мисол тариқасида келтирилишида ҳам рамзий маъно бор. Қадимдан ота-боболаримиз итга ўзгача муносабатда бўлиб, уни вафо, садоқат рамзи сифатида билишган. Бир ривоятда келтирилишича, Баҳовуддин Нақшбанд йўлда итнинг изини кўриб қолади ва чўкка тушиб, ит оёқлари изини ўпиб йиғлайди: мана бу из садоқат, вафо рамзи! Сўфий: "Ана шу итдан сабоқ олиш керак",- дейди. Навоий "Лисонут-тайр" да ушбу ҳикояни келтириб, ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд тилидан қуйидагиларни баён қилади:

Деди: "Мен ортуқ эканму ё бу из?"

Ёна ўзи деди: "Ки эй инсофсиз,

Ул вафо аҳли оёғидин нишон.

Сен вафосизлик сари доман кашон".

Хатм қилди чу маъносига сўзин,

Ер ўпиб ул из уза қилди кўзин.<sup>1</sup>

Ўқувчиларда жонлиқлар ҳам ўзимиз сингари яратилардир деган тушунчани қарор топдиришда ўқитувчи шу каби кўшимча таълимий воситалардан фойдаланади. Ўшанда болалар тили бўлмагани билан

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Т.: Ёзувчи, 1996. 58-бет.

жониворлар ҳам худди одам сингари хусусиятларга эга ва уларни аяб-асраш лозимлигини англаб етадилар.

Ҳадисларни таҳлил қилишда энг муҳим дидактик тадбирлардан бири луғат устида ишлашдир. Бешинчи синф дарслик-мажмуасидан ўрин олган ҳадисларда бир нечта луғатталаб сўзлар бор. Бу сўзларнинг луғавий маъноларини ўқувчилар билмас экан, ҳар қанча ёд олишмасин, ҳадиснинг таъсир кучи катта бўлмайди. Ўқитувчи томонидан тайёрланган кўрсатмали курулда қуйидаги сўзлар луғати бўлмоғи керак:

Разияллоху анху - Оллоҳ ундан рози бўлсин.

Фатво - ҳукм, қарор.

Дўзах - гуноҳкор одам жазоланадиган жой.

Гуноҳ - инсоннинг илоҳий кўрсатмаларини бузиши, ножўя хатти-ҳаракати.

Қиёмат - дунёнинг тугаши.

Маҳр - никоҳга киргани учун келинга куёв ёки унинг ота-онаси томонидан бериладиган мулк.

Иймон - ишонч, эътиқод.<sup>1</sup>

Юқоридаги луғатталаб сўзларнинг ўрганилишида 1989 йили М. Усмонов таҳрири остида нашр қилинган "Ислом" китоби, 2005 йилда "Миллий энциклопедия" нашриётида чоп этилган "Ислом" энциклопедияси асосий манба вазифасини ўтайди. Иккинчи машғулот сўнгида "Салом бериш ислом амалларидандир", "Яхши муомала қилинмоғига ким ҳақлидир?", "Болага раҳмдиллик қилмоқ ҳақида", "Тавозе ҳақида" ҳадисларни ёдлаб келиш уйга топшириқ қилиб берилади. Ҳадислар ёд олинган тақдирда, унинг таъсир кучи ортади. Натижада, ҳадис ўқувчи маънавиятини юксалтириб, унда эзгу ахлоқий фазилатлар шаклланишига олиб келади. Адабиёт ўқитувчиси ҳадисларни ўргатишга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиб, вақтни тежаб қолса, иккинчи соатда улуғ муҳаддиснинг дарслик-мажмуага

---

<sup>1</sup> Усмонов М.А. Ислом. Справочник. – Т., 1989. 133-бет.

киритилмаган ҳадислардан бир нечтасини "Ал-жомий ас-саҳих" китобидан ўқиб бериши мумкин.

Ўқитувчи ўрганилган ҳадиси шариф бўйича иншо ёзишни режалаштирган бўлса, болалар "Ота-онага меҳр-муҳаббатли фарзанд", "Ҳадислар бизни яхши фазилатли бўлишга етаклар", "Ҳидоят сари" кўрсатувини кўриб", мавзуларидан бирида уй иншоси ёзишларини топшириқ қилиб беради. Бунда ўқувчиларнинг ҳадислар бўйича мустақил фикр юритишлари, мулоҳазалари алоҳида эътиборга олинмоғи керак.

Комил инсонни тарбиялаш масаласи ҳар доим ҳар қандай жамиятнинг биринчи галда ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларидан бўлиб келган. Юртимизнинг истиқлолга эришиши туфайли ёшларнинг таълим-тарбиясига бўлган эътибор янада кучайди. Асрлар давомида эъзозлаб келинган умуминсоний ва миллий қадриятларни ёшлар маънавиятига сингдиришга катта аҳамият берилмоқда. Чунки тараққий қилган жамиятни ҳар қандай инсонлар эмас, балки маънавий дунёси бой ўзида ҳалолликни, адолатни, инсоф, иймон, диёнат каби тушунчаларни мужассам қилган комил инсонларгина қура олади. Зеро, калом фалсафаси ҳам жамиятни ўзгартириш учун, энг аввало, инсонни ўзгартириш керак, деб ҳисоблайди. Инсонни ўзгартириш учун эса таълим-тарбия жараёнига миллий маънавиятимиз асоси бўлмиш ҳадисларни фаол киритиш зарур.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаби адабиёт дастурида ўқувчиларда эзгу умуминсоний ахлоқий сифатларни таркиб топтиришга хизмат қилувчи бадиий матнларни ўргатиш кўзда тутилган бўлиб, улар ўқувчилар ҳиссиётини тарбиялайди. Натижада, болаларнинг ахлоқ-одобида, хатти-ҳаракатларида ижобий жиҳатлар намоён бўла бошлайди. Бу ижобий фазилатларнинг ёшларда тезроқ ҳамда қатъийроқ қарор топишини таъминлаш учун бадиий адабиётда илгари сурилган эзгу ғояларнинг илдизини Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифдан изламоқ керак. Чунки уларда инсоний фазилатларнинг фойдаси ёки салбий қусурларнинг зарари ҳақида,

албатта, сўз боради. Шундай экан, умумий ўрта таълим мактабларининг ҳадисларни ўргатиш кўзда тутилмаган бошқа синф адабиёт дарсларида уларнинг тарбиявий имкониятларидан қандай қилиб фойдаланиш керак деган савол туғилади. Бизнингча, бу синфларда ҳадислар йил давомида ўрганиладиган бошқа асарлар муносабати билан, уларнинг бир-бирига мувофиқ келадиган жиҳатларни солиштириш йўли билан ўргатилмоғи лозим.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларига янги педагогик технологиялар шиддат билан жорий қилинмоқда. Жумладан, беш балли баҳо тизими ўрнига кўп балли рейтинг тизимида баҳолаш синаб кўрилмоқда. Рейтинг инглиз тилидан олинган сўз бўлиб, "йўналиш" деган маънони англатади. Ўқувчилар билими турли йўналишлар бўйича балл тизимида баҳоланади. Балл тизимида баҳолаш беш қисмдан иборат:

1. Ўқувчиларни дарс ва дарсдан ташқари ҳолатларда фаоллаштириш.
2. Ўқувчини кўпроқ ўқишга ундаш.
3. Ўқувчини ўз устида кўпроқ ишлашга жалб қилиш.
4. Ўқувчининг бир йил давомида ўрганиладиган дастур асосидаги мавзуларни ўзлаштиришини таъминлаш.
5. Ўқувчиларга чуқур билим беришга ўқитувчиларни жалб қилиш.

Ўқувчилар билимини аниқлаш - назорат қилиш бир неча шаклда амалга оширилади. Ўқувчилар билимини рейтинг назорат қилишнинг уч асосий тури бўлиб, булар қуйидагилар:

1. Кундалик назорат (чорак давомида).
2. Оралик назорат (чоракда 1-2 марта).
3. Яқуний назорат (йилда 1-2 марта).<sup>1</sup>

Ҳар бир машғулотда қўлланиладиган кундалик назорат бир неча бўлимдан иборат. Кундалик назоратнинг бир неча хилда амалга оширилиши ўқувчиларни зерикишдан сақлайди. Шунингдек, ўқувчилар-нинг ҳар бир

---

<sup>1</sup> Каримов Р.Х. ва бошқалар. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг тест-рейтинг технологияси. - Гулистон, 1998. 6-бет



машғулотга катта қизиқиш билан пухта тайёргарлик кўришини таъминлайди.

Кундалик назоратнинг турлари қуйидагилардан иборат:

1. Кундалик назоратнинг дарсда **сўраш** тури. Ўтилган ва янги мавзулар оғзаки-ёзма шаклларда сўралади. Энг юқори балл - 3 балл.

2. **Уй вазифасининг** назорати - 5 балл.

3. **Тест сўрови** - 5 балл. Кундалик назоратнинг бу тури учун бешта тест топшириғи тузилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун бир балл қўйилади.

4. **Тест синови** - 10 балл. Бунда ўнта тест топшириғи тузилиб, ҳар бир тўғри жавоб учун бир балл қўйилади.

5. **Ёзма иш** - 10 балл. Бунда ўқувчиларнинг мустақил фикр юритиши, хулоса чиқариши, гапларни тўғри туза олиши, тиниш белгиларини тўғри қўйиши ва шу асар юзасидан ўз таассуротларини ёзма баён қилишига эътибор қаратилади.

6. Кундалик назоратнинг **семинар** тури - 10 балл. Назоратнинг бу турида ўқувчининг мустақил фикр юритиши, ишнинг ижодийлиги ва мавзу мазмунининг ёритилишига эътибор қаратилади.

7. Кундалик назоратнинг **анжуман** тури - 5 балл. Бунда балл мавзунинг мазмуни, ўқувчининг мустақил фикр юритиши ва нутқининг равонлиги учун қўйилади.

8. Кундалик назоратнинг **реферат** тури - 15 балл. Назоратнинг бу турида, мавзунинг мазмун жиҳатдан бойлигига, адабиётлардан фойдаланишига, ижодийлиги ва ҳимоясига ҳамда эстетик жиҳозига аҳамият берилади.

9. Кундалик назоратнинг **баҳс-мунозара** тури - 15 балл. Савол-жавобларнинг аниқлиги - тўғрилиги, исботланганлиги, равонлиги, бадийлиги ва ўқувчининг фаоллигига эътибор берилади.

10. Кундалик назоратнинг **ахборот** тури - 3 балл. Кундалик назоратнинг бу турида мавзунинг ёритилишида кўрсатув, эшиттириш, газета-журнал

материалларидан фойдаланишга эътибор қаратилади. Бундан ташқари, мавзунинг долзарблигига аҳамият берилади.

11. **Ифодали ўқиш** - 3 балл. Назоратнинг бу турида ўқувчилар ифодали ўқишга, ўқиш тезлигига, тиниш белгиларига эътибор бериши ва нотиклик санъатига доир илк малакаларни эгаллаган бўлиши ҳисобга олинади.

12. **Қўшимча адабиётлар билан ишлаш** - 5 балл. Оғзаки ва ёзма шаклда амалга ошириладиган бу назорат турида жавобларнинг тўғрилиги, олинган кўчирмаларнинг мавзуга мослиги ва фойдаланилган адабиётларга ўқувчилар амал қилганликлари эътиборга олинади.

Умумтаълим мактабларининг 7-синфида Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидан олинган "Шоҳ Ғозий" ҳикояти берилган. Ушбу ҳикоятни тегишли ҳадис билан қиёсан ўрганиш яхши самара беради. Бунда мавзунинг кундалик назоратнинг саккизинчи тури - **реферат** шаклида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар реферат дарсининг шакл-мазмунини, тузилиши ва мақсадини англаб етган бўлишлари керак. Реферат лотинча сўздан олинган бўлиб, "ваъз айтаман", "маълум қиламан" маъноларини билдиради. Реферат бир ёки бир неча асар юзасидан ёзилади. Мазмун ва характерига кўра маърузага яқин туради.<sup>1</sup> Реферат ёзишда мавзунинг аниқлигига, режанинг пухталигига аҳамият қаратилади, шунингдек, керакли адабиётлар тавсия қилинади.

Рефератда ўқувчилар ўз фикрларини мисоллар орқали қисқа ва изчил баён қилади. Ўз хулоса ва қарашларини кўчирма ва мисоллар келтириш орқали исботлайди. Ўқувчилар рефератнинг жиҳозланишига ҳам эътибор беришлари лозим. Реферат "Ҳадис ва "Шоҳ Ғозий" ҳикоятида ҳалоллик ва адолатнинг улуғланиши" мавзусида бўлиб, бу мавзу бўйича амалга ошириладиган иш ўқувчиларга ўқув йилининг биринчи ойидаёқ маълум бўлади. Негаки, ўқувчилар йил давомида ўрганиладиган мавзулар ва бу

---

<sup>1</sup> Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. -Т.:1996. 88-бет.

мавзуларнинг қайси шаклда назорат қилинишини рейтинг тизимининг талабига асосан яхши билишлари керак.

Ўқувчиларнинг диққат-эътибори ҳикоятнинг матнига қаратилади. Унда Хусайн Бойқаро тахт учун курашиб юрган пайтларида жангларнинг бирида бир кампирнинг якка-ю ёлғиз ўғлининг ўлимига сабаб бўлгани ҳикоя қилинади. Кампирнинг бу оламда шу ўғлидан бўлак нарсаси йўқ ва шу боис жигаргўшасининг ҳалокатидан сўнг кампир бир оз телбанамо бўлиб қолган. Бойқаро тахтга чиқиб, кўп йиллар давомида юртга адолат билан ҳукмдорлик қилаётганида шу кампир султондан ўғлининг хунини даъво қилиб келади. Кампир ўз даъвосининг саройда эмас, қозихонада кўрилишини ва агар шоҳ адолатли бўлса, оддий бир фуқародай жавоб беришини талаб қилди. Султон аёлниги талабига кўниб, қозихонага келди. Қози кампирдан даъво асосли бўлиши учун икки тониги - гувоҳ талаб қилганда, кампир: "Агар икки тониги керак бўлса, подшонинг адолати билан инсофи иккови мениги гувоҳимдир",- деди. Чиндан ҳам адолатли ва инсофли бўлган подшо гарчи кампирнинг ўғлини қаерда, қайтарзда ўлдирганини эслай олмаса ҳам, урушда шунга ўхшаш ҳодиса бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ўзига қарши гувоҳликка ўтади ва кампирга ҳам қиличини, ҳам олтин тўла ёнчиғини ечиб беради: иста - ўғлингнинг қони эвазига бошимни уз, иста - ўғлингнинг ҳақини олтин билан ол.Бундай ҳалоллик ва адолатни кўрган кампир даъвосидан воз кечади.

Ўқувчилар ўз рефератларида ҳалоллик, инсоф ва адолат нима эканига тўхталиши керак. Дунёдаги барча мавжудотлар ичидаги энг мукаммали саналган инсон зоти борки, у умри давомида меҳнат қилади ва шу меҳнати туфайли ризқи-насибасини топиб, ҳаёт кечиради. Инсоннинг шу меҳнати эвазига бунёд бўлган нарсалари, мол-мулки, озиқ-овқати, бойлиги, тўғри йўл билан қилинган олди-сотти ишлари ҳалол ҳисобланади. Тирикчилик ўтказиш учун инсон турли касб-ҳунарлар билан машғул бўлади. Агар инсон бирор соҳа билан шуғулланмаса, унинг тирикчилиги ўтмайди. "Меҳнат"сиз ҳаёт

кечириш эса ўғрилиқ, юлғучлиқ ҳисобланиб, шу эгри йўллардан келган нарса-буюм, хатти-ҳаракатлар ҳаром ҳисобланади.

Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу сўзларнинг маъноси "Ислом" қўлланмасида шундай таърифланган: "Ҳалол - бу арабча сўз бўлиб, мусулмонлар учун руҳсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, шунингдек, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар".<sup>1</sup> "Ҳаром сўзи ҳам арабча сўз бўлиб, шариатда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, ишлар, шунингдек, ейиш ман қилинган озиқ-овқатлар".<sup>2</sup>

Мумтоз адабиёт намуналарида олдинга сурилган ғояларнинг илдизи кўпинча Қуръони карим оятлари ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларига бориб тақалади. "Шоҳ Ғозий" ҳикоятда илгари сурилган ҳалоллик ва адолат фазилатларининг илдизи ҳам ислом аҳкомларидан топилади. Қуръони карим "Бақара" сурасининг 172-173- ва 188-оятларида шундай марҳамат қилинади: "Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз - покиза нарсалардан енглар ва агар Оллоҳнинг ўзигагина ибодат қилғувчи бўлсангизлар, у зотга шуқр қилингиз! У сизларга фақатгина ўлакса, қонни, тўнғиз гўштини ва Оллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз! (яъни бир-бирингизнинг ҳаққингизни еманг!). Ва (гуноҳ қилаётганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!"<sup>3</sup> Ҳалол ва ҳаромнинг фарқини билишнинг ўзигагина кифоя қилмайди. Энди инсон зоти ҳалол саналган хатти-ҳаракатларга қатъий риоя қилиш ва ҳаром ҳисобланган хатти-ҳаракатларнинг "эшиқларини" ёпмоғи керак.

Тан ва қалбни тозалаш - поклаш ҳам ҳалоллик сари қўйилган қадамдир. Инсонда энг аввало, кўнгил поклиги бўлмоғи лозим, акс ҳолда таннинг поклиги ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Бу тушунчалар қадимда

---

1 Усмонов М.А. Ислом. Справочник. - Тошкент, 1989. 304-бет.

2 Усмонов М. А. Ислом. Справочник. - Тошкент, 1989. 307-бет.

3 Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992. 20-22 бетлар.

ҳам, бугун ҳам, келажакда ҳам ҳаётнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолаверади. Бу ҳақда Қ. Йўлдошев "Ўзликни таниш Оллоҳни танишдир" мақоласида шундай фикрларни баён қилади: "...вужуднинг тозалигини фақат гигиеник тушунча тарзида қабул қиладиган рус оиласида тарбия кўрган бола билан бадан поклигини аввало маънавий ҳолат, сўнг эса гигиеник тушунча деб билувчи ўзбек оиласида туғилган болага бир хилдаги қадриятлар тизимига таяниб тарбиявий таъсир кўрсатиш кутилган педагогик натижани берадими? Ўзбеклар, айтайлик, ювинганда, одатда баданни эмас, биринчи навбатда, кўнглини ювади, поклайди, ҳалол бўлишни кўзда тутди. Бир талай миллатлар борки, ювинганда фақат баданини ювади, холос. Демак, ўзбек учун маънавий қадрият бўлган фаолият кимлар учундир бор-йўғи бир гигиеник тадбирдир.

Ўзбек учун ҳалол ва ҳаром тушунчалари ҳаёт-мамот масаласидир. Бир талай миллатлар учун бу хилдаги маънавий мезон тушунарсиз. Албатта, бу - уларнинг айби эмас, эҳтимол, фожеасидир. Лекин нима бўлганда ҳам, ҳалол ва ҳаромни фақат тоза ёки нотоза тарзида тушунадиган улуслар анча".<sup>1</sup> Юқоридаги фикрдан шу нарса аён бўладики, инсон ўз аъзоларини чанг-ғубордангина тозаламасин, балки гигиеник покланиш билан бирга кўнглини ҳам поклай олсин. Бу покланиш ҳаром ҳисобланган хатти-ҳаракатлардан, ишлардан юз ўгиришга ундаб, ҳалоллик йўллариغا олиб чиқади. Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларидан бирида **"Таомнинг баракаси - ундан олдин ва кейин қўлни ювишдадир"**,<sup>2</sup> - деб марҳамат қиладилар. Ўқувчи бу ҳадиснинг маъносига бир ёклама ёндашса, яъни фақат вужудни поклаш деб тушунса, ички яширин маънодан бебаҳра қолади. Натижада, халқ тили билан айтганда, чала ювинади. Бола қўл билан бирга кўнглини ҳам юва олиш даражасига эришсин. Шунда истеъмол қилинган таом кишининг бутун вужудига ҳалол бўлиб сингади.

---

1 Йўлдошев Қ. Ўзликни таниш Оллоҳни танишдир. "Тафаккур". 1999. 5-сон.

2 Ҳожиаҳмад А. Жаннат калити. -Т.:1994. 13-бет.

Расули акрам саллоллоху алайҳи вассалам ўз ҳадисларида покликни - ҳалолликни шундай тарғиб қилганлар:

**Ҳаром нарсалардан сақланинг - одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг - одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг - тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг - саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш дилни ўлдиради.**

82-ҳадис: **Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.**<sup>1</sup>

174-ҳадис: **Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.**

206-ҳадис: **Эй, одамлар, Тангридан қўрқинглар, ризқларингизни яхши йўл билан топиб ейишга ҳаракат қилинглар. Ҳеч бир инсон ўз ризқу насибасини еб тугатмагунча оламдан ўтмайди.**

**Эртами, кечми, барибир унга ўз улуши келади. Шунинг учун тирикчиликни яхши йўлга қўйиб, ҳалолини олинглар, ҳаромини қўйинглар.**

280-ҳадис: **Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам равшан бўлди. Қайси нарса сени шубҳалантирса, уни қўйиб шубҳасизига ўтавер.**

279-ҳадис: **Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар буни билмайдилар. Кимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок сақлаган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Агар чўпон қўйларини заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхона каби таъқиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам таъқиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад**

---

<sup>1</sup> Ахлоқ–одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: 1990. 32-бет.

**хам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир.<sup>1</sup>**

**286-ҳадис: Ҳақингни хоҳ мукаммал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол!**

**372-ҳадис: Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир.**

**128-ҳадис:Топилган молнинг энг тозаси (покизаси-ҳалоли) кишининг пешона тери билан топилган мол ва беғирром ҳалол савдодан топилган пулдир.**

Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд ҳам ҳалолликни тарғиб қилиш билан бирга, умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб яшашга ҳаракат қилган. Нақшбанднинг фикрича, иймондан сўнг биринчи ўринда ҳалоллик туради. Ҳалолликка эришиш йўли меҳнатдир. Ҳалол меҳнат билан кун кечириш нафақат Нақшбанд ҳазратларининг, балки нақшбандия тариқатининг асосий қоидасига айланган.

Хожагонлик тариқатининг асосчиси Абдуҳолиқ Ғиждувоний ахлоқ-одобга оид бир неча қоидани ўз ўғлига насиҳат қилади. Шу панд-насиҳатларидан бирида: "...ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е...",- дея ҳалолликка чорлайди.

"Шоҳ Ғозий" ҳикоятига таққослаб ўрганилаётган ҳадисларнинг фақат маъно ва мазмун жиҳатдан боғлиқлиги ўрганилиб қолмай, бу ҳадисларда бадий тасвир воситаларининг қай даражада қўлланилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Масалан, 279-ҳадисда Тангрининг таъқиқлаб қўйган ҳаром нарсалари подшоҳларнинг таъқиқлаб қўйган қонун-қоидаларига қиёсланган. Бадий тасвир воситаларидан бўлмиш ўхшатишнинг қўшимча маъно ташишига **-дек** аффикси хизмат қилган. Шунингдек, "сақланса", "қолса", "бўлса", "бузилса" сўзлари шарт майлининг қўшимчаси **-са** ёрдамида сажъланган бўлиб, тўртала сўз ҳам феъл туркумига хоски, бундай ҳолат асосий фикрнинг ўқувчи онгига тезроқ етиб бориши ва мустаҳкам ўрнашиб

---

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. Солиҳ амаллар. -Т.:1998. 15-бет.

қолишини таъминлаган. Шу ҳадиснинг ўзида икки туркумга хос "соғломдир", "юрақдир" сўзлари - **дир** кесимлик қўшимчаси ёрдамида сажъланиб келган. Ҳадисда қўлланган юрак сўзи киши танасидаги ҳал қилувчи муча сифатида тилга олинган бўлиб, конкрет от билан ифодаланган бўлса-да, унинг замирида мавҳум от - кўнгил, қалб ётади. Негаки, инсон зоти ҳалолликни ҳам, динини ҳам, обрўсини ҳам юрагига эмас, энг аввало, кўнглига жойлай олади. Бутун вужудига ҳалолликни сингдирган инсонгина тилида ва амалда ўзининг инсоний фазилатларини намоён эта олади.

Ҳикоятда тарғиб қилинган инсоний фазилатлардан бири адолатдир. Бу сўз замирида софлик, ростгўйлик, ҳақиқатгўйлик фазилатлари жамланган. Одамзод ҳамиша адолатга интилиб келган. Адолат тантана қилган жойда халқ фаровон яшаган ва бу халқнинг қадди тик, руҳи эса баланд бўлган. Бундай элда кўркув-ҳадик бўлмаган. Адолат топталган жойда эса кўзбўямачилик, порахўрлик, ёвузлик, душманлик каби салбий қусурлар авж олган. Натижада, халқ разолатда қолган. Шу боис дунёвий илмда ҳам, диний илмда ҳам адолат тарғиб қилинган. Одамзоднинг яратганга иймон келтириши, ундан кўрқиши, унга итоат этиши, унинг ягоналигини тан олиши, Оллоҳга маъқул бўлган ишларни қилиши адолатдир.

Оллоҳга иймон келтирган киши одамлар ўртасидаги турли муносабатларни ҳал қилишда адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Адолатли киши ўзига раво кўрган нарсаларни барчага раво кўради. Бу ҳақда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида "Ла: йўъмину аҳадукум хатта йа ҳиббу ли-ахиҳи-ма: йа ҳиббу ли - нафсиҳ", яъни **"Қайси бирингиз ўзига раво кўрмагани биродарига раво кўрар экан, иймонли бўлмағай"**,<sup>1</sup>- деб марҳамат қилади.

Ҳазрат Алишер Навоий ушбу ҳадисга монанд ўзининг қуйидаги байтини битадикки, бу байт ҳадиснинг тарбиявий аҳамиятини янада оширган:

Мўмин эрмастур улки, иймондин

---

1 Навоий Алишер. Арбаъийн.-Т.: 1991. 20-бет.



Рўзғорида юз сафо кўргай.  
Токи, қардошиға раво кўрмас -  
Неким, ўз нафсиға раво кўргай.<sup>1</sup>

Ўқувчиларнинг адолат қимматини англаб етишишларига Арастуниги Искандарга адолат ҳақидаги айтган сўзларини келтириш ҳам ёрдам беради: "Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам, кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, Оллоҳ бандалари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл кўяди".<sup>2</sup> Кўринадики, адолат кишини комил инсон бўлишга олиб борувчи тўғри йўлдир. Ҳар бир кишининг шахс бўлиб шаклланиши учун унда адолат бўлмоғи керак.

Давлатнинг ободлиги, халқнинг тинч-тотувлиги, кишилар ҳаётининг фаровонлиги кўп жиҳатдан адолатли шоҳга, унинг атрофидаги мансабдорларга боғлиқлигини Алишер Навоий ўз даврида жуда яхши англаб етган ва ўзининг кўплаб асарларида тарғиб қилган: "**Ки адл ичра ўтганда бир соате Эрур беҳки, жинну башар тоате**". Байтнинг мазмуни шундай: "Адолат билан ўтган бир соат вақт бутун инсонлару жинлар ёхуд париларнинг биргаликда қилган тоат ибодатидан афзал".

Алишер Навоий томонидан бу байтнинг шеърӣй шаклда жилоланишига илҳом берган куч Расули Акрамнинг "Адли соат хайрун мин ибодати-с-сақлайн", яъни "**Адолат билан ўтган бир соат инсону жин хайлининг ибодатидан афзалдир**"<sup>3</sup> ҳадисидир.

Алишер Навоий бу билан адолат ҳақидаги фикрларга нукта қўймай, пайғамбаримиз ҳикматларига ўзига хос йўсинда бадийий жило беради: "**Қолур куфр аро қолса обод мулк, Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк**". Байтнинг

---

1 Навоий Алишер. Арбаъийн.-Т.: 1991. 7-бет.

2 Арасту. Ахлоқи кабир. "Мулоқот". 1998. 50-бет.

3 Ҳайитов Ш. А. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг манбалари ва ғоявий-бадийий таҳлили. Филология ф.н. дисс.автореферати. –Т., 1994. 14-бет.

бадий қиммати шундаки, шоир одатдаги қофияланиш билан чекланмай, яъни мисралар охиридаги "обод-барбод", "қолса-бўлса" сўзларининг қофияланишидан ташқари мисраларнинг бошида "қолур-бўлур" сўзларини ҳам маҳорат билан қофиялаштирганки, бу ҳол байтнинг оҳангдорлигини таъминлаган. Ёки буюк шоирнинг: **"Адл ила олам юзин обод қил, Хулқ ила одам элин шод қил"**<sup>1</sup> байти ўн икки сўздан иборат бўлиб, адл, хулқ сўзларидан ташқари барча сўзлар бадийлик касб этиб, санъаткорона тизилган. Мисралар бошида "ила-ила", мисралар охирида "қил-қил" сўзлари радиф бўлиб келиши, "обод-шод", "юзин -элин", шунингдек, "олам-одам" пароним сўзларнинг қофияланиши байтнинг жозибасини янада оширган. Бу байтларнинг бадииятини таъминлашда ҳазрат Навоийга Муҳаммад пайғамбаримизнинг юқорида келтирилган ҳадиси шарифи асос бўлгани, илҳом берганлиги, шубҳасиздир.

"Шоҳ Ғозий" ҳикоятидаги асосий масала саналган адолатнинг ҳам илдизи юқорида келтирилган ҳадисга бориб тақалади. Чунки адолатни ўзига касб қилиб олган Бойқаро ҳар қандай мушкул ишда тўғри йўлни тутади. Кишилар ўртасидаги адолатсизликка имкон қадар йўл қўймасликка уринади. Ўзининг адолату инсофи билан аламдийда кампирнинг розилигини олади. Зеро, Муҳаммад пайғамбаримизнинг шундай ҳадиси бор: **"Кишилар ўртасида низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқарадиганлар яхши одамлардир"**.<sup>2</sup> Бу ҳадиснинг мазмуни ҳикоятдаги адолатли подшо Ҳусайн Бойқаро хатти-ҳаракатида яққол ўз аксини топган.

Ҳикоятда илгари сурилган адолат ва унинг қарама-қаршиси бўлган адолатсизлик ҳамда унинг оқибатлари ҳақида фикр баён қилинган ҳадис ҳам борки, бу ҳадис ҳам болаларда адолатнинг шаклланишига хизмат қилади: **"Ўн киши ва ундан ортиқ одамларга бошлиқ бўлган киши қиёмат куни**

---

1 Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т., 1989. 190-бет.

2 Ахлоқ–одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: 1990. 48-бет, 148-ҳадис.

**икки қўли бўйнига боғлиқ ҳолда қўпгай. Агар у одил бўлган бўлса, адолати келиб қўлларини ечади. Бордию золим бўлган бўлса, зулми қўлларини маҳкамроқ боғлайди. Амалдорликнинг боши маломат, ўртаси надомат, охири қиёмат шармандалигидир".<sup>1</sup>**

Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассалам ўз ҳадисларидан бирида барча жабҳада, шу жумладан болаларга ҳам, мазлумларга ҳам адолат қилмоқлик кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади: **"Оллоҳ ризосин истар эсангиз, болаларингиз ҳаққида ҳам адолат қилингиз! Яна, мазлум кишининг дуосидан кофир ҳам бўлса сақландингиз! Чунки мазлумнинг дуоси доимо мақбулдир"**. Абдулла Авлоний шу ҳадис таъсирида ўзининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асаридаги бир пандни "Адолат" деб атайди. Адиб адолатга таъриф берар экан, адолатнинг яхши хулқлардан бири эканлигини, барча кишиларда бу фазилатнинг бўлиши миллатнинг, давлатнинг ривожланишини, унинг тараққий қилишини таъминлашини уқтириб шундай дейди: "Адолат яхши хулқларнинг фоили, зулмнинг муқобилидур. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулми хоҳламас ва жонли нарсаларга бекорга озор бермас. Ақл ва шариатга мувофиқ равишда ҳаракат қилур".<sup>2</sup> Авлоний ўзининг адолат ҳақидаги фикрларини қуйидаги байт билан яқунлайди:

Адл ўлса подшоҳнинг, оёғ остида палос,  
Бошингда бўлғусидур онинг тожи барқарор.  
Ғолиб бўлурга чиқса, агар енгидан қўли,  
Бўлғай насиб гарданиға ҳийладан тумор.<sup>3</sup>

Халқимизнинг узоқ ўтмишини тарих саҳифаларини варақлаб, шу нарсанинг гувоҳи бўлиш мумкинки, қайси бир даврда адолат ҳукм сурган бўлса, шу даврда мамлакат тараққиёти юксак, халқ ҳаёти фаровон бўлган.

1 Ахлоқ–одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: 1990. 132-бет.

2 Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: 1992. 38-бет.

3 Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: 1992. 39-бет.

Амир Темур ўз тузукларида ўн икки нарсани ўзига шиор қилиб салтанат мартабасига эришганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шу шиорнинг олтинчисида шундай дейилади: "Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим".<sup>1</sup>

Инсоний сифатлар ҳисобланган ҳалоллик, поклик, адолат каби яна кўплаб фазилатларни ўзларида мужассам этиб, комиллик сари интилаётган кишигина жамият тараққиётини белгилаши мумкин. Жамиятни ўзгартириш, яъни унинг фаровонлигини таъминлаш учун кишиларнинг маънавиятида ўзгариш ясалмоғи керак. Бундай ўзгаришни ўзида шакллантирадиган инсоннинг "...қалби безовта, туйғулари уйғоқ, ҳиссиёти бой, кечинмалари теран, Оллоҳни севадиган, ундан кўрқадиган, яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан фарқлайдиган, ўзи ва ўзганинг шахслигини, эркини қадрлайдиган фикри тиниқ, иймони бутун" бўлмоғи керак. Бундай сифатларни ўзида намоён қила оладиган комил инсонни тарбиялашда бой маънавий меросимиз ҳисобланган Қуръони карим ва ҳадисларни ёшларимиз онгига сингдириш катта самара беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 5-синф ўқувчилари икки соат давомида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий фаолияти қирраларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, унинг "Ал-адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари") номли китобидан жой олган ота-онага ҳурмат, одамларга яхшилик қилиш, раҳм-шафқатли, иймон-эътиқодли бўлиш, дўстларга садоқатли бўлиш каби мавзулардаги ҳадислари билан яқиндан танишади. Ўқитувчи ҳадисларни ўқитишда шунчаки одоб-ахлоқ ўғитлари

---

<sup>1</sup> Йўлдошев Қ. Янгиланган педогогик тафаккур ва умунтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. – Т.: 1997. 27-бет.

тарзида ёндашмай, таҳлилнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиб, дарсни ташкил қила билса, ҳадислар ўқувчилар қалбидан мустаҳкам жой олади.

7-синфда "Шоҳ Ғозий" ҳикоятини ўргатиш ҳадиси шариф билан мувозий равишда рейтинг тизими усулида ташкил қилинганда бир қатор ижобий силжишлар кўзга ташланди: ўқувчилар дарс ва дарсдан ташқари вақтларда фаоллашди, мавзуни ўрганишда фақат шу мавзу билан чегараланиб қолмай унга яқин бўлган манбаларни ўрганишди, ўз устида кўпроқ ишлашга одатланишди. Шунингдек, ўқувчиларнинг оғзаки-ёзма нутқлари яхшиланди, мустақил фикр юритиш, хулоса чиқариш, берилган тест сўрови, синов топшириқларига тўғри жавоб бериш каби бир қатор ижобий силжишлар дарс таҳлили натижасида аниқланди.

Ўқувчилар ҳадислар ҳақида назарий маълумотларга эга бўлишгач, уларда ҳадис, муҳаддис, саҳих, ҳадисларда муаллиф гапи, ҳадислардаги сажъланиш, улардаги яширин маъноларни англаш, ҳадисларнинг халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар билан боғлиқлигини англаб етиш, ҳадислар таъсирида пайдо бўлган асарларни аниқлаш каби кўникмалар пайдо бўлиб, натижада ўқувчиларнинг маънавияти шаклланиб боради.

### 3.2. ЎҚУВЧИЛАР АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОШҚА МАТНЛАР ОРАСИДА КЕЛАДИГАН ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари 5-синф учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслигида “Ҳикмат дурдоналари”, “Эртақларнинг сеҳрли олами”, “Афсоналар садоси”, “Мумтоз адабиётга саёҳат”, “Болаликнинг беғубор олами” ҳамда “Ватанни севмоқ иймондандир” рукнлари таркибига кирган бир қатор сара санъат асарлари билан ошно бўлишади.

5-синф болалари имом Ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишади ва ҳадислардан намуналар ўқийдилар ҳамда ёд олади. Ҳадислар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган бу ёшдаги болалар бу малакани янада такомиллаштиришлари зарур. Бунинг учун ўқитувчи бошқа матнлар орасида қўллаш мумкин бўлган ҳадисларни ўрганишга киришишни режалаштиради. Яъни ўзи алоҳида ҳадис эмас-у, аммо йўл-йўлакай ҳадисдан фойдаланилган, ёки шу муносабат билан ҳадисни қўлласа бўладиган матнларни кўзда тутиши керак. Бундай асарлар ўзбек адабиётида талайгина. Чунки маънавиятимиз шулар асосида асрлар давомида шаклланиб келмоқда. Бундай асарлар сирасига Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам”, Миртемирнинг “Онагинам”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” каби асарларини киритса бўлади.

Ота-она ва фарзанд орасидаги муносабат масаласи 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт”(Дарслик муаллифлари Наим Каримов, Умарали Норматов) дарслигида, хусусан, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси мисолида ҳам келтирилган.

Ўқитувчи ўқувчилар диққатини энг аввало “Дунёнинг ишлари” қиссаси тўғрисида сарлавҳали матнга қаратади: “Дунёнинг ишлари” асарини қисса эмас, дoston деб аташни истардим,- дейди Саид Аҳмад.– Қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдидаги бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли

биттасини уза олдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга қадрлашга, хурмат қилишга чақиради”.<sup>1</sup>

Қиссада она билан бола ўртасидаги муносабатлар ифода қилинган ўринлар талайгина. Қай бир воқеага қулоқ тутмайлик она ўзи учун эмас фарзандлари учун яшаётганлигини ҳис қиламиз. Она фарзандининг омонлиги учун ҳар қандай машаққатдан қайтмайди: “Терлаб туриб муз едим. Кечқурун иситма кўтарилди. Қув-қув йўталаман. Ойим томоғимни аччиқтош билан чайиб кўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади. Охири томоғим хиппа бўғиб кўйди. Оғриқни сезмайман-у, нафас олишга қийналаман. Хушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулоғим остида онамнинг чирқиллаб йиғлагани, ҳадеб бир гапни қайтараётгани эшитилади:

- Вой, энди нима қиламан! Вой, болам ўлиб қолади!

Кейин шоша-пиша кўрпачага ўради. Бир маҳал онамнинг кўлида кетаётганим эсимда бор. Гупиллатиб қор ёғаётганини ҳис этиб турардим-у, бироқ юзимга қор тушмас эди. Онамнинг иссиқ нафаси урулиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир хансирар эди.

Хира чироқ милтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоранғилашиб кетди. Ойим ўамон чирқиллайди:

- Ўлиб қолади! Болагинам ўлиб қолади!

- Ваҳима қилманг, пошша, дардни берган худо давосиниям беради.

Бу Ҳожи бувининг овози эканини ғира-шира идрок этдим.

Ҳожи буви бошимни тиззасига кўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тикди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо Ҳожи бувининг кўлидан чиқиб кетолмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб кўлини тишлаб олдим. Қизиқ, бир пасдан кейин аҳволим енгиллашди. Кўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди. Ҳожи

---

1 Наим Каримов, Умарали Норматов. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. Т. 2003. 186-бет.

буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қаради-ю бирдан хитоб қилди.

- Вой, пошша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарар эди.

- Оёғингиздан айрилибсиз-ку! – деди Ҳожи буви бошини чайқаб. -

Шу аҳволда қандақ келдингиз?

Кавшандозда турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишнинг ичи қорга тўла эди.

- Сарпойчанг келавердингизми?!– деди Ҳожи буви ҳамон ўша ваҳимали оҳангда. – Энди нима қиламиз? Қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлок бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Икала оёғи қип-қизил гўшт бўлиб кетган эди.

- Совуқ егани йўқ,- деди секин. – Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан. Ҳожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

- Сезаяпсизми?

- Нимани? – деди ойим оёғига эмас, менга қараб

- Қўлимни сезаяпсизми?

Ойим индамай бош чайқади-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.

... Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам бир ёқдан қарға отиб келди. Ҳожи буви қўлидан келганча дори-дармон қилди... Кейин ойим тузалди. Бироқ, салқин тушиши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди...<sup>1</sup>

Эслаш ҳамда таҳлил учун ўн иккита савол ва топшириқлар берилган Бу савол ва топшириқларга қуйидаги тартибда қўшимчалар қилинса, бу қиссининг таъсир кучи янада ортади:

1. Она, уни ҳурмат қилиш, унга эҳтиром кўрсатишга ундовчи қандай ҳадисларни биласиз?

---

1 Наим Каримов, Умарали Норматов. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. Т. 2003. - 190-191-бетлар.



2. Ўзингиз ўқиган, билган ҳадисларни қисса мазмунига қиёсланг ҳамда фикрингизни баён қилинг.

Ўқувчилар бу савол ва топшириқларга жавоб беришда қийналса, ўқитувчи кўмак беришга киришади.

Оллоҳ таоло Қуръони Каримнинг “Ал-Исро” сурасининг 23-24-оятларида шундай деб амр этади: **“(Эй, инсон), Парвардигорингиз сизларга ёлғиз Унинг ўзи ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар у икковидан бири ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “уф” тортма ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва : “Парвардигорим, мени (улар) гўдакли чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин”, деб ҳақларига дуо қил!”<sup>1</sup>**

Ҳадисларда айтилишича, солиҳ фарзанднинг ота-онаси ҳақиқа қилган дуоси ҳам Тангри ҳузурида қабул бўлади.

Ибн Аббос (р.а.) айтганлар: **“Уч оят уч нарсага боғлиқ бўлиб тушган. Уларнинг бири шеригисиз қабул қилинмайди.**

**Биринчиси: “Эй, мўминлар, Оллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз!” (“Муҳаммад” сураси, 33-оят). Кимки Оллоҳга итоат этса-ю, Расулulloҳ (с.а.в.)га итоат этмаса, бу қабул қилинмайди.**

**Иккинчиси: “Намозни адо қилинглр ва закот беринглр!” (“Бақара” сураси, 43-оят). Кимки, намоз ўқиса-ю, закот бермаса қабул қилинмайди.**

**Учинчиси: “Сен Менга ва ота-онангга шукур қил!” (“Луқмон” сураси, 14-оят). Кимки Оллоҳга шукур қилса-ю, ота-онасига шукур қилмаса, қабул қилинмайди”.**

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992.-197-бет.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): “Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди”, дедилар. Шунда бир киши: “Агарда ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак?” деб сўради. Абдуллоҳ: Агар улар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак, дедилар. Бас, шундай экан, сизнинг жаннатингиз ҳам, дўзахингиз ҳам волидангиз ва падарингиз қўлидалигини унутманг”.<sup>1</sup>

5-синф болалари Алишер Навоийнинг кексалик даврида ёзилган ва мумтоз адабиётимизнинг чўққиси ҳисобланган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асари билан яқиндан танишади. Бу асарни ўқиб, ҳикматли сўзлар ва ибратли воқеалардан иборат асар эканлигини англаб етадилар. Ўқувчилар асардан келтирилган “Тавозе ва одоб тўғрисида” ҳамда “Саҳоват ва ҳиммат тўғрисида” деб номланган бобларни қизиқиб ўқиб чиқадилар. Ўқиб чиқиб Мудбирнинг такаббурлиги, Муқбилнинг тавозели ва одобли эканлигини англаб етади. Ўқувчиларнинг онгида “...олий - ҳиммат одам баландпарвоз лочиндир; беҳиммат киши сичқон овловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани шохнинг билагидир; калхатнинг жойи ўлимтикнинг сассиқ бадан ива сўнгагидир. Исроф қилиш саҳийлик эмас; ўринсиз созуришни ақлли одамлар саҳийлик демас. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у пасткаш, саҳий эмас. Тилагандан сўнг беришлик ҳам саҳоватдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан бермаган яхшироқдир. Бита кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни саҳий дўст, деб бил. Тил билан дил инсондаги энг яхши аъзолардир. Чучик тил аччиқа айланса, кўпчиликка зарари етади” каби ҳикматли сўзларнинг таъсир кучини ошириш учун, ўқитувчи мазмунан ҳамоҳанг бўлган қуйидаги ҳадисларни тавсия

---

1 Саида. Ота-онанг – жаннатинг. Ҳордиқ 2006 й. №47 195-сон, 17-бет.

қилади: **Яхши одам билан ўтириш гўё мушку анбардек, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқони кабидир.**

**Мушку анбари бор кишидан хушбўй ҳид таралади, сен ундан уни сотиб олишинг ёки хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин.**

**Ҳайру эҳсонни бечораҳолга беришлик – садақа ҳисобланса, уни қариндошга беришлик – ҳам садақа, ҳам мурувватдир.<sup>1</sup>**

**Барча бало – тилдандир.<sup>2</sup>**

Алишер Навоий “Махбуб ул қулуб” асаида инсонлар учун зарур бўлган эзгу фазилятлар тўғрисида, уларга ёт бўлган қусурлар ҳақида ҳамда турли соҳа кишилари тўғрисида алоҳида тўхталади. Хусусан, ушбу асарда деҳқончилик соҳасида тўхталиб, шундай дейди: “Оламнинг ободлиги деҳқонлардан: меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат – элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам баракат. Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон сочади, ҳар бир донни етти юзга етказди. Сочган дони кўкаргунча, уни ўриб, хирмон қилиб ҳосил кўтаргунча қурт-қушлар ундан баҳраманд, дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумолилар уйи ундан обод: гур(ёввойи эшак) деган ҳайвонларнинг кўнгли ундан шод. Кабутарлар мастлиги-ю, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан”.<sup>3</sup>

Деҳқончилик мавзуси ҳадиси шарифдан ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган бўлиб, унда бу соҳанинг жамият тараққиётида муҳим ўрни борлиги таъкидланади: **“Деҳқончилик қилинлар, чунки деҳқончилик баракали ишдир. Деҳқончиликни кўриқловчи соқчиларни кўпайтиринлар”.**<sup>4</sup> Ушбу ҳадис, айниқса, деҳқончиликка эътибор қратилаётган бугунги кунда жуда аҳамиятлидир. Ҳадисда бу ишга сидқидиллик билан

---

1 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 61-бет.

2 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990.- 68-бет.

3 Алишер Навоий. Махбуб ул-қулқб. – Т.: 1983. 37-бет.

4 Юз бир ҳадис. – Т.: 1991. 6-бет

киришишга даъват қилинган. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни талон-тарож қилмасликка ундаган.

Ўқувчилар Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясини ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиқишади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини ҳикоядаги қуйидаги матнларга қаратади: Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга ката онам – онамнинг оналари Роқиябиби келиб турибдими.

- Нималарнинг хаёлини сурадим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайманда, болам. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн бешга ўтди... . Қайси бурчакка, қайси чор деворга бош сукманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: “Амаки нон Беринг”, дейди. ... Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. ... Худонинг ғашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди.

- Йўқ, йўғе, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна ката оилалар жам бўлади. Ҳатто, бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин.

Асарни эслаш ва таҳлил қилиш учун ўн икки савол-топшириқ берилган. Ўқувчиларнинг жавобидан сўнг ўқитувчи қуйидаги ҳадисларни уларнинг дафтарига ёздирди:

**“Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман”.<sup>1</sup>**

**“Қаровсиз қолган мўминлар оилаларига кечаю кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юривчи одамларнинг гуноҳларини Тангри кечириб юборади”, “Уйларнинг энг яхши етимлар яшайдиган уйдир”.<sup>2</sup>**

Ҳикоядаги воқеаларга мазмунан ҳамоҳанг бўлган бу ҳадислар ўқувчиларни мустақил фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Натижада, бу

---

1 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. 56-бет.

2 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. 152-бет.

ҳадисларда илгари сурилган инсонпарварлик, етимпарварлик, меҳр-оқибат каби ҳис-туйғулар ўқувчиларда шакллана боради.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари 6-синфда “Бола – учқур ҳаёл соҳиби”, “Кечаги кун - сабоқ”, “Сўзда ҳикмат бор”, “Туйғуларнинг капалак ранги” каби рукнлар таркибидан жой олган бир қатор жанрлардаги бадиий матнлар билан танишиб чиқади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг 5-синфда ўқиган, ёд олган ҳадисларнинг нутилиб кетмаслигин таъминлаш мақсадида ўрганиладиган матнларнинг мазмунига мос бўлган ҳадисларни тавсия қилади. Хусусан, Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” асаарида шундай матн мавжуд:

- Ол ўзинг ҳам, - деди у томирлари бўртиб чиққан қўллари билан сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақамиди, йўқмиди, эслай олмади.

Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини асарнинг кейинги ўринларида келган куйидаги матнга қаратади:

- Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан уникқан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш кулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг кулупнай юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди.<sup>1</sup>

Ўқитувчи шу икки матндаги ўхшаш сўз бирикмасини топиб Шоикромнинг онггида кечаётган ўй-хаёлларини мулоҳаза қилишга ундайди. Шундан сўнг ушбу ҳадисни ўқишга тавсия қилади.

**Гуноҳидан тавба қилувчи киши гуноҳсиз одам билан баробардир.<sup>2</sup>**

**Жаннат оналар оёғи остидадир.<sup>3</sup>**

1 С.Аҳмедов. ва бошқалар. Адабиёт. 6-синф учун дарслик. – Т.: “Маънавият”, 2005. 165-бет.

2 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 70 бет.

3 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 81 бет.

Адабиёт фанидан 7-синф ўқувчилари “Кўзим қорасидасан, Ватан!”, “Ўйларимнинг чексиз осмони”, “Муқаддас туйғунинг жилваси”, “Сўз – ҳикмат, сўз қурол”, “Ҳақиқатдир менинг юлдузим” рукнларига жамланган мумтоз адабиёт намуналари, жаҳон адабиётининг сара асарлари, XX аср ҳамда ҳозирги замон адабиётининг вакиллари ижодидан баҳраманд бўладилар. Бу асарларнинг барчасига ҳадисларни сингдириб бўлмайди. Ўқитувчи ўқилган асарларнинг мавзусига қараб ҳадисларни тавсия қилади.

Миртемирнинг “Онагинам” шеъри савол ва топшириқлар асосида таҳлил қилинган, “Менинг онам” мавзусида иншо ёзишга тайёргарлик кўришади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф учун Адабиёт дарслик-мажмуа Султонмурод Олим ва бошқалар томонидан яратилган. Бу дарслик-мажмуа “Халқ оғзаки ижоди”, “Ўзбек адабиёти тарихидан”, “XX аср ўзбек адабиётидан”, “Жаҳон адабиётидан” рукнларидан иборат. Бу рукнлар таркибидан ўрин олган адиблар, уларнинг ижод намуналарининг барчасида ҳам ҳадислардан фойдаланиш имконияти йўқ. Аммо, Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунийнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) достонидан парчани ўрганишда, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” тарихий фожиадан лавҳаларни ўқиш-ўрганиш жараёнида ҳадисларни қўлласа бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунийнинг “Қутадғу билиг” достонида куйидаги ўғитлар мавжуд:

Халқнинг беги етук, сара бўлиши керак,  
Кўнгли ва тили эзгу, хушфеъл бўлиши керак.

Билим, уқувли, халқнинг бахти,  
Сахий ҳам кўзи ва кўнгли тўқ бўлиши керак.

Турли яхшиликлар қилишга қўли узун бўлса,  
Андишали, хушрўй ва тўғри иш қилувчи бўлса.

Билим билан бошланар кишилик боши,  
Ақл билан қилса ўнглолар иши.<sup>1</sup>

Ёки:

Кўзи оч киши мол-дунё билан бўлмас бой,  
Дунёнинг бойлигин деса-да, ооч чиққай.

Саҳий бўл, бағишла, ичир ҳам едир,  
Агар камайса яна йиғ, Яна ол едир.

Май ичма, майпараст-бўғзининг қули,  
Май ичсанг, очилар гадолик йўли<sup>2</sup>.

Ўқитувчи бу ўғитларнинг таъсир кучини оширишда қуйидаги ҳадислардан фойдаланади:

**Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади<sup>3</sup>.**

**Қалб доимо ўзгариб туриши сабабли қалб деб аталган. Гўёки у саҳродаги бир шохчага илиниб қолиб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилаётган барг кабидир.<sup>4</sup>**

**Яхшиликни чехралари очик, хушрўй одамлардан кутинглар.<sup>5</sup>**

**Инсонга бир водий тўла молу дунё берилса, у иккинчи водийнинг берилишини хоҳлайди. Иккинчисидан кейин учинчисини ва ҳақозо, унинг нафси тўймайди. Инсоннинг кўзини фақат тупроқ (қабр тупроғи) тўйдиради. Кимки тавба қилса, Тангри уни кечиради.<sup>6</sup>**

---

1 Султонмурод Олим ва бошқалар. Адабиёт дарслик –мажмуа. 8-синф учун. Т.: 2006, 59-бет

2 Султонмурод Олим ва бошқалар. Адабиёт дарслик –мажмуа. 8-синф учун. Т.: 2006, 70-бет

3 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 68 бет.

4 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 54 бет.

5 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 122 бет.

6 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990. – 122 бет.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари “Адабиёт” дарслик мажмуада халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи, янги ўзбек адабиёти ҳамда жаҳон адабиёти рукнларига жамланган асарларни мутолаа қилишади. Бу дарслик-мажмуанинг куйроқ синфлардаги дарслик-мажмуалардан фарқли томонларидан бири шундаки, ўқувчилар бевосита ҳадис иштирок этган асарлар ва уларга тегишли назарий маълумотлар билан танишади.

Умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфида "Қисас ар-Рабғузий" асаридан олинган бир неча парча ўрганилади. Ана шу парчалардан бири Муҳаммад пайғамбарнинг ўз вафоти олдидан айтган сўзлари акс этган қиссадир. Ўқитувчи шу мавзунини ўқишда Рабғузий асарида тасвирланган ҳолатлар аслида Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари эканига ўқувчилар эътиборини алоҳида тортиши керак. Шунда дарснинг тарбиявий таъсир даражаси бир қадар ортади.

“Расул алайҳиссалом вафоти сўзлари” матни ўқиб, таҳлил қилишга ўқитувчи жуда пухта, алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўриши керак. Чунки мазкур машғулотда инсониятнинг яралишига сабаб бўлган зот, оламларга раҳмат бўлиб келган, башариятга қиёматгача намуна, ибрат ва комиллик тимсоли бўлмиш сўнгги элчи Муҳаммад алайҳиссалом сиймоси талқин қилинади. Матнни ўрганишда ундаги лавҳалар, пайғамбарнинг таъриф-тавсифлари, ибратли панд-насиҳатлар алоҳида ажратиб олиниб таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Аввало пайғамбар (а.с.)нинг саҳобаларга қарата **“Эй мўминлар, ким эрсанинг маним уза ҳеч даъвоси ва хусумати борму?”**- дея уч бор сўровига саҳоба Укошанинг даъвоси билан боғлиқ лавҳа таҳлил қилинади. Ўқитувчи лавҳадаги ҳар бир жумла, диалогни ўқиб, шарҳлаши керак. Сухбат, мунозара тарзида таҳлил қилинган, ундан келиб чиқадиган куйидаги хулосалар билан ўқувчилар ибратланишлари керак:



1. Инсоннинг бошқа бир одам олдида на моддий, на маънавий ва на жисмоний ҳақи қолмаслиги керак. Ҳар қандай ҳолатда киши даъвогарнинг (агар у ҳақ бўлса), ҳақини адо этиши лозим. Бу **адолатдан** бўлади.

2. Муҳаммад (а.с.) пайғамбар энг олий мартабадаги одам эди. Шундай бўлса-да, ўзига қилинган даъвони қондиришдан бўйин товламади. Демак, ҳатто пайғамбар ўз уммати, ҳукмдор ўз фуқаросининг қилган даъвосидан фориғ бўлолмас экан, қолган инсонлар бир-бирларини рози қилиб яшашлари шарт. Бу **тенглик** рамзи эди.

3. Даъво қилинаётган одамнинг ўзи турганда, бошқаларнинг у учун омонатни адо этишлари мумкин бўлмас экан. Бу ҳукмдаги ижронинг **ҳақиқат** тамойилига асосланганлигидир.

Бизнингча, бу лавҳадан сўнг қуйидаги насихат шарҳланиши керак: **“Айди: “Эй ёронларим, азиз дўстларим, ул келган Малак ул-мавт - қариндошим Азроил эрди. Ўш қариндошим Жаброилма ҳозир турур, манга сўзлаюр: Умматингга салом тегургил, бўғуз учун имонни иликдин чиқармасунлар теб. Шайтонни, нафс-у хавони изармасунлар, шак ва шарика инсунлар. Кўни имонға берк япушсунлар, ўлумни унутмасунлар. Ҳикд ва ҳасаддин ироқ турсунлар, шарийат аҳкомини берк тутсунлар. Дунёга кўнгул боғламасунлар, Тенгри аzza ва жала ёрлиқин оғирласунлар. Ўғил-қизқа ош, этмак отаси бўлмасунлар - дини ислом отаси бўлсунлар. Ёвуз эш-қўлдошдин йиғилсунлар. Беш намозни азоқин тутсунлар. Қул, кунгни эзгу тутсунлар, дарвишларга раҳм қилсунлар. Ўгсузларга шафқат қилсунлар, қазғулуғ мунглуғларқа бўлушсунлар. Ўлумга ануқ турсунлар, қиёмат ишин битурсунлар тею турур”,- теди”.**

Парчадаги ҳар бир ибратли жумла тўққизинчи синф ўқувчиларининг ўзаро суҳбат ва мунозараси ёрдамида изоҳланса, асарнинг мазмунигина ўзлаштириб қолинмай, балки ундаги ахлоқий ғоя болалар табиатига сингдирилади ҳам:

1. “... бўғуз учун имонни иликдин чиқармасунлар”, яъни нафсга берилиб, Ҳақни, адолатни, инсонийликни унутмасинлар.
2. “Шайтонни, нафс-у ҳавони изармасунлар”, яъни шайтоний ўй-хаёллар, истакларнинг, ҳавасларнинг домига тушиб, тубанлашмасинлар.
3. “Шак ва шарика инсунлар” яъни, жамиятда одамлар орасига нифок солувчи, шариатда ихтилофга сабаб бўлувчи турли фасод қарашлардан йироқ бўлсинлар.
4. “Кўни имонга берк япушсунлар”, яъни тоза исломий таълимотга эргашиб, иймоннинг тўғри йўлини танласинлар.
5. “Ўлимни унутмасинлар”, яъни охиратни ёдда тутсинлар.
6. “Ҳикд ва ҳасаддин ироқ турсунлар”, яъни гина ва ҳасаддан йироқ туриб, ўзаро кечиримлилик ҳамда ҳавас билан яшашни шиор этсинлар.
7. “...шариъат аҳкомини берк тутсунлар”, яъни дин буюрган олижаноб амалларни оғишмай бажарсинлар.
8. “Дунёга кўнгул боғламасунлар”, яъни мол-дунё тўплаш билан овора бўлиб кетиб, маънавиятни унутмасинлар.
9. “Тенгри азза ва жалла ёрлиқин оғирласунлар”, яъни Оллоҳ таолонинг адолат, тенглик, поклик, меҳр ва ҳақиқатдан иборат бўлган чақириғига жон-дили билан киришсинлар.
10. “Ўғил-қизқа ош, этмак отаси бўлмасунлар - дини ислом отаси бўлсунлар”, яъни фарзандларни фақат моддий таъминлаш билан уларнинг тарбияси битмайди. Дин – бу илм демакдир. Ўғил-қизларни икки дунё саодатига элтувчи илмлар билан вояга етказсинлар.
11. “Ёвуз эш-қўлдошдин йиғилсунлар” – маънавий тубан, жоҳил одамларга йўлдош бўлишдан қочсинлар, чунки улар разолатга, адашишга олиб боради.
12. “Беш намозни азоқин тутсунлар” – Тангри амрига, фарзга бўйсуниб, буюрилган намозни адо қилсинлар.

13. **“Қул, кунгни эзгу тутсунлар, дарвишларга раҳм қилсунлар. Ўгсузларга шафқат қилсунлар, қазғулуғ мунглуғларқа бўлушсунлар”** – меҳрли, мурувватли, сахий, шафқатли бўлиб, қул ва хизматчиларига яхши қарасинлар, муҳтож ва ожизларга қайишсинлар.

14. **“Ўлумга ануқ турсунлар, қиёмат ишин битурсунлар”** – ўлимни унутмаган одам эзгу ишларни қўймайди, ўзидан яхши ном қолдиришга интилади.

Шу тариқа ўқитувчи ўқувчилар билан матнни таҳлиллаши керак. Агар ўқитувчи матнларни керакли қисмларга бўлишга қийналса, дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишланса ҳам, бу вазифани адо этган бўлади. Чунки уларда матндаги таҳлил қилиниши керак бўлган ўринларга алоҳида урғу берилган. Қобилиятли ўқувчиларга эса матнни юқоридаги каби қисмларга бўлиб таҳлиллаш топшириғини бериш мумкин. Айниқса, **“Ушбу парча орқали покиза, инсонийлик дини бўлган Ислом мафқураси ҳақида мулоҳаза юритинг. Бу дин ниқоби остида бузғунчилик, зўравонлик фаолиятини олиб бораётган кимсаларни Исломга мансуб дейиш мумкинми? Фикрингизни матндан келиб чиқиб асосланг”** топшириғига алоҳида диққат қилмоқ лозим. Бу топшириқни бажарар эканлар ўқувчилар у орқали мамлакатдаги, дунёдаги ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат билдирадилар ва бу орқали дарсинг ҳаёт билан боғлиқлиги таъминланади.

Ўқувчиларга матндаги Муҳаммал алайҳиссалом васф қилинган парчалардан бирини уйда ёд олиш вазифаси юкланади. Шунингдек, дарсликдаги мавзу бўйича **“Муҳаммад алайҳиссалом – инсон комиллигининг тимсоли”** мавзусида уй иншосини ёзиш топшириғини бериш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчилар бошқа жанрдаги бадий матнларни ўрганиш давомида шуларга мувофиқ келадиган ҳадисларда илгари сурилган қарашларни сингдиришлари зарур. Шундагина ўрганилаётган бадий матн ҳамда шу матнга ҳамоҳанг келадиган ҳадис ўқувчи қалбидан мустаҳкам жой олади. Натижада, ўрта мактаб ўқувчилари

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талаби даражасидаги маънавий баркамол шахслар сифатида шаклланишади. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари"<sup>1</sup> дарслигида "Комил инсон ғояси" мавзусини ўтиш кўзда тутилган. Шу синфнинг "Адабиёт"<sup>2</sup> дарслигида ҳам "Комил инсон" мавзусини ўрганиш режалаштирилган. Адабиёт ўқитувчиси фанлараро алоқани таъминлагани ҳолда ушбу мавзунини ўтишда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанида берилган маълумотларга таянган ҳолда иш кўради. Адабиёт дарсида ўқувчилар комил инсон тушунчасини яққолроқ англаб олиш имконига ҳам эга бўладилар. Негаки, дарслик-мажмуада ўспиринлар эътиборига комил инсон тўғрисида Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси келтирилганлиги бу ишни бир қадар осонлаштиради. **"Ё Али, валоят(авлиёлик) мақомига етишган зотлар кўп-кўп ибодат қилганларидан эмас, ўз нафсларини енганликларидан бундай улуг даражага эришганлар"**.<sup>3</sup>

Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини авлиёлик мақомига эришиш учун кўп ибодат қилиш эмас, балки ўз нафсини енга билиш шартлигига қаратиши катта тарбиявий самара келтиради. Комил инсон бўлишнинг энг муҳим шarti инсоннинг энг хавфли душмани бўлган нафсини енгиш эканини билибгина қолмай, уни ҳис этиш ғоят муҳимдир. Шундай экан ўқитувчи матннинг таркибида келган ҳадис билан чекланмай қуйидаги ҳадисларни тавсия қилиши мумкин:

**Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман:**

**Нафсу хавога берилиб йўлдан озишидан.**

**Нафсоний ва шахвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан.**

**Илму маърифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишидан.**<sup>4</sup>

---

1 Мусурмонова О. ва бк. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. –Т.: 2004.

2 Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт (9-синф учун дарслик мажмуа) . –Т.: 2006, 87-бет.

3 Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт (9-синф учун дарслик мажмуа). – Т.: 2006, 88-бет.

4 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990, 20-бет.

Нафснинг ниҳоятда даҳшатли, айна пайтда доим инсон билан ёнма-ён юрувчи душман эканлигини Муҳаммад пайғамбар жуда ўринли таъкидлаган. Демак, нафсу ҳавога берилган кишининг йўлдан озиши, ўзи кўзлаган манзилга пок ният билан етиб бормаслиги табиийдир. Зеро, Навоий бобомиз ҳам бежиз айтмаган: “То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас, Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”. Эл шодлигини, мамлакатнинг обод бўлишини хоҳлаган инсон “нафсу ҳаво қасрини” йиқитмоғи лозим.

Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетиш ҳам инсон учун энг хатарли йўл ҳисобланади. Негаки, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиш инсонда қаноат ва уят каби ҳисларнинг йўқолишига олиб келади. Ҳадиснинг учинчи қисми бевосита бугунги кишилар ҳаётига жуда хосдир.

**“Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги биландур”<sup>1</sup>** дейилган ҳадис ҳам борки, бу ҳадисда инсон бу фоний дунёга фақат молу дунё тўплаш учунгина келмаганлиги уқтирилган. Инсон ҳаётда яшар экан, энг аввало, нафснинг тўқлигига эришмоғи керак.

Нафснинг тўқлигига эришмоқ учун эса моддий бойликка эмас, балки маънавий бойликка эга бўлиш лозим. Бу ҳадисдаги нафс сўзининг заминида очкўзлик, худбинлик, таъмагирлик маънолари жамланган. Инсон бир неча иллатни ўзида жам қилган нафсни банд этиб, тўқликка эришмас экан, Яссавий айтганидек, нафс уни “хор айлайди”:

Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,

Термултириб халққа мени зор айлади.<sup>2</sup>

Ўқитувчи дастурда кўзда тутилган “Комил инсон” мавзуси бўйича шу тариқа ҳосил қилинган тасаввур натижасида ўқувчиларда бир қатор эзгу ахлоқий сифатлар таркиб топиши мумкин.

---

1 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990, 124-бет.

2 Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: 1991. 10-бет.

### 3.3. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ МАШҒУЛОТЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАР АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга мустақил ўқиш машғулотларида ҳадисларнинг ўқитилиши нуқтаи назаридан ёндашилса, янада кўпроқ натижага эришиш мумкин. Бирор адибнинг адабиёт дарсларида ўрганилган асарларидан бошқа асарларини ўқишга тавсия қилиш болаларни мустақил ўқишга ўргатишдаги асосий восита ҳисобланади. Мустақил ўқиш синфда ўтказилади. Лекин бунда берилган адабий материални ҳар бир ўқувчининг ўзи мустақил тарзда ўрганади. У ҳақда ўзи бирор хулосага келади. Айрим синфларнинг дарсликларида "Мустақил ўқиш учун" рукни остида асарлар берилган бўлади. Мустақил ўқишга дастурда алоҳида соат ҳам ажратилган бўлади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, асосий ишни болаларнинг ўзлари қилишади. Яъни улар матнни ўқитувчининг бевосита иштирокисиз мустақил ўқишни ўрганадилар. Одатда, бу хил ўқишлар бошланғич синфлар, ўрта мактабнинг 5-6-синфларида амалга оширилади. Ўқитувчи дастурда мустақил ўқиш учун тавсия қилинган асарларнинг ўқувчилар томонидан қандай ўқиладганини режа асосида назорат қилмоғи лозим. Ҳадисларни биргина дастурда кўзда тутилган вақт давомида синфда ўрганиш ўқувчилар маънавиятини шакллантириш учун етарли эмаслигини ҳисобга олиб, ўқитувчи 5-6-7-8-9-синфларда йилига бир марта ҳадислар асосида мустақил ўқиш машғулотларини ташкил қилмоғи керак. Адабиёт ўқитувчисининг ўз режасига бундай ўзгартириш киритиши мумкинлиги амалдаги дастурда ўқитилган: "Агар адабиёт ўқитувчиси зарур деб ҳисобласа, мустақил ўқиш учун берилган адабий материалларни дастурдаги исталган асосий материал ўрнига ўтиши ҳам мумкин"<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил.1-махсус сон. 170-б.

Мустақил ўқиш учун 5-синфда 4 соат вақт ажратилган бўлиб, улардан 1 соати ҳадислардан намуналар ўқиш учун тавсия қилинган. 6-синфда мустақил ўқишга 2 соат ажратилган, 7-синф дастурида мустақил ўқиш учун соат ажратилмаган. Аммо дарсликда ўн битта адибнинг асарлари мустақил ўқиш учун тавсия қилинган; 8-9-синфларнинг дастур ва дарсликларида мустақил ўқиш учун вақт ажратилмаган ҳамда асарлар тавсия қилинмаган. 6-9-синфларда ўтиладиган мустақил ўқиш дарслари мактаб маъмурияти билан келишилган ҳолда мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳадислар асосида ташкил қилинадиган мустақил ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, унинг энг асосийси, ўқувчиларнинг ўқув вазифаларини ўқитувчининг доимий кўрсатмаси ва раҳбарлигисиз бажариб боришидир. Аммо ўқитувчи ўқув топшириқлари натижасини кузатиши, унинг бераётган фойдасини таҳлил қилиб бориши зарур. Мустақил ўқиш сифатида берилган топшириқ дарс жараёнидаги топшириқдан шуниси билан фарқ қиладики, ўқувчи топшириқларни ўқитувчининг ва синфдош дўстларининг ёрдамисиз бажаради. Бунда ўқувчи турли камчиликларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, ўқувчиларнинг топшириқларни мустақил бажаришга бўлган иштиёқи сўндирилмаслиги лозим. Ўқувчиларнинг мустақил бажарган топшириқлари кетма-кет салбий баҳоланса ёки бажарган иши эътиборсиз қолдирилса, унинг ўз кучига, билимига бўлган ишончи йўқолиб, топшириқларни мустақил бажаришга бўлган қизиқиши сўнади. Шунинг учун мустақил ўқиш машғулотлар юзасидан тузилган савол-топшириқлар аниқ ва изланишга ундайдиган бўлиши керак. Шунда ўқувчи бир ёки бир неча ҳадисларни ўрганишдан келиб чиқадиган таълимий мақсадга осонроқ етиб боради.

Мустақил ўқишнинг катта қисми синфда амалга оширилади. Кузатишлар шунини кўрсатадики, аксарият ўқитувчилар мустақил ўқишни ташкил этишга у қадар эътибор беришмайди. Ҳолбуки, адабиёт ўқитувчиси

мустақил ўқиш учун матн тавсия қилишда ўқувчиларнинг қизиқишини, юзага келиши мумкин бўлган дидактик муаммоларни ҳисобга олиши, уларни ҳал қилиш йўлларини белгилаб қўйиши, мавзунинг содда ёки мураккаблигига қараб вақт ажратиши лозим. Бундан ташқари, ўқувчилар мустақил ўқиш учун берилган топшириқни кўриб чиқишга улгуриши, топшириқнинг мураккаб томонларини бажариш йўлларини ўқитувчидан сўраб, тушунарсиз сўзларни аниқлаб олишга улгуриши керак. Акс ҳолда ўқувчилар мустақил ўқиш учун берилган топшириқларни мукамал бажаришмайди.

Ўқитувчи ҳадислар асосидаги мустақил ўқиш дарсини ўтишда турли самара берадиган методлардан фойдаланса мустақил ўқиш машғулотининг мазмунли бўлиши таъминланади. Мустақил ўқиш учун тавсия қилинаётган ҳадисларни ўрганишда ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳамда хотирасини ҳисобга олмоқ жуда муҳимдир.

Ўқувчиларнинг характерлари психология фанида таъкидланганидек, меланхолик, сангвиник, флегматик ва холерик типларга эга. Характернинг бундай типларга бўлиниши ўқувчиларнинг ҳар қандай мавзунини англаб олишлари бир текисда бўлмаслигини кўрсатади. Бу эса ўқувчиларнинг ҳадисларни ўзлаштиришларига ҳам бир хил талаб қўйиб бўлмаслигини англатади.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги ўқитувчининг ҳадислар асосидаги янги мавзунини тушунтиришларидан сўнг мавзунини мустақил ўқиб чиқишга эҳтиёж сезади. Дарсининг мустаҳкамлаш қисмида ўтилган мавзу бўйича берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб берган ўқувчиларга ҳам мавзу асосида мустақил бажаришлари учун вазифалар бериш зарур. Бунда кузатишлар, ижодий ишлар, таассурот ёзиш, иншо ёзиш, саволларга ёзма жавоб бериш, тест топшириқларини бажариш бўйича ишлар берилади. Бундай топшириқларнинг амалга оширилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш



қобилиятларини ўстиради, шунингдек, уларда ижобий сифатларнинг шаклланишига яқиндан ёрдам беради.

Мустақил ўқиладиган ҳадислар ўқитувчининг шунчаки тахминий режаси асосида тасодифан майдонга келиб қолмай, балки йиллар давомидаги тажрибалар асосида ташкил қилинмоғи керак. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ҳадисларнинг бошқа синфларда ўтилиш-ўтилмаслиги, содда ёки мураккаблиги, таълимий ёки тарбиявий аҳамиятга эгаллиги, ҳатто ўқувчиларнинг жинси ҳам ҳисобга олинади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг мавзунини мустақил ўргана олишига тўла ишонч ҳосил қилгандан сўнггина ҳадислар бўйича мустақил ўқиш-ўрганиш режасини туза бошлайди. Қолган барча ҳолларда эса муаммоли масалаларни ҳал қилишда синф жамоаси билан биргаликда ишлашга эҳтиёж сезади. Бундан ташқари, мустақил ўрганиладиган ҳадислар ҳажми қуйи синфдан юқори синфга ўтган сари ортиб бориши ҳам кўзда тутилиши лозим. Ҳадислар бўйича ташкил қилинадиган мустақил ўқиш машғулотларнинг самара бериши дарс жараёнида кўп қўлланиши билан эмас, балки унинг тўғри ташкил қилиниши билан белгиланади.

Турли жанрлардаги бадиий матнларни савол-топшириқлар асосида мустақил ўрганиш яхши самара беради. Матнлардан сўнг тузилган савол-топшириқлар ҳар доим методистларнинг диққат-эътиборини тортиб келган. Жумладан, олим Сафо Матжон ўзининг "Мактабда адабиётдан мустақил ишлар" рисоласида 5-8-синфларнинг "Ўзбек адабиёти" дарслик-мажмуаларидаги савол-топшириқларни мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги тўрт турга бўлиб кўрсатади:

1. Асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганиш ва умумий мазмунини ўзлаштиришга доир савол-топшириқлар.
2. Ўзлаштирилган адабий-назарий тушунчаларни мустаҳкамлашга доир савол-топшириқлар.

3. Ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан берилган маълумотларни ўзлаштиришга доир савол-топшириқлар.

4. Асар воқеалари мисолида ўқувчиларнинг ҳаётга муносабатини аниқлашга доир савол-топшириқлар.<sup>1</sup>

Шунингдек, муаллиф 5-8-синфлар "Ўзбек адабиёти" дарслик-мажмуаларидаги савол-топшириқларни таҳлил қилиб, уларни қисқартириш зарурлигини уқтиради: "Ўзбек адабиёти" дарсликлари савол-топшириқларга мўллиги билан (айрим асарлар юзасидан тузилган савол-топшириқлар сони 19 тага етган) ажралиб туради. Ҳолбуки, савол-топшириқлар фақат жумла қурилиши жиҳатидангина эмас, балки сон жиҳатидан ҳам қисқа ва ихчам бўлиши лозим".<sup>2</sup>

Бизнингча, савол-топшириқларнинг кўплиги мавзуни атрофлича ўрганиш имкониятини беради. Ўқувчи савол-топшириқларнинг барчасига эътибор бериши туфайли матнни қайта ва тўлиқ ўқиб чиқади ҳамда мавзуни тўла ўзлаштиришга эришади. Бундан ташқари, ўқувчи савол-топшириқлардан бир қисмига жавоб бериш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, матн бўйича тузилган савол-топшириқларнинг сон жиҳатдан кўплиги матн фақат қирқ беш дақиқали дарс давомида ўрганилиши шарт деган маънони келтириб чиқармайди. Маълум миқдордаги топшириқлар бажарилгач, қолганларини ечиш уйга вазифа сифатида ҳам берилиши мумкин. Аммо савол-топшириқларнинг кўплиги иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал-маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида тенгсиз имкониятга эгадир.

Бир неча йиллик кузатишлар шундан далолат берадики, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятида муҳим аҳамият касб қилган савол-топшириқларнинг мукамал бажарилишига эътибор кам қаратилади. Натижада, ўқувчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш доираси бугунги кун талабига жавоб бермаяпти.

---

1 Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар.- Т.: "Ўқитувчи", 1996. 94-б.

2 Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар.- Т.: "Ўқитувчи", 1996. 100-б.

Ўқувчилар томонидан бажарилаётган ёзма топшириқлар: иншо, баён, ижодий баён, шарҳ, таассуротлар ёзишда изчиллик, қиёслаш, хулоса чиқариш, жумлалардаги узвий боғланиш йўқлиги каби нуқсонлар кўзга ташланмоқда.

Бу ҳолат Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 18-ўрта мактабда олиб борилган тажриба натижасида ҳам маълум бўлди. 9-синов ва назорат синфларида (жами 51 ўқувчи бор) имом Исмоил ал-Бухорийнинг "Ал-адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари") асаридаги бир неча ҳадислар ўқиб-ўрганилгач, инсоний фазилатларни тавсифлашга доир иш олиб борилди. Бунда 9-синов синф ўқувчиларига "имом Исмоил ал-Бухорийнинг Ал-адаб ал-муфрад асарида ҳалоллик, ота-онага меҳр-оқибатли бўлиш фазилатларининг улуғланиши" мавзусида таассурот ёзиб келиш мустақил топшириқ сифатида берилди. Бу топшириқ бўйича ўқувчилар қуйидаги натижаларга эришдилар:

	Ўқувчиларга қўйиладиган баҳолар	Топшириқни бажарган ўқувчилар сони		
		синов синф	назорат синф	ЖАМИ
	Аъло	8	3	11
	Яхши	10	5	15
	Қониқарли	8	7	15
	Қониқарсиз	2	8	10
	Жами ўқувчилар	28	23	51

Юқоридаги жадвалдан шу нарса аён бўладики, ҳадислар бўйича бажариладиган ёзма топшириқларда ўқувчиларнинг диққати ёзма ишларнинг кўнгилдагидек бажарилишига асос бўладиган энг муҳим томонларга қаратилиши керак. Шунингдек, мавзуни тўла қамраб оладиган режа тузилиши зарур. Режа фақат мустақил ўқилган - ўзлаштирилган ҳадислар

асосидаги топшириқлардан: қайта ҳикоя қилиш; ёзма топшириқлардан баён, иншо, таассурот, тақриз каби мустақил ишларни бажариш мақсадидагина эмас, барча турдаги матнларни ўзлаштириш учун ҳам тузилади.

Кузатишлардан шу нарса маълумки, мактаб ўқувчиларининг катта қисми ўқилган мавзу бўйича тузиладиган режани ортиқча иш деб қарайди ва уларнинг барчаси ҳам режа тузишнинг уддасидан чиқавермайди. Аслида пухта тузилган режа бадий матннинг атрофлича ўрганилишини таъминлайди. Бундан ташқари, мавзуни чуқур ўрганмаган ўқувчи режа туза олмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, режа тузиш матнни тўла ўзлаштиришни тақозо қилади, матнни тўла ўзлаштириш эса режа тузишга имкон беради.

Режа тузишнинг яна муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ўқувчини қайта ҳикоялаш ёки ёзма баён қилишда маълум бир тартибга солиб туради, ўқувчи фикрининг тизимлилигини, изчиллигини таъминлайди. Натижада, ўқувчининг ҳикояси қайтариқлардан холи ва мазмунли бўлади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, матнлар бўйича тузиладиган режанинг бандлар сони бир хил бўлиши шарт эмас. Чунки дарслик-мажмуалардаги бадий матнларнинг ҳажми бир хил эмас. Матнлар ҳажмининг катта-кичиклиги тузиладиган режаларнинг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади.

Баъзан катта ҳажмли матнга кам бандли режа тузиш ҳам мумкин. Аммо тузилган режада мавзунинг асосий томонлари қамраб олиниши лозим. Режа шундай тузилиши керакки, мавзунинг энг муҳим томонларидан бирортаси эътибордан четда қолмасин. Бундай хусусиятни ҳадисларга ҳам хос деб билмоқ керак. Чунки бир мавзуда бир неча ҳадис бўлиши мумкин.

"Кўнгил сахийлиги ҳақида"ги ҳадислар (276-278-280-287-289 ва 293 ҳадислар) мавжуд. Бу олтига ҳадис учун яна шунча режа ёки савол-топшириқ тузиш шарт эмас. Режалар тахминан қуйидагича тузилиши мумкин:

1. Ҳадисларда сахийликнинг ифодаланиши.
2. Ҳадисларда яхши ахлоқли бўлишга ундаш.

Ўқувчилар юқоридаги режалар асосида қайта ҳикоя қилишга тайёргарлик кўришда қуйидаги ҳадисларга мурожаат қилишади:

280-ҳадис: **Абдуллоҳ ибн Зубайр айтдилар: Мен Абу Бакр Сиддиқнинг иккала қизлари - Ҳазрати Оиша ва Ҳазрати Асмодан кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди. Ҳазрати Оиша эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардилар-да, улар кўпайгандан кейин бир йўла ҳаммасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Аммо Асмо эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар.**

289-ҳадис: **Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади, у киши айтдилар: Расулуллоҳ саҳобаларидан: "Дўзахга тушишга кўпроқ сабаб бўладиган нарса нима?", деб сўрадилар. Улар: "Буни Оллоҳ Таоло ва унинг расули яхшироқ биладилар",- деб жавоб беришгандан сўнг, Расулуллоҳ: "У икки ковак - аврот ва оғиздир",- дедилар. Яна: "Жаннатга тушишга сабаб бўладиган нарса нима?",- дедилар-да, ўзлари: "У эса Оллоҳ Таолодан кўрқиш ва яхши ахлоқли бўлишдир",- дедилар.<sup>1</sup>**

Режалар асосида қайта ҳикоя қилишга тайёргарлик кўришда “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) китобидаги ҳадислардан ташқари "Ал-жомийъ ас-саҳих" ("Ишонарли тўплам") асаридаги ҳадисларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Чунки бу асарда ҳам кўнгил сахийлиги ҳақида бир неча ҳадис берилган.

103-боб. **Оллоҳ таоло бу хусусда қуйидаги оятни нозил қилган: "Эй иймон келтирган бандалар, берган садақаларингизни (одамларга) миннат қилиб ва озор бериб, йўққа чиқармангиз..."<sup>2</sup>**

104-боб. **"Кетидан озор эргаштириб келадирган садақадан кўра,**

---

1 Комилов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун мажмуа. -Т.: "Ўқитувчи", 1993. 123-бет.

2 Имом ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳих. 1-жилд. -Т.: 1991. 386 бет.

**кўнгилни кўтарадиган ва мағфиратли сўз афзалдир.**

**Оллоҳ бой ва кўнгилчандир! ".<sup>1</sup>**

Сўнгги йилларда Давлат Тест маркази томонидан олий ўқув юртларига кирувчилар учун барча фанлар қатори адабиётдан ҳам тест топшириқлари жорий қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларида бугунги кунга келиб рейтинг тизими талабларига асосан тест топшириқларидан фойдаланишда якуний, оралиқ ва кундалик назоратлардан фойдаланилмоқда. Бу эса ўқувчиларни тест топшириқларини мустақил ўқиш асосида бажаришга ундамоқда. Ахборотноманинг 1996-1998 йиллардаги сонларини кўздан кечирганимизда шунинг гувоҳи бўламизки, адабиётдан берилган тест топшириқлари турли жанрларга хос. Шу жумладан, ҳадислар асосида ҳам тест топшириқлари тавсия қилинган. Тест топшириқларидан шу нарса маълум бўладики, берилган топшириқларнинг аксарият қисми мажмуада ўрганиш кўзда тутилмаган ҳадисларни ўз ичига олган. Бу ҳолат ҳадислар ўқувчи томонидан синфдан ташқари ёки мустақил ўқиш йўли билан ўзлаштирилишини талаб этади.

Ўқувчиларнинг ҳадиси шариф бўйича мустақил ўқиб эгаллаган билимларини қуйидаги тест топшириқлари асосида назорат қилиш ва баҳолаш мумкин:

**1. Абу Ҳурайра айтадилар: Расулulloҳ: "Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин"- деб ўн мартаба такрор қилдилар... Расулulloҳ кимни хор бўлсин деганлар?**

- А) ҳасадгўй кимсаларни
- В) дўстини норози қилганни.
- С) ўз биродарига нотўғри муносабатда бўлганни.
- Д) ота-онасини ёки улардан бирини рози қилолмаганни
- Е) бировга зулм қилганни

---

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ 1-жилд. – Т.: 1991 386-бет.

**2. "Ал фақру фаҳри" - "Фақирлик - менинг фаҳрим" Мазкур ибора моҳиятига мос атама қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A) Топишмоқ
- B) Мақол
- C) Қитъа
- D) Ҳикмат
- E) Ҳадис

**3. "Ҳадис" мулкининг султони деб ном олган IX асрда яшаб ижод этган муҳаддис ким?**

- A) Ат-Термизий
- B) Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий
- C) Яссавий
- D) Алишер Навоий
- E) Юсуф хос Ҳожиб

**4. Имом Исмоил ал-Бухорийнинг асари қайси қаторда берилган?**

- A) "Ал-жомийъ ас-саҳиҳ"
- B) "Девони ҳикмат"
- C) "Қисаси Рабғузий"
- E) "Ҳибат ул- ҳақойиқ"

**5. Қайси бирингиз токи ўзига раво кўрмагани биродарига раво кўрар экан, иймонли бўлмағай. Ҳадисдаги "биродар" сўзининг қайси маънода қўлланганлигини аниқланг.**

- A) Дўстига
- B) Ҳамроҳига
- C) Ҳамма мўминларга
- D) Суҳбатдошига
- E) Яқин кишига

**6. Икки заиф тоифа, яъни ..... ҳаққини емоқликни сизларга харом қиламан. Ушбу ҳадисда кимларнинг ҳаққи назарда тутилган?**

- A) камбағал ва аёл
- B) етим ва ҳалол касб эгаси
- C) етим ва аёл
- D) деҳқон ва чорвадор
- E) Ота ва она

**7. "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" китобига кирган ҳадислар миқдори тўғри кўрсатилган қаторни топинг.**

- A) 600 та
- B) 727 та
- C) 772 та
- D) 726 та
- E) 500 та

**8. Имом Исмоил ал-Бухорий туғилган жойни аниқланг.**

- A) Бухоро
- B) Макка
- C) Мадина
- D) Самарқанд
- E) Балх

**9. Имом Исмоил Ал-Бухорий вафот қилган жойни белгиланг.**

- A) Мадина
- B) Самарқанд
- C) Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи
- D) Бухоро
- E) Макка



**10. Розиеллоху анху сўзининг маъносини тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг?**

- A) Оллоҳ ундан рози бўлсин
- B) Худо раҳмат қилган бўлсин
- C) Жойи жаннатда бўлсин
- D) Ҳижрат қилган бўлсин
- E) Билмайман

**11. Тўртинчи маротаба сўраганимда: ".....",- дедилар. Туширилган сўзни аниқланг.**

- A) онангга
- B) отангга
- C) яқин қариндошларингга
- D) отасига ва яқин бўлган қариндошларингга
- E) ҳаммага

**12. "Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман, Тевага минган онам хорисалар ҳам мен чарчамам" ҳадисида қандай бадий тасвир воситасидан фойдаланилган?**

- A) муболаға
- B) ўхшатиш
- C) сифатлаш
- D) тазод
- E) пейзаж тасвири

**13. Қандай кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида қабулдир?**

- A) мазлум кишининг дуоси
- B) мусофирнинг дуоси
- C) яқин қариндошларнинг дуоси
- D) кўшнининг дуоси
- E) Мазлум киши, мусофир ва ота-онанинг дуоси

**14. Оиша ва Асмо ҳазратлари кимларга сахийлик қилишарди?**

- A) фақир-мискинларга
- B) ҳаммага
- C) ўрта ҳол кишиларга
- D) аёлларга
- E) қўни-қўшниларга

**15. Жаннатга тушишга сабаб бўладиган нарса нима?**

- A) яхши ахлоқли бўлиш
- B) Оллоҳ Таолодан қўрқиш ва яхши ахлоқли бўлиш
- C) билимли бўлиш
- D) саховатли бўлиш
- E) мискинларга ёрдам бериш

**16. Расулulloҳ "Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!"- деб кимни назарда тутди?**

- A) отасини норози қилганни
- B) ота-онаси ёки улардан бирини норози қилганни
- C) аёлларни
- D) камбағалларни
- E) яқин қариндошларни

**17. Оллоҳ Таоло йўлида жиход қилувчи ва кундузи рўза тутиб, тунлари ибодат қилувчи кишилардек савобга ким эга бўла олади?**

- A) барчага ёрдам қилувчи киши
- B) Бева хотин ва мискинларга ёрдам қилувчи киши
- C) мусофирларга ёрдам қилувчи киши
- D) ёш болаларга ёрдам қилувчи киши
- E) билимли, меҳнатсевар киши

**18. Чин бойлик нима билан ўлчанади?**

- A) молнинг кўплиги билан
- B) олтин, кумушнинг кўплиги билан
- C) билимнинг кўплиги билан
- D) нафси енга олиши билан
- E) ақл-фаросатнинг кўплиги билан

**19. Динларнинг қайси бири Оллоҳ Таолога сеvimлироқ?**

- A) инсонларни фақат тоат-ибодатга йўлловчи дин
- B) яхшиликка юзланган ва инсон учун енгил бўлган дин
- C) яхшилик томонга чорловчи дин
- D) қаноат қилишга ундовчи дин
- E) оловга сиғинишга даъват қилувчи дин

Ҳадиси шарифнинг "Ахборотнома"дан тест топшириқлари сифатида ўрин олиши ўқувчиларни мустақил ўқишга ундабгина қолмай, уларда ахлоқий сифатларнинг шаклланишига ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг билими давлат таълим стандарти талабларига қай даражада жавоб беришини рейтинг усулида тест орқали аниқланмоқда. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг билим кўникмасини тест орқали аниқлаш бошқа фанларга қараганда анча фарқ қилади. Адабий таълимда нафақат ўқувчиларнинг билими, балки уларнинг маънавияти ҳисобга олинади, баҳоланади. Шунинг учун тест топшириқлари ўқувчиларнинг маънавиятини акс эттиришга қаратилмоғи керак.

Умумий ўрта мактаб адабий таълими давлат стандартида ўқувчилар олдига: “адолат, ростгўйлик, раҳмдиллик, тангилик, жасорат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, муҳаббат, мақсадга интилувчанлик, фидойилик сингари инсоний фазилатлар ҳақида бадиий асарларга таянган ҳолда тасаввурга эга бўлиши ва ўзларида ҳам шундай

хислатларни тарбиялашга интилиши керак”,– деган талабларни қўйган. Ҳадисларнинг бадий асарлар билан бир қаторда мустақил ўқиш машғулотларида ўқитилиши ўқувчиларнинг юқоридаги талабларни бажаришларига кўмаклашади.

“Умумий ўрта мактаб ўқувчилари ахлоқини шакллантиришда ҳадисларнинг ўрни”, деб номланган ушбу бобнинг ўрганилиши жараёнида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Ўқитувчи 5-синф болаларига ҳадисларни ўқитишда таҳлилнинг турли усуллари кўлланилса, уларда ота-онани ҳурмат қилиш, одамларга яхшилик улашиш, раҳм-шафқатли, иймон-эътиқодли, дўстларга садоқатли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг таркиб топиши тезлашади.

2. Ҳадиси шариф бадий адабиётимизнинг сара асарлари билан боғлиқ ҳолда ўқувчилар онгига сингдирилса, комил инсонни тарбиялашдек маъсулиятли вазифанинг бажарилиши енгиллашади.

3. “Шоҳ Ғозий” ҳикояти Қуръони карим “Бақара” сурасининг зарур оятлари ҳамда ҳадисларга таяниб ўқитилса, болаларда одиллик, ҳалоллик каби яхши сифатлар қарор топади.

4. Ҳадислар бадий матнлар билан узвий боғлиқликда ўқитилар экан, мактаб ёшидаги болаларнинг ички дунёсида нафсу ҳавога қарши кураш куртаклари пайдо бўлади.

5. Турли йилларда чиққан “Ахборотнома”лардаги ҳадисларни мустақил ўрганиш ўқувчиларга олий ўқув юртига кириш имконини бериш билан бирга улар ахлоқининг такомиллашувига ҳам таъсир кўрсатади.

## **IV боб. СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАР АХЛОҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲАДИСЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

### **4.1. ҲАДИСЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШНИНГ ЎРНИ**

Ёшларда эзгу ахлоқий сифатларни шакллантириш, жамият тараққиётини жадаллаштириш, миллат фаровонлигини таъминлаш ва мустақил фикрловчи, ўз олдига аниқ мақсад қўйибиладиган комил инсонларни вояга етказишда китобхонликнинг, хусусан, синфдан ташқари ўқишнинг роли беқиёсдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошланғич ва ўрта мактаблардаги “синфдан ташқари ўқиш” тушунчаси бир-биридан бир қадар фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан суҳбатлашиш учун алоҳида вақт ажратилади. Чунончи, 1-синфда ҳар бир ўқиш дарсининг 20 дақиқаси синфдан ташқари ўқишга сарфланса, 2-синфдан 4-синфгача ўқув йили давомида 17 соат, яъни ҳар икки ўқув ҳафтасида бир соатдан вақт ажратилади.<sup>1</sup> Ўрта мактабда эса, синфдан ташқарида ўқилган асарлар юзасидан суҳбатлашишга алоҳида вақт ажратиш кўзда тутилмайди.

Кўринадикки, бошланғич синфларда ўқувчиларни ҳадис ўргатишга йўналтириш, унинг ҳам тарбиявий, ҳам бадий хусусиятлари бўйича ўқувчиларда муайян тушунчалар ҳосил қилиш имконияти каттароқдир. Чунки бошланғич таълим ўқитувчиси ўз ўқувчиларида эзгу ахлоқий сифатларни шакллантириш учун уларнинг ёш хусусиятларига тўғри келадиган ҳадисларни синфдан ташқари ўқишга бериш ва улар юзасидан суҳбатлар ўтказиб, баҳолаш имкониятига эга бўлади. Бу эса, кичик мактаб

---

<sup>1</sup> Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 2-китоб. Бошланғич таълим. –Т.: 1999. 110-бет.

ёшидаги болаларда эзгу маънавий сифатларнинг эртароқ шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ҳадислар фақат насиҳат қилиш, тўғри йўл кўрсатиш воситаси сифатидагина эмас, балки ўқувчилар томонидан уларнинг туйғуларига таъсир этадиган, ҳиссиётини кўзгайдиган бадиий асар тарзида қабул қилинишига эришиш яхши самара беради.

Руҳшунос олимларнинг таъкидлашича, бошланғич синф ўқувчилари ўз ўқитувчиларига қаттиқ ишонади, фикр-мулоҳазаларига диққат қилади, талабларини бажаришга интилади ва ўқитувчининг эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилади. Шундай бўлгач, саккиз-ўн ёшлардаги бошланғич синф ўқувчиларининг ушбу хусусиятларидан ўқитувчи тўғри фойдаланмоғи зарур. Уларнинг маънавиятига ижобий таъсир қилиб, уларда атроф-муҳитга, табиатга, ҳайвонот оламига эҳтиёт билан муносабатда бўлиш ва ўзидан катталарга ҳурмат ҳиссини қуруқ панду насиҳатлар билан эмас, балки маълум бир мақсадга йўналтирилган режалар асосида синфдан ташқари ўқишни қизиқарли ташкил қилиш асосида шакллантириш керак.

Кичик мактаб ёшидаги болалар китобхон сифатида асар мазмунини ўзларидаги болалик тушунчалари асосида қабул қилади. Бадиий китоб ўқишга шунчаки савод чиқариш ёки вақт ўтказиш воситаси деб эмас, балки олам ва одамнинг сир-асрорини ўргатадиган мўъжиза деб қарамоқ керак. В. Сухомлинский китобхонликка алоҳида эътибор бериб, "Китоб ўқиш - бу бир дарча бўлиб, болалар у орқали дунёни ва ўзларини кўрадилар, билиб оладилар. Бу дарча ўқиш билан бир қаторда ва бир вақтда, ҳатто, китоб илк бор очилишидан олдинроқ, сўз устида диққат билан иш олиб борилган тақдирдагина бола рўпарасида очилади. Сўз устида қунт билан меҳнат қилиш бошланади. Бу иш болалар актив фаолияти, маънавий ҳаётининг барча томонларини: меҳнат, ўйин, табиат билан мулоқотда бўлиш, музыка, ижодни ўз ичига олмоғи керак. Гўзаллик яратувчи ижодий меҳнатсиз, эртак ва

ижодий ҳаёлисиз, ўйин ва музыкасиз бола маънавий ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири бўлган китоб ўқишни тасаввур қилиб бўлмайди... Агар бола ўқиган китобидаги сўзнинг гўзаллигини ҳис этмаган бўлса, у ташқи олам гўзаллигини ҳам кўра олмайди".<sup>1</sup> Юқоридаги фикрдан шу нарса англашиладики, ўқувчи синфдан ташқари ўқиган китобини шунчаки сўзлаб беришга тайёргарлик кўриб қолмасдан, ҳар бир сўзнинг туб моҳиятини англаб етсин, ҳар бир сўздаги яширин маъноларни топа олсин. Матндаги бирор сўзнинг маъносини тушунмаса, уни луғатлар ёрдамида бўлса ҳам билиб олишга эришсин. Шундагина ўқувчи бадиий матндаги сўзнинг гўзаллигини ҳис қила олади. У орқали ташқи олам гўзаллигини билиб олади. Шунда ўқувчи китобга муҳаббат билан қарайдиган бўлади ва китоб унинг маънавий дунёсида ижобий из қолдиради.

Бошланғич синфлардаги синфдан ташқари ўқиш машғулоти мустақил ишларнинг ўзига хос тури бўлганлиги сабабли ҳам уни ҳар доим одатдаги дарс шаклида уюштириш яхши натижа беравермайди. Бу турдаги машғулотга тайёргарлик кўришда ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳам, бадиий асарнинг жанр хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмоғи керак. Шу билан бирга одатдаги дарс машғулотларининг ўқув топшириғи, ўқув-изланув фаолияти, назорат турлари ва баҳолаш тизимларига риоя қилинади. Акс ҳолда кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотларига ажратилган соатлар етарли бўлса-да, унинг бераётган натижалари ҳамма мактабларда ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бошланғич босқичда ўқиётган ўқувчилар 2-4-синфларда икки ҳафтада 1 соат. Бу соатларни бир йилга кўпайтирадиган бўлсак, 2-4-синфлар - 17 соат вақт мобайнида синфдан ташқари ўқиш машғулотларида қатнашади.

3-4-синф ўқувчилари ҳар бир машғулотга биттадан турли жанрлардаги кичик ҳажмли бадиий асар ўқиганларида бир йилда 17 асарни ўқишга

---

<sup>1</sup> Сухомлинский В. Тарбия ҳақида. Т.: Ёш гвардия, 1977. 118-б.

улгуради. Ёки ўқувчи бир йилда 17 та ҳадисни ёд олса, икки йилда 34 та ҳадисни ўзлаштиради. Шу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бошланғич синф ўқувчиларига ҳадиси шариф сингдиришда имкон қадар ёд олдириш усулидан фойдаланмоқ лозим. Ёшлиқдан бола хотирасидан ўрин эгаллаган ҳадислар инсонни бир умр тарк этмайди, уни доим тўғри йўлга солиб туради. Ҳадисларни ёд олдириш ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг барчаси ҳам мактабга боғча орқали келган эмас. Уларнинг 75 фоизи тўғридан-тўғри оиладан келади. Бу ҳақда 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг 1- боб 2-бандида шундай дейилади: "Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача болалар муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд".<sup>1</sup> Бу ҳолат ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг, айниқса, 1-2-синф ўқувчиларининг синфдан ташқари ўқиш машғулотларида тўлиқ фаоллик кўрсатишларига тўсқинлик қилади. Шу сабабли бошланғич синфларда ўқиш техникасига, нутқ равонлигига катта эътибор бериш лозим. Шунда ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги, сўз бойлиги ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятлари ўсиб боради. "Бошланғич синфларда,- деб ёзади Сафо Матжон,- ўқувчилар дарсда ва дарсдан ташқари мустақил китоб мутолааси орқали ўқиш техникасини ўзлаштирадилар, айти чокда уларнинг нутқ бойлиги ҳам ўсади. Лекин синфдан ташқари ўқиш олдига қўйиладиган ўқув-методик талаб фақат шунинг билангина чегараланмайди, балки ҳар хил жанрдаги болалар китоблари билан изчил таништира бориш воситасида ўзлари ўқиши лозим бўлган асарларни мустақил танлаш малакасини

---

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. 1-боб, 2-банд. "Маърифат" газетаси. 1998 йил 1 апрел сони.



шакллантиришни ҳам кўзда тутати. Чунки ҳар қандай китоб ўз қизиқиши, билими ва тушунчаларига мос асар танлай билган ўқувчигагина бағрини очади”<sup>1</sup>

Муаллиф ўзининг мазкур фикрлари орқали бошланғич мактаб ўқувчиларида турли жанрлардаги асарларни танлаб ўқиш малакасини шакллантиришни алоҳида таъкидлаб ўтадики, бу усул ўрта мактаб ўқувчиларда китобхонликни шакллантиришда ҳам кенг қўлланилади. Танлаб ўқиш, ёд олиш ҳадисларни ўрганишга ҳам татбиқ қилинса, ўқувчиларда ижобий ахлоқий сифатлар янада кўпроқ юзага келади.

Айтиш керакки, бошланғич таълим босқичидаги ўқувчиларга синфдан ташқари ўқиш учун тавсия қилинган асарлар бир китобга тўпланган ҳолатлар ҳам бор. Жумладан, Б. Маъқулова, Т. Адашбоевлар томонидан “Китобим-офтобим” ўқув қўлланмаси 2002 йили нашрдан чиққан. Китоб “Бахтли болалик кўшиқлари”, “Болалар ҳақида ҳикоя ва эртаклар”, “Эртаклар оламида”, “Яхши фазилат - инсоннинг хусни”, “Хазиналар дурдонасидан”, “Ҳайвонлар ҳақида эртаклар”, “Ватан, тинчлик ва дўстлик ҳақида”, “Тўғрилиқ ҳақида ҳикоялар”, “Алишер Навоий ҳақида ҳикоялар”, “Эртаклар - яхшиликка етаклар”, “Оналар ҳақида ҳикоя, эртак ва шеърлар”, “Болалар ҳақида ҳикоялар”, “Қувноқ шеърлар”, “Миллий кийимлар ва миллий анъаналар ҳақида ҳикоя ва эртаклар” номи билан аталган рукнлардан иборат. Синфдан ташқари ўқиш китобидан турли жанрлардаги 137 асар ўрин олган. Аммо унда ҳадислардан бирорта намуна берилмаганлиги кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда ҳадислар энг кучли таъсир кўрсатадиган воситадир. Шунинг учун ҳам қадим Туркистон мактабларида ҳадислар ибтидоий мактабларда ўқитилган.

---

<sup>1</sup> Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар.- Т.: "Ўқитувчи", 1996. 164-б.

Тавсия қилинган асарлар 1-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос, қизиқарли, тез ва узоқ ёдда қоладиган асарлар эканлигининг гувоҳи бўласиз. Танлаб олинган асарлар жанр хусусияти жиҳатидан ҳам хилма-хил бўлиб, шеър, ривоят, ҳикоя, эртак, тез айтиш, топишмоқ ва мақоллардан ташкил топган. Тавсия қилинган асарлар мавзу жиҳатидан ҳам ранг-барангки, улар бир-бирини такрорламайди. Бу мавзулар Ватан, Она табиат, яхшилик, дўстлик, одоб-ахлоқ, ота-онани эъзозлаш, тинчлик, меҳнатсеварлик, ҳайвонот оламига муҳаббат кабилардан иборатдир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 1-синфдаги 29 соатлик синфдан ташқари ўқиш машғулотининг лоақал бирор соати ҳадисларни ўрганиш учун ажратилмаган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи бу тахминий режага ижодий ёндашиб, ҳар чоракка бир соатдан йил давомида жами тўрт соат ҳадиси шарифни ўргатишга ажратмоғи мақсадга мувофиқ бўлади.

1997 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш ҳақида чиқарган қарори нафақат ал-Бухорийга, шу билан бирга ҳадиси шарифга бўлган катта эътибордир. Шундай экан, ҳадисларни бошланғич синфларда, хусусан, синфдан ташқари ўқиш машғулотларида сингдириш ўқувчилар маънавиятининг шаклланишини таъминлайди. Бунда ўқитувчи "Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари", "Минг бир ҳадис", "Ҳазрати Пайғамбар ҳаёти", "Ал-жомий ас-саҳиҳ" китобларидаги ҳадисларни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, уларнинг қизиқишларига ва қобилиятларига мос ҳолда тавсия қилиши зарур.

Бошланғич синф ўқувчиларига тавсия қилинадиган ҳадисларни ўрганишда ўқитувчи шунга эришиши керакки, қуйи синф ўқувчилари ўқиган, ёд олган ҳадислар бир умр яхшиликка, тинчликка, савобли иш қилишга, гуноҳ ишлардан қайтаришга, покизаликка, саҳийликка, саломлашиб юришга, ҳол-аҳвол сўрашиб юривчи инсон бўлишга, дўстликка, билим эгаллаш каби фазилатларга чорловчи маслаҳатгўй бўлиб қолсин. Шу жиҳатдан бошланғич

синф ўқувчиларига тахминан қуйидаги ҳадислар тавсия қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

**Қўшнининга яхшилик қил, тинч бўласан. Ўзинг суйган нарсани одамларга ҳам раво кўр - саломат юрасан. Кўп кулма, кулги дилни ўлдиради.<sup>1</sup>**

**Савобли иш қилганингда хурсанд бўлсанг, гуноҳ иш қилганингда эса хафа бўлсанг, демак сен ҳақиқий мўминдирсан.<sup>2</sup>**

**Садақанинг афзали - чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир.**

**Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.**

**Тангри покдир, покизаликни яхши кўради, тозадирки, тозаликни яхши кўради, сахийдирки, сахийликни яхши кўради. Ҳовли, сахн ва турар жойларингизни тоза тутинглар.**

**Жаноб пайғамбаримиз қачонки ёш болаларни кўриб қолсалар, улардан олдин салом қилиб ўтар эдилар.**

**Одамлардан ҳеч бир нарсани тиланиб сўрама. Ҳатто, от устидан қамчинг тушиб кетса ҳам, ўзинг тушиб ол!**

**Бетоблигингда ҳол сўраб келмаган кишидан ҳам сен бориб ҳол сўрайвер.**

**Уч кундан ортиқ аразлашиб юриш исломда йўқ.**

**Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир.<sup>3</sup>**

Ўқитувчи синфдан ташқари ўқиш машғулотларида мазкур ҳадислар билан чегараланиб қолмасдан, ижодий ёндашган ҳолда яна кўплаб ҳадисларни тавсия қилиши зарур. Ўқувчиларга тавсия қилинган ҳадисларни ўрганиш мажбурий бўлмай, ихтиёрий бўлгани маъқул. Ҳадисларни ихтиёрий ўрганишда ўқувчилар тавсия қилинган матнлар ўрнида ўз истаклари, кизиқишлари асосида ўзлари танлайдилар ва машғулотга тайёргарлик

---

1 Тўраева О. ва бошқалар. Одобнома. 8-синф учун. –Т.: "Ўқитувчи", 1997. 98-бет.

2 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: 1990. 24-бет, 53-ҳадис.

3 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: 1990. 168-бет.

кўрадилар. Ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинган машғулот қизиқарли ва мазмунли ўтади. Арасту ўзининг "Ахлоқи кабир" асарида ихтиёрий амалга оширилган ишнинг лаззатли бўлишини таъкидлаб, шундай деган эди: "Модомики, фазилатлироқ бўлиш ўзимизга боғлиқлиги равшанлашган экан, энди ихтиёрий феъл-қилмиш нима эканлигини кўриб чиқайлик. Фазилат касб этишда ихтиёрийлик жуда муҳимдир. Ихтиёрий сўзининг маъноси - бизни бу ишга ҳеч ким мажбур қилмайди, деганидир. Шу фикрни янада ойдинлаштириш керак бўлади. Бирор ишни бажариш учун шунга интилиш зарур. Интилишлар уч турлидир: эҳтиросли интилиш, орзу қилиш, истак-хоҳиш. Аввало, эҳтиросли интилиш нималигини кўриб чиқайлик. Бундай интилиш, афтидан, мажбурий эмас. Нима учун ва қай асосда буни мажбурий эмас деймиз? Шунинг учунки, биз мажбурий амалларни бирор мажбурият туфайли бажарамиз. Мажбурийлик билан қилинган ҳар қандай иш - ёқимсиз ишдир. Эҳтирос билан қилинган иш эса ёқимли, лаззатлидир. Бундан чиқди, эҳтиросли интилиш билан қилинган иш мажбурий эмас, ихтиёрийдир".<sup>1</sup> Демак, ҳар қандай иш сингари ҳадислар бўйича ташкил қилинадиган машғулотлар ҳам ихтиёрий бўлмоғи керак. Бундай машғулотларга ўқувчилар фаол қатнашишади. Ўқувчиларнинг фаоллиги билан ўтган машғулотлар кўпроқ самара беради. Қандай самара берганлиги эса ўқувчиларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва маънавий дунёсида акс эта бошлайди.

Ҳадиси шарифни синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ўрганиш фақат ўқиш, қайта ҳикоя қилиш, мазмунини ўзлаштириш, илгари сурилган ғояни англаш каби вазифалардан иборат бўлиб қолмай, ифодали ёд олиш асосига ҳам қурилмоғи керак. Чунки ҳадисларни ёд олдириш ўқувчилар маънавиятини шакллантиришнинг энг муҳим асосидир. 8-10 ёшлардаги ўқувчиларнинг ҳар бир ёд олган ҳадислар асосидаги матнлари улар учун бир

---

<sup>1</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. Мулоқот. 1998 йил 4-сон, 46-б.

умрлик ҳамроҳ бўлиб қолади. Зеро, ҳадислардан бирида **"Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир"**,<sup>1</sup> деб бежиз айтилмаган.

Бошланғич синф ўқувчилари ахлоқ-одобга оид ҳадисларни ўқиганларида паст балл олишдан қутилиш учун эмас, балки ўқиш, ўрганиш ва ёд олиш туфайли ўзларида инсоний сифатлар ҳосил қилиш ва фаол китобхон даражасига кўтарилиш учун ҳаракат қилсин. Шундагина ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ҳадислар ўз самарасини беради.

Руҳшунос олимларнинг таъкидлашларича, ўрта умумий таълим мактаби ўқувчилари, яъни 11-14 ёшли ўсмирлар болаликдан катталиққа ўтиш жараёнини бошидан кечираётган бўлади. Ўсмирлардаги бу жараён уларнинг тана ўсишларидагина акс этиб қолмай, ақлий фаолиятида ҳам намоён бўлади. Бу мураккаб жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи, ота-она ва фарзандлар турли масалаларни ҳал қилишда муаммоларга дуч кела бошлайди. Оддий шахслараро муносабатларда ҳам муаммоларга тўқнаш келади. Бу ҳолат таълим-тарбия жараёнида ҳам кўринади. Ўқитувчи томонидан ўсмирликнинг дастлабки даврларида қўллаган услуб ва усуллари ўқувчиларни қониқтирмай кўяди. Ўқувчи ўзининг хатти-ҳаракатлари, фикр-қарашлари билан ўқитувчининг ишига қаршилик ҳам қилади. Авваллари мулойим, дилкаш, одобли саналган ўқувчилар энди кўпол, серзарда, ўз сўзидан қайтмайдиган, қайсар бўлиб қолади.

Ўқитувчилар, ота-оналар ўсмирлардаги бундай психик ўзгаришларни эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Педагог олим Қ. Йўлдошев болаларда тез учрайдиган ўзгарувчанликнинг сабабларини куйидагича талқин қилади: "...болалар катталарга қараганда тезроқ ва кўпроқ маънавий жароҳатланидиган, бу жароҳатдан қаттиқроқ азоб чекадиган бўлишади. Инсон туғилгандаёқ унинг танасида юз минг километр миқдорида асаб толалари бўлар экан. Боланинг вужуди катта одамникига қараганда кичик бўлганлиги учун ҳам асаб толалари зич жойлашган бўлади. Шу боис улар

---

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. -Т.: 1990. 108-бет, 383-ҳадис.

катталардан тезроқ ва кўпроқ асабийлашадилар. Болаларнинг ғоят таъсирчан, тез хурсанд бўлиб, салга хафачиликка ўтаверишининг, ниҳоятда импульсив табиатга эгалигининг боиси шунда".<sup>1</sup> Демак, ўқитувчилар, ота-оналар ўсмирликнинг бу даврида болаларнинг хатти-ҳаракатларини танқид қилишдан ва кескин чора кўришдан кўра, ижобий томонга буриш йўлларини излаши ва уни топмоғи керак. Кўп ҳолларда ўсмирларга ёндашишда улардаги психик ўзгаришлар ҳисобга олинмай хатоликларга йўл қўйилади.

Руҳшунос Э. Ғозиев катталар билан ўсмирлар ўртасидаги муносабатларда юзага келувчи зиддиятларни бартараф қилиш йўлларини қуйидагича кўрсатади: "Вужудга келган зиддиятлар ва қарама-қаршилиқларни психологик камолотни таъминлаш, фаолият турларини мураккаблаштириш орқали ўсмир шахсида янги психологик фазилатларни таркиб топтириш билан аста-секин йўқотиш мумкин... мактаб ва билим юртида, оилада мустақил фаолиятга кенг имкониятлар бўлса, ўқувчи муайян вазифа ва топшириқларни бажара бошлайди. Натижада, ўсмирнинг ижтимоий мавқеи ортиб, фаолияти такомиллашиб, психикаси ҳар томонлама ривожланиб боради".<sup>2</sup>

Ўсмирларда мустақил фаолиятни такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири адабиёт дарсларида синфдан ташқари ўқиш машғулотларини тўғри ташкил қилишдир. Бу машғулотларда бошқа жанрлардаги адабий асарлар қатори ҳадиси шариф билан таништириш ҳам давом эттирилиши керак. Бошланғич синф ўқувчилари ўз ёшларига тўғри келадиган турли мураккабликлардан холи содда, англаниши осон бўлган ҳадислар билан танишишган бўлса, энди фаолият тури оддийликдан мураккабликка томон бурилади.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ўқувчиларга тавсия қилинган ҳадисларни ўрганишда ўсмирлардаги психологик ўзгаришларга ижобий

---

1 Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фанл. доктори илмий даражаси учун ёзилган дисс. Т.: 1996 йил, 49-бет.

2 Ғозиев Э. Психология. - Т.: "Ўқитувчи", 1994. 135-136 б.

таъсир қилувчи мавзуларга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳадислар асосида ташкил қилинадиган синфдан ташқари ўқиш машғулотида ўқитувчи тавсия қилган матнлардан ташқари ўқувчиларнинг хоҳишлари асосида ҳам матнлар танланади ва шу асосда машғулотлар ўтказилади. Бунда ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари қуйидаги сўровнома асосида аниқланади:

1. Қандай жанрлардаги асарларни севиб мутолаа қиласиз?
2. Ҳадис тўплаган қайси муҳаддисларни биласиз?
3. Қандай ҳадис китобларни ўқигансиз? Номларини келтиринг.
4. Ўқиган ҳадис китобларингиздан қайси бирига кўпроқ мурожаат қиласиз?
5. Ҳадисларни оила аъзоларингиздан яна кимлар ўқийди?
6. Қайси ҳадисларни ёд олгансиз?
7. Қандай мавзудаги ҳадисларни севиб ўқийсиз?
8. Ўзингиз билган қайси ҳадисларни тенгдошларингиз ҳам билишини истайсиз?
9. Қайси ҳадисларни тенгдошларингизда учрайдиган салбий қусурларнинг йўқ бўлишига туртки бўлади деб айта оласиз?
10. Ўқиган ҳадисларингиздан қайси бирига кўпроқ амал қиласиз?
11. Бирор ҳадисни ўрганганингиздан сўнг ўзингиздаги бирор қусурнинг йўқ бўлганлигини сездингизми?
12. Тенгдошларингизга қайси ҳадисларни ёд олишни тавсия қиласиз? Ўқувчиларнинг сўровномага берган жавоблари ўрганилиб, навбатдаги машғулотларда ўрганиладиган ҳадисларнинг мавзулари гуруҳларга ажратилади ва шу асосда машғулотларга тайёргарлик кўрилади.

Бадий адабиётнинг кўплаб жанрларидаги асарларнинг ўрганилиши бўйича методик тавсиялар ва қўлланмалар мавжуд. Аммо ҳадиси шарифнинг синфда ва синфдан ташқари машғулотларда ўрганилиши бўйича методик қўлланмалар яратилган эмас. Шундай бўлишига қарамай, ўқитувчи бугунги

кун талабларидан келиб чиқиб, ўз иш тажрибаларида кўпроқ самара берадиган усуллардан фойдаланмоғи лозим. Бу борада ўқитувчи кўпроқ болалар китобхонлигига суянмоғи керак.

"Китобхонлик йўқ жойда,- деган эди В. Сухомлинский,- тарбиячи ва тарбияланувчининг маънавий бирлиги ҳам йўқ... Мен ўсмирлар, йигитлар ва қизлар нималарни ўқиётганларига ва қандай ўқиётганларига разм солган чоғимда ғалати бўлиб кетардим: улар ҳақиқий китобхонлик нималигини: китоб мазмунини тушуниб ўқишни, ақлий кучни ишлатишни билишмасди. Улар фақат бир хил ўқишни - дарслик ўқишни билишарди".<sup>1</sup> Демак, тарбиячи билан тарбияланувчининг маънавий бирлигини таъминлайдиган омил ҳақиқий китобхонликни ташкил қилишдир. Синфдан ташқари ўқиш машғулотларида қуйидаги ҳадисларнинг ўқилиши мақсадга мувофиқдир:

3-боб. Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: "Бир одам набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга: "Жиход қилмоқчимен",- деди. Жаноб Расулulloҳ: "Ота-онанг борми?"- дедилар. У: "Ҳа!"- деб айтди. Жаноб Расулulloҳ: "(Аввал) ота-онангнинг хизматини қилиб, ризолигини олгин, сўнг жиход қилгин",- дедилар".<sup>2</sup>

12-боб. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: "Мен Расулulloҳ алайҳи васалламнинг: "Кимки ризқим улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!"- деганларини эшитганмен",- дедилар.<sup>3</sup>

33-боб. Саъид ибн Абу Бурда ўз ота-боболаридан нақл қиладилар: "Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳар бир мусулмон садақа бермоғи лозимдир",- деб айтдилар. Шунда одамлар: "Агар садақа қилгулик нарса тополмасачи?"- деб сўрашди. Жаноб Расулulloҳ: "Қўллари бирлан меҳнат қилиб, ўзи ҳам манфаатлансин, садақа ҳам берсин!"- дедилар. Одамлар: "Агар ишлашга қурби келмаса ёким

1 Сухомлинский В. Тарбия ҳақида. - Т.: Ёш гвардия, 1977. -119 бет.

2 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4-жилд.-Т.: 1992. 78-бет.

3 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4-жилд.-Т.: 1992. 82-бет.



ишламаса не қилгай?"- дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ночор ва хожатманд кишиларга мадад берсин!"- дедилар. Одамлар: "Бунга ҳам қодир бўлмасачи?"- дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ёмонликдан ўзини тийсин, ўша унинг учун садақадир!"- деб жавоб қилдилар.<sup>1</sup>

34-боб. Абу Хурайра разияллоҳу анҳу: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "Ширин сўз садақадир!"- деганлар",- дейдилар.<sup>2</sup>

37-боб. Оллоҳ Таоло: "Яхшиликка кўмак берган киши яхши насиба олғусидир, ёмонликка кўмак берган киши ёмон насиба олғусидир! Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир!"- дейди.<sup>3</sup>

57-боб. Анас ибн Молик бундай дейдилар: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар, ака-ука тутуниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар. Мусулмон одам ўз (диндош) биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин!"- дедилар.<sup>4</sup>

69-боб. Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "Мунофиқни қуйидаги уч белгисига кўра билиб олмоқ мумкин: ёлғон гапиргай, ваъдага вафо қилмагай ва омонатга хиёнат қилгай",- дедилар".<sup>5</sup>

70-боб. Ториқ ривоят қиладилар: "Абдуллоҳ менга: "Энг яхши хабар Оллоҳ таолонинг китобидир ва энг яхши хулқ-атвор Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқ-атворларидир!"- деб айтган эрди".<sup>6</sup>

76-боб. Абу Хурайра ривоят қиладилар: " Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "Бировни (курашиб) йиқитган полвон эрмас, балким қазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир!" - дедилар".<sup>7</sup>

---

1 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 89-бет.

2 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 90-бет.

3 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 91-бет.

4 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 101-бет.

5 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 109-бет.

6 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 109-бет.

7 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. 4-жилд.-Т.: 1992. 113-бет.

Юқорида келтирилган ҳадислар имом Исмоил ал-Бухорийнинг "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ" ("Ишонарли тўплам") асаридан олинган бўлиб, бу ҳадислар ўқувчиларда энг яхши хулқ-атворларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотимизнинг мазкур фаслида бошланғич синфларнинг ҳамда V-IX синфларнинг ўқиш ва адабиёт дарсларида уюштириладиган синфдан ташқари ўқиш машғулотлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Айтилганларга асосланиб, 6-синфнинг биринчи чорагида, 7-синфнинг иккинчи чорагида, 8-синфнинг учинчи чорагида, 9-синфнинг тўртинчи чорагида бир соат ҳадислар бўйича синфдан ташқари ўқиш машғулотлари ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Синфдан ташқари ўқишнинг аҳамияти тўғрисида умумий ўрта таълим адабиёт дастурида шундай уқтирилган: "Адабий таълимда синфдан ташқари ўқиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки синфдан ташқари ўқиш орқалигина болаларда бадиий асар мутолаасига қизиқиш қатъийлашади, бадиий дид шаклланади, уларнинг мустаҳкам эътиқодли, покиза, ахлоқли, баркамол маънавиятли шахслар бўлишига эришилади. Бадиий адабиётга яқинлик синфдаги машғулотлар билангина тугамаслиги керак. Ўқитувчилар, имкон қадар, бир қанча асарларнинг синфдан ташқарида, ўқувчиларнинг бўш вақтлари ҳисобига ўқиб чиқилишига эришишлари ва ўқилганлар юзасидан ҳар ўқув чорагида камида бир марта ялпи суҳбат ўтказиб туришлари лозим".<sup>1</sup> Демак, ҳар бир синфда йилига тўрт соат синфдан ташқари ўқиш бўйича ўтказиладиган суҳбатнинг бир соати ҳадисларни ўқишга, қолган уч соати турли жанрдаги бадиий асарларни ўқиш бўйича ўтказиладиган ялпи суҳбатга тақсимланиши лозим. Шунда қуйи синфларда ўқилган ҳадислар билан юқори синфларда ўқилган ҳадислар ўртасида узвийлик таъминланади.

---

<sup>1</sup> Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарт ива ўқув дастури. //Таълим тараққиёти. 1-махсус сон.1999. 171-бет

Ўқитувчи ўқувчиларга Аҳмад Лутфийнинг “Ҳижрат юртида тонг” асарини ўқишни тавсия қилишдан олдин қуйидаги матнни ўқувчилар диққатига ҳавола қилса, уларнинг асарга бўлган қизиқиши ортади.

АШуоби киром бир суҳбат кутишар эди. Ҳабиби Худо (сав.) анча кундан бери улар билан суҳбат қурмаган, суҳбатни эса, соғинган эдилар. Темирни қизғида босмоқчи бўлдилар. Тўқни овқатлантириш, сувга қонган инсонга шарбат ичириш қийин. Аммо Набийи Акрам саййидимиз аШуоби киромдаги чанқоқликни очиқ-равшан кўриб турардилар.

- Бани Исроилда уч киши бор эди,- деб бошладилар суҳбатни у зот.— Бири ола-була этли, бири кал, учинчиси эса кўр... Оллоҳ таоло уларни бир имтиҳон қилишликни мурод этди ва бир фариштани жўнатди. Фаришта ҳалиги ола-була этлининг ёнига келиб:

“Нимани энг кўп орзу этасан?”- деди. “Гўзал бир ранг ва чиройли бир танани. Инсонлар жирканадиган бу суратдан қутулсам... Ҳамиша шуни орзу этаман”, - деди.

Фаришта уни бир марта силаган эди, ўша ондаёқ истаганидек қиёфага кириб тусланди-қолди. Фаришта сўради:

“Қайси молни энг кўп севасан?”

“Туяни”,- деди у.

Энди туғай деб турган урғочи туя берилди. Фаришта: “Оллоҳ сенинг учун бу туяни барокатли қилсин”,- деб дуо қилди ва қайтди. Ҳалиги одам севинчдан боши осмонга етар ҳолатга тушди.

Фаришта калнинг олдига келди:

“Сен энг кўп орзу этган нарса нима?”- деди. “Чиройли сочим бўлса ва одамлар жирканадиган ҳолатдан қутилсам... Мана шу энг кўп орзу этган нарсам”,- деди у.

Фаришта уни ҳам силаган эди, ўша заҳоти у одам тузалиб қолди. Чиройли бир соч берилди унга.

“Энди сен яхши кўрган молингни айт. Қай бирини энг яхши кўрасан?”

“Сигирни”,- деди.

Унга ҳам туғай деб турган сигир берилди. “Оллоҳ сенинг учун бу сигирни барокатли қилсин”,- деб дуо қилди-да, фаришта у ердан ҳам қайтди.

Ниҳоят малак кўрнинг олдига келди:

“Энг кўп орзу этган нарсанг нима?”- деди унга.

“Кўзларни,- деди кўр.– Қани энди Оллоҳ менга кўришликни насиб этса”.

Фаришта уни ҳам силаган эди, унинг ҳам кўзлари кўрадиган бўлди.

“Энг кўп севган молинг қайси?”

“Кўй”, - деди у.

Унга ҳам туғай деб турган бир кўй берилди. Сўнг фаришта дуо қилиб қайтди.

Орадан йиллар ўтиб, берилган ҳайвонлар туғди, кўпайишди. Қилинган дуонинг барокатидан водий тўла туяга, яна бири водий тўла сигирга, бошқаси водий тўла кўйларга эга бўлди. Ҳаммалари ҳаётларидан мамнун эдилар. Орзуларига эришган эдилар. Шунда бир куни фаришта баданига оқ тушган одамнинг олдига айнан унинг аввалги ҳолида – ола була этли инсон киёфасида келди.

“Жуда фақир одамман, мусофирман, чорасиз қолдим. Манзилга етиб олишим учун аввало Оллоҳдан, қолаверса сендан умид қиламан. Сенга бундай гўзал кўркни, бундай қадди-қоматни берган, бу қадар мол эҳсон қилган Оллоҳ ҳаққи, менга бир туянгни берсанг, токи манзилимга етиб олсам”, деди.

Бирдан у одамнинг кайфияти бузилиб, хўмрайиб қаради:

“Менинг қилишим керак бўлган ишларим шунчалик кўпки, қайсинисига улгуришимни билмайман. Сенга ҳозир ёрдам беролмайман”,- деди бош чайқаб.

Шу сўзлардан кейин фаришта атай:

“Мен сени танигандек бўляпман,- деди.– Сен бир замонлар одамлар жирканадиган ола-була танли бир киши эмасмидинг? Устига-устак, фақир

ҳам эдинг шекилли? Оллоҳ сенга бу неъматларни бахш этмаса қаердан олардинг?”

“Янглишаяпсан,- деди бояги одам,- мени бошқа бировга ўшатаяпсан, шекилли. Бу мол менга ота-бобомдан мерос қолган”.

Ёлғонни ямламай ютдинг-ку. Омин, Оллоҳ сени эски ҳолингга қайтарсин,- деб фаришта дуо қилиб эди, ҳалиги одам эски ҳолига қайтди. Молу мулк бир хаёлдек бўлиб қолди.

Фаришта у ердан чиқиб, кал одамнинг олдига ўша калнинг эски қиёфасида келди. Унга ҳам дардини “тўқди”. Биринчи одамга айтганларини унга ҳам айтди. Ундан ҳам аввалгининг жавобларини олди. Унга: “Агар ёлғон айтаётган бўлсанг, Оллоҳ сени асл ҳолингга қайтарсин, деб дуо қилди, унинг ҳам кўлидан неъмат кетди. У ҳам аввалгидек бир фақир одамга айланди. Молу мулкидан асар ҳам қолмади.

Фаришта шундай қилиб кўрнинг олдига равона бўлди. Унинг олдига ҳуди аввалги қиёфасида, кўр инсон қиёфасида келди.

“Мен фақир бир одамман, мусофирман, чорасиз қолдим. Манзилимга етиб олишим учун ёрдамнингга муҳтожман. Кўзларингнинг нурини қайтариб берган Оллоҳ ҳаққи, менга бир кўй ҳадя қил”,- деди ўтиниб.

Бу одам унга чинданам ачиниб, кўмак беришга ошиқди.

“Рост сўзлайсан, чиндан ҳам мен кўр эдим. Оллоҳ менга кўзларимни қайта эҳсон этди. Оллоҳ ризоси учун ҳадя этганим бўлсин. Шу билан мушқулинг осон бўлса, мен розиман”,- деди.

Шунда фаришта унинг елкасига қоқди ва:

“Молинг ўзингга буюрсин. Бу сизларга Оллоҳ таоло томонидан бир имтиҳон эди. Сен Улуғ Мавлонинг ризосига ноил бўлдинг. Биродарларинг эса, ғазабга дучор бўлдилар”,- деди.<sup>1</sup>

Расулулоҳ (сав.) сўзлаган бу қиссада ўзини билган инсон учун кўп ибратлар бор эди”.

---

<sup>1</sup> Аҳмад Лутфий. Ҳижрат юртида тонг. Шарқ Юлдузи. 1997 й. 4-сон, 12-14-бетлар.

Юқоридаги матндан хулоса чиқариш ўқувчиларга ҳавола қилинади. Бу матндаги воқеалар мазмунига қуйидаги ҳадисни қиёсласа бўлади:

**Одамларга шукур қилувчилар Тангрига ҳам шукур қилувчилардир.<sup>1</sup>**

**Бешта нарсдан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандликдан олдин бўш вақтни, кексалиқдан олдин ёшлиқни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.<sup>2</sup>**

**Тангри сизларнинг кўринишлаингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради.<sup>3</sup>**

Ўқитувчи синфдан ташқари ўқиш бўйича ўтказадиган суҳбатида ўқувчиларнинг қизиқишлари турлича бўлишини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилмоқчи бўлса, “Пайғамбарга саловат айтинг”, “Лайлат ул-қадр кечаси”, “Инсон бефарқ бўлмасин”, “Кўшни ҳақи”, “Оилага хиёнат қилманг”, “Чақимчининг ҳолига вой”, “Ота – онанг – жаннатинг”, “Дуо ҳам ибодатдир”, “Сахийлик ва бахиллик”, “Ҳар дилда шукроналик ҳисси”, “Ҳар тилда шукрона бўлсин”. мавзуларидаги матнларни тавсия қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу мавзуларда суҳбат уюштирилар экан, ўқувчилар ахлоқида бир қатор яхши фазилатларнинг шаклланганлигига амин бўлинади.

#### 4.2. АДАБИЁТ ТЎГАРАГИДА ҲАДИСЛАР ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАР АХЛОҚИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ислом оламида Оллоҳнинг каломи - Қуръони карим биринчи манба бўлса, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси шарифлари иккинчи манба ҳисобланади. Пайғамбаримиз умматларига

---

1 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990. 30-бет.

2 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990. 34-бет.

3 Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: 1990. 42-бет.

шундай васият қилганлар: "Мен сизларга икки нарсани қолдирдим. Модомики уларга амал қилар экансизлар, ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайсизлар: улар Оллоҳнинг китоби (Қуръони Карим) ва расулуллоҳнинг суннатларидир". Модомики шундай экан, бугунги ўқувчи ҳаётда ўз йўлини адашмай топишида унинг онгига ҳадиси шарифни сингдиришга янада кўпроқ аҳамият бериш зарур. Ҳадисларни нафақат дарсларда, балки мустақил ўқиш, синфдан ташқари ўқиш, тўғарак машғулоти ва бошқа турли тадбирларда ўргатиш лозим.

Умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчиларига ҳадиси шариф фақат тарбиявий мақсадда ўргатилиб қолмасдан, бадиият нуқтаи назаридан ҳам ўқитилмоғи лозим. Бунинг учун мактабда ташкил қилинган "Ифодали ўқиш" тўғарагининг йиллик иш режасидан "Ҳадис ва адабиёт", "Ҳадиси шарифнинг шеъриятга таъсири", "Ҳадис ва наср" каби мавзулар жой олиши керак. "Ифодали ўқиш" тўғараги машғулотида ҳадис ўқишни ўргатишда олдин болаларнинг ритм ва пауза каби назарий тушунчаларнинг ўзлаштирилишига диққат қаратилади. Чунки ўқувчилар маълум назарий тайёргарликсиз ҳадисларни таъсирчан, ифодали талаффуз қила олишмайди.

«Ритм грекча *rhythmos* - ритмос сўзидан олинган бўлиб оҳангдош деган маънони билдиради. Ритм бадий матнларни ифодали ўқишда катта аҳамиятга эгадир. Бадий адабиётнинг хилма-хил тур ва жанрларида, айниқса, шеърий мисралардаги сўзларнинг бир-бирига ҳамоҳанг ҳолда такрорланиши туфайли ритм ҳосил бўлади».<sup>1</sup>

Шеъриятда ритм бир неча турдан иборат. Жумладан, банд ритми, аллелетерацион ритм, анафора ритми, интонацион ритм ва бошқалар.

Мумтоз шеъриятда банд ритми мавжуд бўлиб, бу ритм бандларнинг қурилиши билан боғлиқ. Бундай банд ритмни ҳадислар таъсирида майдонга келган шеърий матнларда ҳам учратиш мумкин: "Кўзни ўз айбингдан олма ва ўзгалар айбига кўз солма". Алишер Навоийнинг ушбу мисрасидаги олма,

---

1 Орипов Қ. Обидова М. Ифодали ўқиш. – Т.: "Ўқитувчи", 1994. 60-бет.

солма сўзлари банд ритмини - оҳангдошликни ҳосил қилган. Бу сажъланган мисраларнинг ҳосил бўлишига туртки бўлган омил **"Ўзингда бўлган айб одамларнинг айбини айтишдан тўхтатсин"**<sup>1</sup> ҳадисидир.

Бадиий матнларни ифодали ўқишда анафора ритмининг ҳам аҳамияти катта. Бундай ритм шеърий асарларнинг мисралари бошида ва банднинг охирида бир хил товуш ёки оҳангдош сўзларнинг такрорланишидан ҳосил бўлади. Насрий асарларда эса гапларнинг охирида оҳангдош сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келишидан ҳосил бўлади. Анафора ритми ҳадисларда ҳам ўз аксини топган:

**Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинди. Шу ҳадис ровийларидан имом Лайс: "Бу ҳадис Расулуллоҳ сўзлари бўлса керак, деб ўйлайман, дедилар: "Ҳар бир одам боласининг баданида уч юз олтмишта майда сўнғак ва бўғинлар учун ҳар куни бир садақа қилмоқлари лозим. Ҳар бир ширин сўз бир садақа, киши биродарига ёрдам қилмоғи ҳам бир садақа, унга бир қултум сув ичириши ҳам бир садақа ва кишиларга озор берадиган йўлдаги нарсаларни четга олиб ташлаш ҳам бир садақа ҳисобланади".**<sup>2</sup>

Баъзан битта ҳадиснинг таркибида айирув ва бириктирув боғловчиларининг такрор ҳолда келиб, анафора ритмини ҳосил қилганлигини ҳам кўрамыз: **Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиёллоҳу анҳу) дан ривоят қилинди. У киши: "Хоҳ чиндан, хоҳ ҳазил тариқасида ёлғон сўзламоқ ҳам, бирор нарса ваъда қилиб, уни амалга оширмаслик ҳам дуруст эмас",- дейдилар.**

Ҳадисни ифодали ўқишда урғунинг ҳам алоҳида ўрни бор. Урғу ифодали ўқишнинг асосий воситаларидан бири саналиб, таъкидлаш, алоҳида эътибор бериш учун хизмат қилади. Урғу сўзларни тўғри, аниқ, равон талаффуз қилишга, сўз маъносининг тўлиқ англанишига кўмаклашади.

---

1 Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. -Т.: 1991. 35-б.

2 Ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ. 1-жилд. -Т.: 1992. 81-бет.



Шунинг учун ҳам умумтаълим мактаб ўқувчиларига она тилидан урғу алоҳида мавзу сифатида ўқитилади. Жумладан, 5-синфда "25-§. Урғу. Урғули бўғин ва урғусиз бўғин"<sup>1</sup> Ёки 8-9-синфлар учун ўзбек тили дарслигида: "31-§. Маъно урғуси"<sup>2</sup> каби мавзулар ўргатилади.

Ҳадисларни ифодали ўқиш ва ёд айтишда мантиқий урғунинг хизмати катта. Шу сабабли ўқувчилар мантиқий урғу ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлмоқлари лозим. Мантиқий урғуни ўқувчилар ҳар доим ҳам осонликча топавермайди. Чунки мантиқий урғу яширинган бўлади. Ҳадислардаги яширинган мантиқий урғуни аниқлаш учун матнни бир неча карра ўқиб, асосий фикрни аниқлаш, сўнгра мантиқий урғули сўзни топиш мумкин. Мантиқий урғуни аниқлашда ҳадисдаги уюшиб келган бўлақларга, айрим гаплардаги таъкидловчи сўзларга ва маънони кучайтириш учун қўлланган такрорий сўзларга алоҳида эътибор бериш керак. Мантиқий урғу ёзувда вергул, баъзан ундов белгиси билан ажратилса, оғзаки нутқда қисқа пауза билан ажратилади:

**Абу Ҳурайра айтадилар: "Расулulloҳ: "Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Оллоҳ қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси, ота-онанинг дуоси",- деганлар.**<sup>3</sup> Ушбу ҳадисдаги уюшиқ бўлақлардан сўнг қисқа пауза қилинади ҳамда санаш оҳанги сўзловчининг нутқида ўз ифодасини топиши керак. Шунингдек, ўқувчи ҳадисдаги "дуоси" сўзининг тўрт марта такрорланганига диққат қаратмоғи лозим. Ўқувчилар такрорланган сўзнинг насрдаги радифланиш эканлигини англаб етишсин.

**Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: "Бир одам Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан: "Исломда энг яхши амал қайсидир?"-**

---

1 Она тили. 5-синф учун дарслик. М. Асқарова, К. Қосимова. - Т.: "Ўқитувчи", 1998. 99-101-бетлар

2 Ўзбек тили дарслиги. 8-9 синфлар учун. М. Асқарова, Й. Абдуллаев, М. Омилхонова. –Т.: "Ўқитувчи", 1991. 71-бет.

3 Уватов У. Донолардан сабоқлардан. – Т.: 1994. 12-бет.

деб сўради. Жаноб Расулulloх: "Очларни тўйғазмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг",- деб жавоб қилдилар.<sup>1</sup>

Бу ҳадис олдинги ҳадисдан шу билан фарқланадики, олдинги ҳадисда бир хил маънони билдирган такрор сўз қўлланган бўлса, бунда "тўйғазмоғинг", "бермоғинг" сўзлари икки хил маънони ифода этаётган ўзаро оҳангдош сўзлар бўлиб, сажъланган. Бу эса ҳадиснинг бадиий таъсир кучини оширган ва оҳангдорлигини таъминлаган.

Улуғ тилшунос олим А. Ғуломов мантиқий урғу ҳақида қуйидагиларни айтади: "Ўзбек тилида логик (мантиқий) урғу бошқа кўпгина тиллардаги каби фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементни ажратиш учун хизмат этади. Бу ажратиш умуман ўша элементнинг кучли айтилиши биландир. Бу кучайиш ўша элементнинг сўнгги бўғинида ўзининг энг юксак нуқтасига этади. Бу ҳаво оқимининг кучайиши эмас, балки умумий тоннинг - оҳангнинг кўтарилишидир. Кўринадик, логик-мантиқий урғу семантика билан боғланган ҳодисадир. У элементларнинг муносабатини ойдинлаштиради, бош сўзни кўрсатади, бутун гапнинг фикрий йўналишини аниқлаб беради"<sup>2</sup>. Бундан шу нарса аён бўладики, мантиқий урғу бадиий матндаги асосий фикрни ифода этган сўзни ажратишга ёрдам беради. Мантиқий урғу тушган сўз ёки сўз бирикмасининг ўзига хос оҳангда талаффуз этилишини таъминлайди ва шу матндаги асосий фикрнинг тарбиявий таъсирчанлигини янада оширади,

пировард натижада ўқувчилар маънавиятининг юксалишига кўмаклашади.

Мантиқий урғу матндаги исталган сўзга тушиши ҳам мумкин: "Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир"<sup>3</sup>. Бу ҳадисдаги сўзларнинг ҳар бирига маъно урғусини бериб ифодали ўқиш мумкин:

**"Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир".**

**"Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир".**

---

1 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. -Т.: 1992. 144-бет.

2 Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. -Т.: 1947. 28-б.

3 Юз бир ҳадис. -Т., 1991. 16-бет, 31-ҳадис.

"Кишиларнинг яхшиси **халққа** фойдалироғидир".

"Кишиларнинг яхшиси халққа **фойдалироғидир**".

Ўқувчилар ўзаро мулоқот чоғида ёки бирор мавзу бўйича мустақил фикрларини оғзаки баён қилиш вақтида қисқача тўхтайдди, нафас олади ва ўпкаларини ҳавога тўлдириб яна ўз нутқларини давом эттирадидилар. Оғзаки нутқдаги ана шундай тўхташга, тиниш ёки кичик танаффусга пауза дейилади<sup>1</sup>.

Бадий асарларнинг барча жанрлари қатори ҳадисларни ҳам ифодали ўқишда ёки ёд айтишда паузанинг ўринли қўлланиши катта аҳамият касб этади. Ҳадисларда паузанинг тўғри қўлланиши матндаги фикрнинг тингловчига аниқ ва тўла етиб боришига ёрдам беради.

Ўқувчилар "Ифодали ўқиш" тўғарагида паузанинг грамматик пауза, мантиқий пауза ва психологик пауза сингари уч тури ҳақида назарий тушунчага эга бўлишлари керак. Шундагина, паузадан тўғри фойдаланиб, ҳадисларни ифодали ўқий олишади.

Ҳадисни ифодали ўқиш ва ёд айтишда тиниш белгилари қўйилган ўринларда қисқа пауза қилинади. Бундай қилинган паузалар бир хил оҳангда амалга оширилмай, балки тиниш белгисининг турига қараб амалга оширилади. Тиниш белгилари асосида юзага келадиган пауза грамматик пауза ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари она тилининг пунктуация бўлими орқали вергул (,), ундов белгиси (!), сўроқ белгиси (?), кўп нукта (...), нуктали вергул(;), икки нукта (:), тире (-), қавс () қўштирноқ (""), нукта (.) каби тиниш белгилари билан танишадилар. Бу тиниш белгиларининг кўпчилиги ҳадисларда ҳам фаол ишлатилади.

Вергул тиниш белгиси ҳадисларнинг жуда кўп ўрнида қўлланилади. Бу тиниш белги уюшиқ бўлақларда, кириш сўзларда, ундалмаларда, боғловчилар қатнашган гапларда қўйилади. Агар уюшиқ бўлақлар

---

1 Орипов Қ. Обидова М. Ифодали ўқиш. – Т.: "Ўқитувчи", 1994. 51-бет.

гуруҳланган ҳолда қўлланса, ҳар гуруҳ орасида ҳам, дам, ёки, ё, баъзан, гоҳ, на, чунки, чунким каби боғловчилар келиши мумкин.

**Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: "Зинокор айна вақтда мўмин бўлолмайдди, чунким ул зино қилаётганида иймонидан ажрағайдур, ичимлик ичғувчи айна вақтда мўмин бўлолмайдди, чунким ул ичимлик ичаётганида иймонидан ажрағайдур, ўғри айна вақтда мўмин бўлолмайдди, чунким ул ўғрилиқ қилаётганида иймонидан ажрағайдур ҳамда қароқчи айна вақтда мўмин бўлолмайдди, чунким ул одамларни бақрайтириб қўйиб талончилик қилаётганида иймонидан ажрағайдур!"**<sup>1</sup> Бу ҳадисда уюшиқ бўлақлар гуруҳлашган ҳолда қўлланиб, "чунким" эргаштирувчи боғловчиси тўрт бор такрорланган. Ҳар бир боғловчидан олдин вергул қўйилган. Ифодали ўқиш вақтида шу тиниш белгилари ўрнида қисқа пауза қилинади. Шунингдек, ўқувчилар диққатини ҳадисда такрорланган "ул", "айни вақтда", "иймонидан ажрағайдур", "мўмин бўлолмайдди" сўзларига қаратмоғи лозим. Бу сўзлар шунчаки такрорланиб қолмай, балки маънони кучайтириш ва ўзаро оҳангдошлиқни ҳосил қилишга хизмат этган.

Ҳадис матнларида ундов белгиси қўлланган ўринлар ҳам кўп учрайди. Ундов белгиси одатда ҳис-ҳаяжон гапларда қўлланарди. Ҳадисларда қўлланган ундов белгиси кўп ҳолларда панд-насиҳат, кўрсатма, эзгу ишларга ундаш маъноларини ифода қилган буйруқ гапларнинг охирига қўйилади: **Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Гумонсирамангизлар, гумондин ёлғонроқ сўз йўқдур, бадгумонлик қилиб, тирноқ остидан кир қидирмангизлар, жосуслиқ қилмангизлар, ўзаро нафратланиб, бир-бирингизга ёвқараш қилмангизлар, ўзаро урушмангизлар ва Оллоҳ таолонинг ўзаро иноқ биродар бандалари бўлингизлар!"**<sup>3</sup>

---

1 Ал-Бухорий. "Ал-жомий ас-саҳиҳ" .4-жилд. -Т.: 1992. 290-б.

3 Имом ал-Бухорий. Ал Жомий ас-саҳиҳ, 276 б.

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: "Бир бадавий Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: "Ё Расулуллоҳ, энг катта гуноҳ қайсидур?"- деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Оллоҳга ширк келтирмақ!"- дедилар. Бадавий: "Яна қайсидур?"- деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ота-онага оқлик қилмақ!"- дедилар. Бадавий: "Яна қайсидур?"- деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ёлғон қасам!"- дедилар. Шунда мен: "Ёлғон қасам недур?"- дедим. Жаноб Расулуллоҳ: "Ёлғон гапириб мусулмон одамнинг молини тортиб олмақ!"- дедилар.<sup>1</sup> Ушбу ҳадисдаги "келтирмақ", "қилмақ", "қасам", "олмақ" сўзлари ўзаро сажъланиб, бу сўзлардан сўнг ундов белгиси қўйилган. Оғзаки нутқда бу сўзлардан кейин пауза қилинади.

Ҳадиснинг ифодали айтилиши матн таъсирчанлигини оширади. Ўқувчилар гумонсираш, ўзгаларнинг ёмон сифатларини излаш, бир-бирига ёвқараш, ўзаро урушиш каби хатти-ҳаракатларнинг гуноҳ эканлигини тушуниб етишади. Иккинчи ҳадис орқали энг катта гуноҳ - Оллоҳни тан олмаслик, ота-онанинг дилини оғритиш, норизо қилиш, қаттиқ ранжитиш оқибатда падаркуш деб ном олиш, ёлғон гапириб ўзганинг молини ўзиники қилиш эканликларини англашлари лозим.

Ўқитувчи асосий эътиборни ҳадисдаги "Оллоҳга ширк келтирмақ!" жумласига қаратмоғи ва изоҳламоғи лозим. Оллоҳнинг ягоналигини тан олмаган кишидан ҳар қандай ёмонликни кутиш мумкин. Оллоҳнинг ягоналигини тан олган, унга иймон келтирган, ҳар лаҳзада уни унутмаган кишидан эзгуликни кутса, бўлади. Абдурахмон Жомий бу ҳақда шундай дейди: "Мард улдурким, халқ орасида бўлса ва инсофу адолат тарозуси устида турса ва бола-чақа қилса ва халқ билан қўшилиб яшаса ва халқ учун яшаса ва бир лаҳза Худони унутмаса".<sup>2</sup> Мард, мардлик тушунчаларини кўп ҳолларда кишилар бир ёқлама тушунишади. Ўзида мавжуд бўлган нарсаларни кўпчилик ўртасида ҳеч иккиланмай сарфлашни ҳам мардлик деб

---

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. Ал Жомий ас-саҳих, 331-бет.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб.-Т.: 1996. 286-б

англайдилар. Аслида, инсон мард бўлиши учун бошқа бир неча фазилатларни ўзида таркиб топтирган бўлмоғи лозим экан. Қачонки, инсон Оллоҳга ширк келтирмаса, халқ учун яшаса, мардлик фазилатини намоён қила олади.

Сўроқ белгиси одатда гапнинг мақсадига кўра бир тури саналган сўроқ гапларнинг охирига қўйилади. Сўроқ гапда сўзловчи суҳбатдошини ўз фикрига муносабат билдиришга ундайди: шу фикрни тасдиқлаш ёки инкор этишни талаб қилади, масалан: **Ибн Аббос ривоят қиладилар: "Бир аёл Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига келиб: "Онам ҳаж қилмоқни ният қилган эрдилар, афсуски, вафот этиб қолдилар. Мен онамнинг номларидан ҳаж қилсам бўлурму?"- деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ҳа, ҳаж қилсанг бўлғай! Айтғил-чи, онангнинг қарзи бўлганда тўларми эрдинг?"- дедилар. Ул: "Албатта!"- деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Онангнинг Оллоҳ таоло олдидаги қарзини узғил, чунким Оллоҳ таоло қарзга вафо қилинмоғига ҳақлироқдур!"- дедилар".<sup>1</sup>** Бу ҳадисда сўроқ гапни ҳосил қилувчи сўзлар қатнашмаган. Грамматик восита сифатида -му (бўлурму?), -чи (айтғил-чи), -ми (тўларми эрдинг?) юкламалари кетма-кет келтирилиб, сўроқ маъносини ҳосил қилган.

Кўп нукта фикрнинг тугалланмаганлигини, сўзловчининг яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун, бирор сўз ёки гапнинг туширилганлигини таъкидлаш учун ва сўзловчининг ўйлашини, фикр юритаётганлигини ифодалаш учун қўйилади. Масалан: **Эй одам фарзандлари, баданларингиз нозик (яъни, менинг азобимга бардош беролмайди), сафарларингиз узоқ, йўллар оғир, Сирот кўприги қилдан тез ва қози бўлиб сўроқ қилувчи оламнинг Парвардигори бор... Шуларни била туриб, бу ўткинчи дунё ва беҳуда неъматларга ва адо бўлиб тугайдиган ҳаётга қандоқ рағбат қиласизлар?!<sup>2</sup>**

---

<sup>1</sup> Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4 жилд.- 445-бет.

<sup>2</sup> Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4 жилд.- 445-бет.

**Эй одам фарзанди, қачон бало ва мусибатга йўлиқсанг мени ёдга оласан, лекин қачон у балони сендан кўтарсам, мени ҳеч танимас кишидек эсан чиқариб юборасан?<sup>1</sup>..**

Биринчи ҳадисдаги кўп нуқта сўзловчининг ўйланаётгани, фикр юритаётганини ифода қилган бўлса, иккинчи ҳадисдаги кўп нуқта сўзловчининг яна нимадир демоқчи эканлигини ифода этапти. Оғзаки нутқда кўпнуқта ўрнида грамматик пауза қўйилади. Бу қилинган пауза сўроқ, вергул, ундов белгилари қўйилган тиниш белгиларидаги паузадан фарқ қилинган оҳангда юзага келади.

Ҳадисларда энг кўп қўлланиладиган тиниш белгиларидан бири икки нуқтадир (:). Ҳадисларда қўлланиладиган бу тиниш белги муаллиф гапидан сўнг кўчирма гапдан олдин қўйилади: **Абу Хурайра ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, фақат яхши сўз айтгайдир, йўқса сукут қилгайдир, кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, кўшнисига озор бермагайдир, кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, меҳрибонини ҳурмат қилгайдир!"- дедилар**".<sup>2</sup> Бу ҳадиси шарифда икки нуқта икки ўринда қўйилган. Бу икки ҳолатдаги пауза бир хил бўлмайди. Биринчи паузага нисбатан иккинчи пауза қисқароқ бўлади. Бу ҳадис ўқувчиларни фақат ифодали ўқишга ўргатиб қолмай, шунинг билан бирга ширин сўзли бўлишга, кўшнисига озор бермай, уларга меҳр-оқибатли бўлишга ва меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйишга даъват қилади.

Юқоридаги ҳадисда асосан уч фазилат улуғланган бўлиб, шулардан биринчисида шундай матн мавжуд: "Кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, фақат яхши сўз айтгайдир, йўқса сукут қилгайдир..."

Ҳадиснинг шу қисми таъсирида Абдулла Авлоний шундай мисралар ёзган:

Сўзласанг сўзла яхши сўзлардин,

---

1 Ҳадиси кудсий.- Т.: 1996. 8-бет.

2 Имом ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ. 211-бет

Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.<sup>1</sup>

"Ифодали ўқиш" тўгарагида грамматик паузаларнинг қўлланиши ҳадислар асосида ўргатилса, ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шаклланиши тезлашади ва таълим самарали бўлади.

Юқоридаги ҳадиснинг иккинчи фазилати шундай: "...кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, қўшнисига озор бермагайдир..." Ҳадисдаги "қўшнисига" сўзи фақат ён қўшни маъноси билан чегараланиб қолмай, чегарадош халқ, уруғ, қабила каби маъноларни ҳам ўзида жам этган.

Ниҳоят, ҳадисда келтирилган учинчи сифат, меҳмонни ҳурмат қилиш бўлиб, бу ҳақда шундай дейилади: "... кимки Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига ишонгайдир, меҳмонни ҳурмат қилгайдир!" Ўқувчиларнинг диққат-эътибори шу нарсага қаратилиши керакки, хонадонга ташриф буюрган меҳмонни киши қариндош ёки бегоналигига, бой ёки камбағаллигига, амалдор ёки оддий касб эгаси бўлишига қараб ҳурмат қилмасин.

Бадий матнларда тиренинг ишлатилиши қонуниятлари бир неча хилдир. Аммо ҳадисларда қўйиладиган тире асосан битта қонуниятга асосланади. Кўчирма гап билан муаллиф гапи орасида қўйилади: **Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: "Ҳалоллик йўқолиб кетганда қиёмат бўлмоғини кутавергил!"- дедилар. "Ҳалоллик қай тарика йўқолиб кетгайдир " - деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: "Иш нолойиқ одамларга топширилганда қиёмат бўлмоғини кутавергил!"- деб жавоб қилдилар".<sup>2</sup>**

Бу ҳадисда уч бора тире қўлланган бўлиб, мантдаги "дедилар", "деб сўрашди", "деб жавоб қилдилар" кесимларидан олдин қўйилган. Тиредан олдин қўштирноқ ва ундов белгиси, қўштирноқ ва сўроқ белгиси,

---

1 А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ,- Т.: "Ўқитувчи", 1992. 11-бет.

2 Ал-Бухорий, "Ал-жомий ас-саҳиҳ". 4-жилд. – Т.: 1992. 215-216 бетлар.



қўштирноқ ва ундов белгиси қўйилган. Биринчи ва учинчи тире қўлланган ўринларда қилинган паузада таъкидлаш, ундаш маънолари, иккинчи тире қўлланган ўринда қилинган паузада сўраш маънолари ўз ифодасини топган. Ушбу ҳадисни ифодали ўқиш билангина чекланиб қолмай, ҳадисдаги асосий фикр, ғояга ҳам диққат қаратилмоғи керак.

Ушбу ҳадисда ўзига хос сўз ўйини ҳам қўлланган. "Ҳалоллик қай тариқа йўқолиб кетгайдир?"- деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: "Иш нолойиқ одамларга топширилганда қиёмат бўлмоғини кутавергил!"- деб жавоб қилдилар". "...қиёмат бўлмоғини кутавергил!" гапи, гарчи қатнашмаётган бўлса-да , "ҳалоллик йўқолиб кетади" гапи ўрнида қўлланган. Чунки расулуллоҳдан: "Қиёмат қачон бўлгайдир?"- деб эмас, "Ҳалоллик қай тариқа йўқолиб кетгайдир?" - деб сўралган.

Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёматнинг қай фурсатда ва қачон бўлишини бундан бошқа бир қатор ҳадисларида ҳам баён қилади: 38-боб. **Анас ибн Молик ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мен пайғамбар қилиб юборилганимда қиёматнинг маннави икки бармоғим орасини очиб ёпганимчалик тез фурсатда содир бўлиб ўтмоғи аён қилинади",- дедилар".**

39-боб. **Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: Қуёш ботадирган томонидан чиқмагунча қиёмат бўлмағайдир. Қуёшнинг ўша томондан чиққанини кўрган барча одамлар иймон келтира бошлагайдирлар, аммо энди, уларнинг иймон келтиганларидан фойда бўлмағайдир, чунким улар бундан илгарироқ иймон келтирмагандирлар ва иймонли бўлиб бирор хайриятга эришмагандирлар. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто сотмоқ бўлиб кийимларини бир-бирларига ёйиб кўрсатиб турган икки киши савдолашиб ҳам, уни ўраб бериб ҳам улгурмағайдир. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто киши туясини соғиб, сутини ичолмай қолғайдир. Қиёмат шул қадар тез содир**

**бўлғайдирким, ҳатто киши ҳовузчасига сув тўлдирмоқ бўлиб (ариқнинг сувини) тўсиб улгуролмайдир. Қиёмат шул қадар тез содир бўлғайдирким, ҳатто киши қўлига таом олиб оғзига солиб улгурмагайдир!"<sup>1</sup>**

Юқорида келтирилган ҳадислар бир-бири билан мазмунан чамбарчас боғлиқдир. Ҳадисдан шу нарса аён бўладики, қиёматнинг бўлиши муқаррар. Айни пайтда қиёматнинг бўлишига асосий сабабчи - инсон, инсоннинг иймон келтирмаганлиги, ҳаётда иймон талабларига риоя қилмаганлигидир. Инсон иймон келтирмас экан, у ерда ҳалоллик, виждон, ор-номус, меҳр-оқибат бўлмайди. Бу фазилатларнинг йўқолиб бориши қиёматнинг яқинлашишини таъминлаб бораверади.

Ифодаланаётган фикрга ёки унинг бирор бўлагига қўшимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга олинади. Қавсдан олдинги тиниш белгилари (вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире) қавсдан сўнгга кўчирилади. Қавс ичига олинган матн оғзаки нутқда икки томондан қисқа пауза қилинади: **Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: "Бир одам йўлда кетаётган эрди, чанқаб қолди, бир қудуқни топди-да, ичига тушиб сув ичди. Кейин, қудуқдан чиқиб эрди, бир итнинг чанқоқдан ҳарсиллаб туфроқнинг намини ялаётганини кўрди. Шунда у ўзига-ўзи "Бу ит ҳам менинг сингари чанқаб қолибди", - дея қудуққа қайтиб тушиб, маҳсисининг қўнжида сув олиб чиқди-да, итга ичирди. Оллоҳ таоло (ҳайвонга қилган меҳрибончилиги учун) ундан миннатдор бўлиб, гуноҳларини афв қилди". Одамлар: "Ё Расулуллоҳ, бизга ҳайвонлардан савоб тегадирми?" - деб сўрашди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ҳар бир тирик жондан сизларга савоб теккусидир!" - деб жавоб қилдилар".<sup>2</sup>**

---

1 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4-жилд. -Т.: 1992. 219-бет.

2 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 4-жилд. -Т.: 1992. 87-бет.

Ушбу ҳадисда ифодаланаётган фикрга қўшимча изоҳ берувчи матн (хайвонга қилган меҳрибончилиги учун) дир. Бу ҳадиснинг ўқувчиларга тарбиявий аҳамияти ҳам катта бўлиб, ўқувчиларнинг ҳайвонот оламига бўлган муносабатларининг яхшиланишига кўмаклашади. Ўқувчилар бу ҳадисни чуқур ўрганишлари туфайли нафақат уй ҳайвонларига яхшилик қилиш кераклигини, балки тоғ, ўрмон, чўл, сув ҳайвонларига -жонзотларига ҳам меҳрибонлик қилиш кераклиги катта савоб эканлигини англаб етишади.

Ҳадиси шарифда энг кўп ишлатиладиган тиниш белгиларидан яна бири кўштирноқдир. Имом ал-Бухорийнинг "Ал-жомий ас-саҳиҳ" китобларидаги ҳадисларнинг деярли барчаси кўчирма гап шаклида қўлланган. Бу кўчирма матнлар саҳобалар томонидан ривоят қилинган. Ривоят қилинган ҳадисларнинг кесими "деб жавоб қилдилар", "дедилар", "дер эрдилар", "деб айтдилар" каби феъллар билан ифодаланган. Юқорида келтирилган ҳадисдаги гаплар "дедилар", "дея", "деб сўрашди", "деб жавоб қилдилар" феъллари билан ифодаланиб, беш бора кўштирноқ ичига олинган. Бу йўсинда ҳадисларда қўлланган турли тиниш белгилари ўзига хос оҳангда ифодали ўқишни талаб қилади. Ҳар бир ҳадисдаги қилинган пауза шу ҳадисда қўлланган тиниш белгисига қараб қисқа, чўзиқ бўлади. Шунингдек, санаш, сўроқ, ундаш, таъкид маънолари ифодали ўқиш жараёнида ўз аксини топмоғи зарур.

Хулоса тариқасида шунини таъкидлаш жоизки, адабиёт тўғрақларида ҳадисларни ўрганиш юқоридаги тавсиялар асосида ташкил қилинса, ўқувчилар ҳадисларни қироат билан ўқийдиган бўлишади. Ифодали ўқишнинг бир қатор қонуниятлари билан танишишлари жараёнида она тилидан грамматика бўйича эгаллаган билим-кўникмаларини ҳам амалиётда қўллай олишади. Пунктуация бўйича олган билимлари эса ҳадисларни оғзаки ва ёзма баён қилишда қўл келади.

Бу фаслда ҳадисларнинг энг сара намуналарини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Бундай ҳадисларни адабиёт тўғрақларида ўрганиш

асносида ўқувчилар ахлоқини шакллантириш мумкин эканлиги исбот қилинди.

Учинчи бобда синфдан ташқари ўқиш машғулотида ҳадисларни ўқитиш воситасида ўқувчилар маънавиятини шакллантириш йўллари тадқиқ этилди. Олдинга сурилган назарий фаразлар мустақил ўқиш ва синфдан ташқари ўқиш машғулотида ҳамда адабиёт тўғрисида амалиётга жорий қилинди. Уларнинг амалиётга татбиқ қилиниши туфайли ўқувчилар тафаккури ва маънавиятида сезиларли силжишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.

#### 4.3. ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МАЗМУНИ ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ахлоқини яхшилашда ҳадислардан фойдаланишнинг турли жиҳатлари саккиз йил мобайнида синаб кўрилди. Шу синов натижалари биз олдинга сурган қарашларнинг яхши самара берганлигини кўрсатди.

Биз илгари сурган ғояларни умумтаълим мактаб амалиётида синаб кўришдан олдин адабиёт ўқитувчиларининг ҳадисларни ўқитишга бўлган муносабатлари ўрганиб чиқилди. Бунда муаллимларнинг ҳадисларни ўқитишдан мақсад ва вазифалар нималигини қандай тушунишларига алоҳида эътибор берилди. Ўқитувчиларнинг ҳадисларни ўқитишга бўлган муносабатлари қандай эканлигини аниқлайдиган бир неча саволлар берилиб, жавоблар олинди (1-жадвал).

Бу сўровлар шуни кўрсатдики, мактабда ҳадисларни ўқитишга ўқитувчиларнинг ўзлари турлича ёндашар эканлар. Ачинарли томони шундаки, ўқитувчиларнинг кўпчилик қисми ҳадиси шарифни болаларга одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш мақсадидагина ўқитилади деб қарашади. Ваҳоланки, ҳадислар ўқувчилар маънавиятининг сиртқи жиҳатини пардозлаш учун эмас, балки унинг моҳияти бўлмиш ахлоқнинг баркамоллигини таъминлаш мақсадида ўқитилади. Синов мобайнида яна шу нарсанинг гувоҳи ҳам бўлдикки, ўқитувчиларнинг маълум бир қисми ҳадисларни бадий матн сифатида эмас, шунчаки панд-насихатдан иборат матн сифатида қарашади (1-жадвалнинг 3 банди).

Ўқитувчиларга берилган анкета саволларидан бири "Ҳадисларнинг ўқитилишида нималарга алоҳида эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?" эди. Дастлабки тажрибада ўқитувчиларнинг аксарият қисми ҳадисларнинг мазмунини сўзлаш ва қайта ҳикоя қилиб бериш ҳамда матндан келиб чиқадиган хулосани топишга эътибор бериш керак деб жавоб беришди.

Фақат охирги тажрибадагина ўқитувчиларнинг катта қисми ҳадисларнинг илоҳий маъноларидан ташқари, бадий хусусиятларини очишга ҳам диққат қаратишларини таъкидлашди.

Ўқитувчиларнинг мактаб адабий таълимида ҳадисларни ўқитишга бўлган муносабатлари қандай қилиб самара берадиган томонга ўзгарди? Бундай натижага тажриба бошланган дастлабки давр билан синовнинг охиригача бўлган вақт оралиғида ўтказилган курслар, семинарлар, очик дарслар, давра суҳбатлари эвазига эришилди.

Тажриба-синов мобайнида ҳадисларнинг ўғил ва қиз болалар томонидан қабул қилинишдаги фарқлар даражаси ҳам аниқланди. Ўқувчиларнинг ҳадисларни қабул қилиш даражаси турли синфларда турлича бўлиши кузатилди. Олиб борилган синов натижасига кўра қиз болаларнинг ўғил болаларга нисбатан ҳадисларни қабул қилиши юқори эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Синов ва назорат синфларда ўқувчиларнинг ҳадисларни англаш даражаси ҳисоблаб чиқилди. Бунда ўқувчиларга ҳадисдаги сўзларнинг луғавий маъносини англаш, ҳадисдаги ўзи ёқтирган фазилатларни аниқлаш, матндаги сўзларнинг моҳиятини тушуниш, маълум ҳадисларни ёқтирганлиги сабабини асослай олиш, ўзлаштирилган ҳадисларнинг мавзусини тўғри белгилаш ва гуруҳларга ажратиш, ўқилган ҳадисдаги асосий фикрни тўғри англаш, ўқилган ҳадисга бошқа жанрлардаги матнларни қиёслай олиш каби талаблар қўйилди. Ўқувчиларга қўйилган бир хил талабга берилган жавоблар турлича бўлганлиги синов натижасида намоён бўлди (3-жадвал). Синов натижалари болаларнинг ҳадисларга бўлган муносабатларини ижобий томонга бурибгина қолмай, балки уларнинг ўзлаштириш даражалари ҳамда ахлоқий қиёфаларида ҳам ўзгариш ясаганлигини кўрсатди (4-жадвал). Бунда ўқитувчи олдига: адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ҳадисларни ўзлаштиришдаги иштироки қандай бўлишини истайсиз, ўқувчиларни баҳолашда сиз ўқувчиларнинг

қайси жиҳатларини алоҳида эътиборга оласиз каби саволлар қўйилди.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларига ҳадислардан сабоқ олишда фақат 5-синф учун тузилган "Адабиёт" дарслик-мажмуаси манба вазифасини ўтаб қолмай, турли йилларда нашр қилинган қўлланмалар, рисоалар, мақолалар ҳам манба сифатида дарс жараёнига татбиқ қилинди (5-жадвал).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчилар ахлоқини шакллантириш, уларнинг ўзлаштиришлари ҳамда ахлоқ-одобида қандай ижобий натижалар берганлигини ҳисобга олишда ҳадисларни ўқитиш қандай самара берганлиги тажрибага тортилган 284 нафар V-IX синф ўқувчилари мисолида ўрганилди (6-жадвал). Ўқувчиларнинг ҳадисларни ўзлаштиришлари билан уларнинг ахлоқининг такомиллашуви сезиларли даражада ўзаро боғлиқ бўлганлигини тажриба натижалари кўрсатди.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, олдинга сурилаётган қарашлар ва методик тавсиялар мактаб ҳаётида синаб кўрилди ва бу қарашлар ҳамда методик йўналишларнинг юқори самара беришига тўла ишонч ҳосил қилинди.

“Ўқувчилар ахлоқини синфдан ташқари ишлар ёрдамида такомиллаштиришда ҳадисларни қўллаш” боби юзасидан қуйидаги хулосага келинди.

1. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ҳадисларни синфдан ташқари ўқиш машғулотида ўрганишлари жараёнида ҳар бир қилинган яхши амаллари учун савоб олиши, ёмонликлари учун гуноҳ ёзилишини англаб етсалар, уларда эзгу фазилатлар таркиб топиши тезлашади.

2. Ўқувчиларда маънавий фазилатлар шакллантиришда синфдан ташқари ўқилган ҳадислар билан бошқа адабий жанрлардаги асарлар уйғунлиги ва изчиллигига эришилса, уларда аниқ ҳаётий позицияга эга бўлиш, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, савоб ишларни қилишга иштиёқ кучайишига эришилади.

3. Адабиёт тўғараги машғулотида ҳадисларни ифодали ўқиш

билан имло қоидаларига риоя қилиш кўшиб олиб борилса, ўзлаштириш осонлашади, уларнинг тарбиявий таъсир кучи ортади.

4. Адабиёт дарсларида ҳадисларни ўқитишнинг мавқеини кўтариш учун тест, сўровлар нафақат ўқувчилар ўртасида, балки ўқитувчилар ўртасида ўтказилиб, аниқланган бўшлиқлар тўлдирилса, ўқитувчи ва ўқувчилар ахлоқида ижобий ўзгаришлар юз беради.

## **И Л О В А Л А Р**

1-жадвал



## Ўқитувчиларнинг мактабда ҳадис ўқитишга бўлган муносабатлари

Ўқитувчиларга берилган саволлар	Жавоблар	Синов бошида	Синов охирида
Мактабда ҳадислар нима учун ўқитилади?	а) Ўқувчилар савиясини ошириш учун	11	2
	б) болаларга ахлоқ меъёрларини сингдириш учун	32	28
	в) ўқувчилар маънавиятини шакллантириш учун	20	33
Адабиёт дарсларида ҳадисларни ўқитиш қандай мавқеда бўлиши керак?	а) бошқа жанрдаги асарлар билан тенг мавқеда	22	43
	б) бошқа асарлардан юқори мавқеда	8	14
	в) бошқа матнлардан қуйи мавқеда	33	6
Ҳадисларнинг ўқитилишида нималарга алоҳида эътибор берасиз?	а) ҳадис мазмунини тушуниб, қайта сўзлатишга	21	13
	б) ҳадиснинг илоҳий маъносини очишга	19	36
	в) матн хулосасини топишга	23	14

**Ҳадисларни ўрганишда қиз ва ўғил болалар ўртасидаги фарқни  
кўрсатувчи жадвал**

Синфлар	Ўқувчилар сони			Ҳадисга қизиққан		Фарқ %
	жами	қизлар	ўғлонлар	қизлар %	ўғлонлар %	
V	26	14	12	28,0	22	6,0
VI	25	16	9	26,7	20	6,7
VII	25	15	10	36	31	5
VIII	28	20	8	30	25	5
IX	29	21	8	34	27	7


**Ўқувчиларнинг ҳадисларни англаш даражасини ҳисобга олиш  
жадвали**

Қўйилган талаблар	Назорат (8-"б" синф)	Синов (8-"а" синф)
	25 ўқувчи	28 ўқувчи
Ҳадислардаги сўзларнинг луғавий маъносини билиш	63%	72%
Ҳадислардан ўзи ёқтирган ахлоқий фазилатларни аниқлаш	61%	70%
Айрим ҳадисларни ёқтириб қолганлиги сабабини асослаш	56%	63%
Ҳадисларни мавзусига кўра гуруҳларга тўғри ажратиш	58%	65%
Ҳадисдаги асосий фикрни тўғри англаш	45,4%	55%
Ўқилган ҳадисга баҳо бериш ва фикрни асослаш	39,2 %	47%
Ўқилган ҳадисларни бошқа жанрлардаги матнлар билан қиёслаш олиш	33,7%	85,6%
Ўқилган матннинг мавзусини аниқлаш ва унга сарлавҳа қўя билиш	51%	41%
Ўрганилган ҳадис юзасидан режа тузиш ва шу асосда фикр юритиш	42,9 %	59%
Ҳадисларни ифодали ёд айта олиш	56%	61%

**Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини ифодаловчи жадвал**  
(ўқитувчиларнинг сони 126 та)

Ўқитувчи олдига қўйилган муаммолар	Жавоблар	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Ўқувчиларнинг ҳадисларни ўзлаштиришдаги иштироки қандай бўлишини истайсиз?	1. Интизомли тингловчи	22	7
	2. Дарснинг фаол иштирокчиси	31	15
	3. Ўқитувчининг ҳамкори ва ҳамфикри	10	41
Ўқувчиларни баҳолашда сиз уларнинг қайси жиҳатларини алоҳида эътиборга оласиз?	1. Матнни ўзлаштириш даражаларини	33	17
	2. Ҳадисларни таҳлил қилиш малакаларини	22	15
	3. Ўқувчиларда ахлоқий сифатларнинг шаклланишини	8	31

**Ҳадисларни ўрганишда асосий манба сифатида фойдаланиладиган  
адабиётлар**



**Ҳадисларнинг самарали ўқитилиши билан ўқувчилар  
ўзлаштиришининг алоқадорлиги**

Синфлар	Ўқувчилар сони		Ўқувчиларнинг ўқув йили охиридаги ўзлаштириш даражалари		
	Назорат синф	Тажриба синф	Назорат синфларда %	Тажриба синфларда %	Фарқ %
5	35	35	25,7	37	11,3
6	30	31	23,3	29	5,7
7	22	25	18	24	6
8	23	29	30,4	48	17,6
9	26	28	23	32	9

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бугунги таълим тизими учун мактаб ўқувчиларининг ҳадисларни ўқиши, ёд олиши, бу ҳақдаги фикрларини ёзма ва оғзаки ифодалай олишига эришишнинг ўзи асосий мақсад эмас. Булар юксак ахлоқли комил инсонни шакллантириш учун хизмат қилувчи воситаларгина, холос. Ҳадисларни ўқитиш бутунисича ҳалолни ҳаромдан, яхшини ёмондан, савобни гуноҳдан, дўстни душмандан фарқлай оладиган баркамол шахсни шакллантиришга қаратилади. Ҳадис мазмунини мактаб ўқувчиларига сингдиришда юксак самарага эришиш учун давлат таълим стандарти, ўқув режалари, дарсликлар ҳамда методик рисола ва қўлланмаларни такомиллаштириш лозим.

Адабиёт дарсларида ҳадиси шарифни ўқитиш бошқа адабий жанрлардаги асарларни ўқитишдан жиддий фарқ қилади. Чунки бошқа жанрлар турли даврларда яратилган бадиий ҳақиқатларни акс эттиришни назарда тутаяди. Ҳадислар эса бир даврда яратилган бўлиб, бошқа даврларда яратилмаган ва шаръий ҳақиқатларни ўргатишга қаратилади.

Дарсликда берилган матнлар, луғатлар, муҳаддислар фаолиятига оид манбалар ва ҳадислар ҳақидаги назарий маълумотлар ҳадис матнларининг чуқур ўзлаштирилишига қаратилади. Уларни ўзлаштириш эса, ўқувчи шахсининг эзгу ахлоқий фазилатлар билан зийнатланишини кўзда тутаяди.

Ҳадисларни ўқитишдаги асосий тадбирлардан бири ўқув таҳлилидир. Таҳлил орқалигина ўқувчиларни ҳадис оламига олиб кириш мумкин. Усталик билан қилинган ўқув таҳлили болаларни миллий қадриятларга яқинлаштиради, ўқувчилар хулқида эзгу маънавий сифатларнинг шаклланишини таъминлайди. Таҳлилни амалга оширишда ўқувчиларнинг барчаси ўқитувчи қилган хулосага келиши шарт эмас, ҳар бир ўқувчининг хулосаси шу ўқувчининг шахсий фикри эканлиги; ҳадислар бўйича чиқарилган хулоса якуний бўлмаслиги; ҳадисларни таҳлил қилишда ҳам

ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкор шериклар бўлишига эришиш, муаллимнинг йўналтирувчи бўлишини таъминлашга эришиш ўқитувчининг диққат марказида туриши керак.

Таҳлил жараёнида ўрганилаётган ҳадислар бадиий адабиётнинг насрий турига мансуб эканлигини ҳисобга олиш ва таҳлилнинг шу турга мос йўлини танлаш дарснинг самарали бўлишини таъминлайди. Чунки бошқа адабий турдаги асарларни ўрганишда яхши натижа берган усул ҳадисларни ўрганишда фойда бермаслиги мумкин.

Таълим самарадорлигига эришишда синфдаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи бутун синфдаги ўқувчилар билан ишлаш жараёнининг ўзида ҳар бир болага алоҳида ёндашишни ҳам уйддалаши зарур.

Ҳадисларни ўқитишни тўғри йўлга қўйишда бугунги кун талабларига жавоб берадиган методик тавсиялар ва қўшимча адабиётлардан унумли фойдаланилганда адабиёт дарсларида ҳадисларни ўзлаштириш даражаси кўтарилиб, ўқувчиларда ахлоқий фазилатлар шаклланиши ортади. Чунки уларга мустақил фикр юритиш, маълум хулосага келиш имконияти берилади.

Ҳадис сабоқлари ўқувчиларнинг қалбига, ҳис-туйғуларига таъсир қилганлиги сабабли ҳам болаларнинг ҳаётга бўлган муносабатларини ижобий томон юз тутишига ундайди. Қалб - шуури эзгу ишларга тўла бўлган, ёмонликка нафрат билан қараб, яхшиликдан қалби қувончга тўладиган болаларда етук маънавий фазилатлар тез юзага келади. Англаб етилган ҳадислар ўқувчиларни руҳан тозаришга ундайди. Руҳан покланаётган мактаб ўқувчиси ўзини яхшилик қилишга, ҳалоллик сари боришга, савоб амалларни адо этишга сафарбар эта олади.

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар.

1. Sh. Mirziyoyev. “2017-2021- yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-T-2016.
2. Sh. Mirziyoyev. “Maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-3261-sonli qarori. T.2017. 30-sentabr.
3. Sh. Mirziyoyev. Maktabgacha ta’lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to’g’risidagi” PQ-5198-sonli qarori. T. 2017-yil 30-sentabr.
4. Sh. Mirziyoyev. Maktabgacha ta’lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-5198-sonli qarori. T. 2017-yil 30-sentabr.

### II. Илмий-педагогик адабиётлар:

1. Абдулазизова Бувхадича. Одоб гулшани, Гулистон 2003, 24 бет.
2. Абдулқодир Дада ўғли. Мусулмон аёлнинг ўз эри олдидаги вазифалари. –Т.: Маворауннахр. 2004 й, 15 бет.
3. Абдурахмон Жомий. Баҳористон. –Т.: Ёзувчи, 1997. 110– бет.
4. Асаллаев А ва бошқалар. Бадий санъат жозибаси, -Т.: 2005, 20 б
5. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 111–бет.
6. Алишер Навоий. Арбаъийн. – Т.: Мерос, 1991. 28-бет.
7. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 349– бет.
8. Алишер Навоий. Сирож ал-муслимин.-Т: 1992. 44-бет.
9. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. –Т.: Ўзкомпартия МК нашриёти, 1985. 141-бет



10. Ал-Бухорий. "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" 1-жилд. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. 560-бет.
11. Ал-Бухорий. "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" 2-жилд. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. 622-бет.
12. Ал-Бухорий. "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" 4-жилд.-Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. 526-бет.
13. Ал-Бухорий. Адаб дурдоналари. –Т.: "Ўзбекистон", 1990. 188-бет.
14. Ал-Бухорий. Солиҳ амаллар. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. 111-бет.
15. Абу Исо ат-Термизий. Аш Шамоил ан-набавийа, -Т.:Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. 208-бет.
16. Абу Исо ат-Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. 91-бет.
17. Арасту. "Ахлоқи кабир" асари.- "Мулоқот" журнали, 1998 йил, 4-сон, 46-50- бетлар.
18. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 255– бет.
19. Аҳмад Лутфий. Ҳижрат юртида тонг. Шарқ юлдузи. 1997. 7-82 -б.
20. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992. 160-б
21. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т.: "Фан", 1990. 169-бет.
22. Акбарзода Ғ. Таълими соний. -Т. Халқ мероси,1993. 21-бет.
23. Акбарий С. Ранж ва ганж. –Т.: Шарқ. 1998. 127-бет.
24. Алимардонова О., Назаров Қ. Ҳаёт ва турмуш одоби. -Т: 96. 128-б
25. Асқарова М., Қосимова Н. Она тили. 5-синф учун дарслик.-Т.: “Ўқитувчи”, 1998. 223-бет.
26. Асқарова М., Абдуллаев Й., Олимхонова М. Ўзбек тили дарслиги. 8-9- синф учун .-Т.: Ўқитувчи, 1991. 239-бет.
27. Баҳромова М. Миллий мафкура тушунчаларини шакллантиришда халқ ҳикматларининг ўрни. Халқ таълими. 2005, 1-сон. 28-бет.

28. Бекмуродов А. Бўлғуси ўқитувчилар шахсини ривожлантириш. Бошланғич таълим. 2005, 2-сон. 19-бет.
29. Болибеков А. Ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ҳадислардан фойдаланиш. || "Тил ва адабиёт таълими". 2000 йил. 6-сон. 17-бет.
30. Болибеков А. Ҳадислар - маънавият тарбиячиси. || "Бошланғич таълим". 2001 йил. 14-бет.
31. Ёқубов А. Сихат саломатлик йили: мазмун ва моҳият. –Т.:2005. 25 б
32. Жўраев Н. Агар огоҳсан сен... -Т.: “Ёзувчи”, 1998. 142 бет.
33. Жалололдин Мирзо. Ҳаким ат-Термизий маърифати. Халқ таълими. 2000, 3-сон. 49-бет.
34. Зиёев Т. Юз бир ҳадис. -Т.: "Меҳнат", 1991. 46-бет.
35. Зиёев Т. Ҳадис (олимлар, қозилар, ҳокимлар ҳақида). -Т.: Чўлпон, 1996. 72-бет.
36. Зуннунов А. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: “Ўқитувчи”, 1992. 329-бет.
37. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. -Т.: "Ўзб-н", 1997. 271-бет.
38. Иброҳимов А ва бошқалар. Ватан туйғуси. –Т.: "Ўзб-н". 1996. 23-бет
39. Иззат Султон. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. –Т.: "Фан", 1993.87 б
40. Ирисов А. Ҳикматларга тўла бу дунё. –Т.: Ўқитувчи, 1997. 112-бет
41. “Ишонч” газетаси. 1996. 11 сентябрь.
42. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. –Т.: 1996. 224-бет.
43. Йўлдошев Ж. Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. Т.: 2000. 52-бет.
44. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. –Пед. фанл. докт. илмий даражаси учун ёзилган дисс. -Т: 1997. 256-бет.
45. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1997. 232-бет.

46. Йўлдошев Қ. Ўзликни таниш Оллоҳни танишдир. || “Тафаккур” 1999. 5-сон.
47. Йўлдошев Қ. Адабий сабоқлар 7. Методик қўлланма. –Т.: "Билим", 2003. 142-бет.
48. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1996. 152-бет.
49. Каримов И. А. "Ўзбекистон": миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: "Ўзбекистон", 1996. 1-жилд. 81-бет.
50. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. 24-бет.
51. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. 31-б
52. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: "Ўзбекистон", 2001. 18-бет.
53. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". -Т.: "Ўзбекистон", 1997. 1-боб, 2-банди. Маърифат. 1998. 1-апрель.
54. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. Ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997. 415-бет.
55. Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик мажмуа. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000. 352-бет.
56. Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. -Т.: “Шарқ”, 2003. 239-бет.
57. Каримов Н ва бошқалар. Адабиёт. 5-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. -Т.: “Шарқ”, 2003. 192-бет.
58. Каримов Р. Юксак маънавият – келажак пойдевори. –Т.: 1997. 42-б
59. Каримов Р. ва бошқалар. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг тест – рейтинг технологияси. –Гулистон, 1998. 27-бет.
60. Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Т: 1993. 95-бет.

61. Каттабеков А. , Раҳмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик-мажмуа. 1997. 271-бет.
62. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. -Т: 1999. 270-бет.
63. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: "Маънавият", 1999. 277-б
64. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. -Т: 1999. 208-бет.
65. Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. –Т.: "Маънавият", 2001. 93-б
66. Комилов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун мажмуа. -Т.: Ўқитувчи, 1997. 256-бет.
67. Константинов Н.А. ва бошқалар. Педагогика тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1976. 520-бет.
68. Мансуров А. ва бошқалар. Ҳадис илми сабоқлари.-Т: 1999. 63-бет.
69. Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар.-Т.: Ўқитувчи, 1996, 207-бет.
70. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т:1994. 134-бет.
71. Маҳкамов У. Аҳмад Яссавий ҳикматлари. // Халқ таълими. 1993. 8-9 сонлар, 50-53 бетлар.
72. Муҳаммад Али. Ошиқ бўлмай, ҳақ дийдорин кўрса бўлмас. –Т.: "Ўзбекистон", 1992. 191-бет.
73. Мусурмонова О. ва бошқалар. Миллий истиқлол ҳояси ва маънавият асослари. 9 –синф. –Т.: "Маънавият", 2002. 112-бет.
74. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Т: 1991, 530-ҳадис.
75. Нишонова С."Маънавият" дарслари.||Халқ таълими. 2005. 5-сон, 63-б
76. Салоева М. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсларида узлуксизликни таъминлаш масалалари. || Узлуксиз таълим. –Т.: 2005, 3-сон. 94-бет.
77. М. Кенжаева. Баркамол авлодни тарбиялашда маънавий-маърифий тарбия ишларининг ахамияти. Гулистон. 2002, 5 бет.
78. Мухтасар (Р.Зоҳид, А.Дехқон) –Т.: Чўлпон, 1994, 3 бет.
79. М. Бекмуродов ва бошқалар. Социология. –Т.: 2000, 64-бет.

80. М. Ражабов. Тил - миллат маданияти кўзгуси. || Таълим ривож. 2002, 11- сон. 38 бет
81. Нишонова С. Ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари. 9-синф. –Т.: "Маънавият", 2003, 112 бет.
82. Орипов А. Сайланма –Т.: 1996, 82-бет.
83. Орипов Қ., Обидова М. Ифодали ўқиш.-Т.: Ўқитувчи, 1994. 135-б
84. Остонов С. Кўнгил бўстони, -Т.: 2002. 7 бет.
85. Остонов С. XXI аср фарзандига, -Т.: 2002. 5 бет.
86. Позилова М. Ўқувчи маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди учун ёзган диссертациясининг автореферати. –Т.: 2004. 21 бет.
87. Раҳимжонов Н., Кубаев Қ. Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди. –Т.: "Адолат", 2005. 113-бет.
88. Раҳимов А. Ҳадис жанри ҳақида. Тил ва адабиёт таълими. 1996. 39-42 бетлар.
89. Сафарова Р. Ўқувчи шахси маънавиятини шакллантирувчи асосий омиллар. || Узлуксиз таълим, 2004, 5 сон, 86 бет.
90. Саид Азим Муҳаммад Али. Имом Бухорий таърифи. -Т: 1996. 79-б
91. Сувонов О. ва бошқалар. Педагогик технологияларни қўллаш – давр тақозоси. || Халқ таълими. 2002. 5- сон, 31- бет.
92. Сирожиддинова М. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларида маънавий ахлоқий фазилатларни тарбиялаш. || Халқ таълими. 2005 й, 5 сон, 83 бет.
93. Саримсоқов Б. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти. 5 –синф учун дарслик мажмуа. –Т.: Ўқитувчи, 1997. 352 бет.
94. Саъдий Шерозий. Гулистон. –Т.: 1993. 101-бет.
95. Сухомлинский В. Тарбия ҳақида. -Т.: "Ёш гвардия", 1977. 215-бет
96. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин. –Т.: "Меҳнат", 1991. 95 бет.
97. Таълим тараққиёти. Умумий ўрта таълим стандарти ва ўқув дастури. 1999 йил. 1-махсус сон. 303-бет.

98. Таълим тараққиёти. –Т.: "Шарқ", 1999 йил. 7-махсус сон. 479-бет
99. Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 109-бет.
100. Тўйчибоев Б. ва бошқалар. Ўзбек тили ва адабиётидан дастур. - Т.: 1992. 22 бет.
101. Тўйчибоев Б. ва бошқалар. Ўзбек тилини ўрганамиз. -Т.: 1992. 54 б
102. Тўхлиев Б. Билим эзгулик йўли. -Т.: "Фан", 1990. 56 бет.
103. Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9- синф учун мажмуа. -Т.: Ўқитувчи, 1993. 256 бет.
104. Тўраева О., Туропова М. Одобнома. 5-синф учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1996. 128-бет.
105. Тўраева О. ва бошқалар. Одобнома. 8-синф учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1997. 126-бет.
106. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Т.: 1994, 6 бет.
107. Уватов У. Донолардан сабоқлар.-Т.: Қодирий номидаги нашриёт, 1994. 96 бет.
108. Уватов У. Муслим ибн Ал-Ҳажжож.-Т: 95. Халқ мероси., 64-б
109. Узоқов Ҳ., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси.- Т.: Ўқитувчи, 1992. 128-бет.
110. Умумтаълим мактабларининг 5-11 синфлари учун. “Адабиёт” 1996-1997 ўқув йилига йилига тахминий режалаштириш. .-Т.: Ўқитувчи, 1996. 9-бет.
111. Умаров М. ва бошқалар. Ўқиш китоби. 3-синф дарслиги. –Т.: Ижод дунёси, 2004. 240 бет.
112. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарт ва ўқув дастури. –Т.: Шарқ, 1999. 1-махсус сон. 170 бет.
113. Усмонов М.А. Ислом. Справочник. –Т.: Ўзбек Совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989. 333 бет.

114. Худоёрова З. ва бошқалар. Умумтаълим мактаблари учун тарбиявий мавзулар. Гулистон. 2004. 9-бет.
115. Худойбердиев И. Одамийлик саболари. –Т.: Ўқитувчи. 1993.120 б
116. Шайх Зоҳиджон Қодирхон Отахон ўғли. Пайғамбарлар қиссаси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. 94 бет.
117. Шерматова Л. Меросимиз дурдоналаридан фойдаланиш йўллари. Узлуксиз таълим. 2002. 98-102 бетлар.
118. Шожалилов ва бошқалар. Ўқиш китоби. 4-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002. 333 бет.
119. Шоҳиста Камол. Ота-оналарга маслаҳатлар. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 64 бет.
120. Эргаш Очилов. Муборак сарчашмалар. –Т.: Ўқитувчи, 1997. 50 б
121. Юз бир ҳадис. –Т.: "Меҳнат", 1991. 23 бет.
122. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. –Т.: "Ўзбекистон", 1997. 1-боб, 2-банд. “Маърифат” газетаси.1998 йил 1 апрель.
123. "Ўзбекистон"нинг миллий истиқлол мафкураси. Илмий тўплам. –Т.: 1993. 110-бет.
124. "Ўзбекистон"нинг миллий истиқлол мафкураси. –Т.: "Ўзбекистон", 1993. 109-бет.
125. Қаршибоев М. ва бошқалар. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари 8-синф. –Т.: "Маънавият", 2002. 110 бет.
126. Қори Низомиддин бин мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. –Т.: Ёзувчи, 1994. 16 бет.
127. Қосимов Б. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун мажмуа. - Т.: Ўқитувчи, 1993. 400-бет.
128. Қосимов Б., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. -Т: 2000. 340-бет.
129. Қуръони Карим. –Т.: Чўлпон, 1992. 544 бет.

130. Қуронов Д. “Адабиёт надур” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. -Т.: 2006. 24-бет.
131. Қурбонов Т. Одобнома. 9-синф учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1997. 155 бет.
132. Ғозиев Э. Психология. –Т.: Ўқитувчи, 1994. 221 бет.
133. Ғуломов М. ва бошқалар. Амалий машғулларда олти ёшли ўқувчининг математик тушунчаларини шакллантириш. -Т.: 1989. 27-бет.
134. Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу.-Т:1997. 28-бет.
135. Ҳадиси қудсий. -Т: 1998. 10-бет.
136. Ҳайитов Ш. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг манбалари ва ғоявий –бадий таҳлили. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т: 1997. 26-б
137. Ҳакимжонов А. Ҳикмат дурдоналари. -Т.:Меҳнат, 1993. 31-бет.
138. Ҳакимов Д. Бир сўзнинг имлоси хусусида баъзи мулоҳазалар. // Тил ва адабиёт таълими. 2000. 6-сон. 88-бет.
139. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида.-Т.: "Юлдузча", 1989. 51-б
140. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. 159-бет.
141. Ҳожиаҳмедов А. Жаннат калити. -Т.: Чўлпон, 1994. 92-бет.
142. Ҳаққулов И. Аҳмад Яссавий.-Т: 1991. 19-бет.
143. Ҳикматуллаев Х. Мансуров А. Ахлоқ – одобга оид ҳадис намуналари. -Т: 1990. 170-бет.
144. Ҳожиаҳмедов А. ва бошқалар. Ватан адабиёти. 8 –синф учун дарслик-хрестоматия. –Т.: Ўқитувчи, 1992. 300 бет.
145. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. –Т.: Шарқ, 1994. 332 бет.
146. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. -Т: 1994.110-б
147. Ғозиев Э. Психология. -Т.: Ўқитувчи, 1994. 134-бет.
148. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Педагогика фанлари



доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. .-  
Т.: 2004. 45-бет.

**БОЛИБЕКОВ АЛИШЕР  
РАСУЛОВА ЗОҲИДА  
ЮСУПОВА ҲИЛОЛА**

**МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ  
БОЛАЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Теришга берилди:02.12.2019 Босишга руҳсат этилди: 10.01.2020  
Бичими: 60.84/16. Офсет усули. Тимес гарнитураси.